ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ КАФЕДРАСИ

ХАЖИЕВ Б.Д., АБДУЛЛАЕВА М.К.,
ЮСУПОВ Р.А.

# ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ НАЗАРИЯЛАРИ

## ФАНИ БЎЙИЧА ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

Тошкент – 2017

УДК: 339.13 (156.64.72)

Хажиев Б.Д., Абдуллаева М.К., Юсупов Р.А. “Иқтисодий ривожланиш назариялари” фани бўйича ўқув-услубий мажмуа. –Тошкент: Иқтисодиёт, 2017 йил.

**Ғоя муаллифи:** иқтисод фанлари доктори, профессор Б.Ю. Ходиев

**Тақризчилар:**

Ш.Исроилова – ТДИУ “Иқтисодиёт назарияси” кафедраси доценти, и.ф.н.

Б.Мамарахимов – ТДИУ “Иқтисодиёт назарияси” кафедраси доценти, и.ф.н.

Иқтисодиёт назарияси кафедрасининг 2017 йил 4 июлдаги 42-сонли мажлисида муҳокама қилинган.

Ўқув-услубий мажмуа Тошкент давлат иқтисодиёт университети ўқув услубий Кенгашининг 2017 йил “___” __________даги _____-сонли қарорига мувофиқ ўқув жараёнига татбиқ этиш учун тавсия этилган.

© Иқтисодиёт, 2017 йил

# ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУАНИНГ ТАРКИБИЙ ТУЗИЛИШИ


| № | Мажмуанинг таркибий қисмлари | бетлар |
|---|---|---|
| 1. | Фаннинг ўқув дастурлари (намунавий ва ишчи)............................... | 5 |
| 2. | Ҳар бир мавзу учун ўқув-услубий материаллар............................... | 28 |
| 3. | Глоссарий........................................................................................ | 120 |
| 4. | Фан бўйича хорижий адабиётлар (электрон шаклда)....................... | |
| 5. | Ҳар бир мавзу учун тақдимотлар (электрон шаклда)....................... | |
| 6. | Қўшимча ўқув ва илмий материаллар (мақолалар, электрон шаклда)........................................................................................ | |
| 7. | Мавзуни ўзлаштириши учун қўшимча видеолар, кейс-стадилар ва бошқа материаллар (электрон шаклда)............................................ | |

# ФАННИНГ ЎҚУВ ДАСТУРИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

Рўйхатга олинди:

№ БД – 5111000 – 4.02

201__ йил “___” _____

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

_____________________

201__ йил “___” _____

# ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ НАЗАРИЯЛАРИ

# ФАН ДАСТУРИ

| | |
|---|---|
| **Билим соҳаси:** | 200000 – Ижтимоий соҳа, иқтисод ва ҳуқуқ |
| **Таълим соҳаси:** | 230000 – Иқтисод |
| **Таълим йўналиши:** | 5111000-Касб таълими (5230100-Иқтисодиёт) |

**Тошкент-2017**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 201__ йил “___” _____даги ___ -сонли буйруғининг ___ -иловаси билан фан дастури рўйхати тасдиқланган.

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг 201__ йил “___”_________ даги ___ -сонли баённомаси билан маъқулланган.

Фан дастури Тошкент давлат иқтисодиёт университетида ишлаб чиқилди.

**Тузувчилар:**

Б.Д. Хажиев − ТДИУ, “Иқтисодиёт назарияси” кафедраси мудири, иқтисод фанлари номзоди, доцент.

Р.А. Юсупов − ТДИУ, “Иқтисодиёт назарияси” кафедраси доценти, иқтисод фанлари номзоди, доцент.

**Тақризчилар:**

Т.Т. Жўраев − ТМИ, “Иқтисодиёт назарияси” кафедраси профессори, иқтисод фанлари доктори, профессор *(турдош ОТМ)*;

Х.П. Абулқосимов − ЎзМУ, “Иқтисодиёт назарияси” кафедраси профессори, иқтисод фанлари доктори, профессор *(турдош ОТМ)*;

Фан дастури Тошкент давлат иқтисодиёт университети Кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (201__ йил “___” ______________ даги “___” -сонли баённома).

## I. Ўқув фанининг долзарблиги ва олий касбий таълимдаги ўрни

Иқтисодий ривожланишнинг мазмуни, омиллари, ўлчамлари ва муаммоларини ўрганиш доимо иқтисодий фанлар ҳамда давлат сиёсатининг асосий вазифаларидан бўлиб келган. Ана шу каби муҳим масалаларни самарали ҳал қилиш кўп жиҳатдан инсонларнинг иқтисодий ривожланиш йўлларини, уларнинг талаб ва хусусиятларини, қонун-қоидаларини, амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг мақсад ҳамда моҳиятини чуқурроқ билишларига боғлиқ. Мамлакатимизда иқтисодий ривожланишни таъминлаш, иқтисодиётни модернизация қилиш ва диверсификациялаш бўйича танланган стратегия ҳамда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш натижасида иқтисодий ривожланишнинг барқарор суръатларини таъминлаш, аҳолининг моддий фаровонлигини юксалтиришга эришмоқда.

“Иқтисодий ривожланиш назариялари” фанини талабаларга ўқитишнинг асосий вазифалари иқтисодий ривожланишнинг хусусиятлари, механизмларининг амал қилиши, давлатнинг иқтисодий ривожланиш сиёсати ва унинг асосий йўналишлари, бу борадаги назарий қарашлар, унинг асослари ва манбалари каби билимлар билан талабаларни таништириш, миллий иқтисодиётнинг микро ва макродаражаларида иқтисодий сиёсат тамойилларини шакллантиришдан иборат.

## II. Ўқув фанининг мақсади ва вазифаси

Фанни ўқитишдан мақсад – талабаларга иқтисодий ривожланиш тўғрисидаги билимларнинг назарий асосларини, иқтисодий ривожланишнинг асосий тушунчаларини, иқтисодий қонунлар ва тамойилларини ўргатиш ҳамда уларни амалиётда татбиқ этиш кўникмасини ҳосил қилишдан иборат.

Ушбу мақсадга эришиш учун фан талабаларни назарий билимлар, амалий кўникмалалар, иқтисодий ҳодиса ва жараёнларга услубий ёндошув ҳамда илмий дунёқарашини шакллантириш вазифаларини бажаради.

Фан бўйича талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйидаги талаблар қўйилади. **Талаба:**

– иқтисодий ривожланиш тушунчаси ва асослари, иқтисодий ривожланиш омиллари, иқтисодий ривожланиш назариялари ҳақида **тасаввурга эга бўлиши**;

– иқтисодиёт ривожланиш назариялари асосларини, иқтисодий ривожланиш қонунлари, асосий тушунчалар, иқтисодий жараёнларнинг хусусиятларини **билиши ва улардан фойдалана олиши**;

– талаба иқтисодий ривожланиш жараёнларни таҳлил қилиш усулларини қўллаш, иқтисодий ривожланиш муаммолари бўйича ечимлар қабул қилиш **кўникмаларига эга бўлиши керак.**

## III. Асосий назарий қисм (маъруза машғулотлари)

### 1-мавзу. “Иқтисодий ривожланиш назариялари” фан сифатида

Иқтисодий ўсиш ва иқтисодий ривожланиш тушунчалари. “Иқтисодий ривожланиш назариялари” фанининг предмети. “Иқтисодий ривожланиш назариялари” фанининг услублари. “Иқтисодий ривожланиш назариялари” фанининг аҳамияти.

### 2-мавзу. Иқтисодий ривожланиш тўғрисидаги назариялар ва қарашлар

Иқтисодий ривожланиш даражаси. Микроиқтисодий ва макроиқтисодий ўсиш. Иқтисодиётнинг экстенсив ва интенсив ривожланиши. Ўзбекистоннинг иқтисодий имкониятлари, улардан унумли фойдаланиш ва иқтисодий ўсиш муаммолари. Иқтисодий ривожланиш тўғрисидаги назариялар (А.Смит, А.Маршалл, Ж.Кейнс қарашларининг моҳияти). Ҳозирги замон монетаризми, институционализм ва либерализм оқимлари намоёндалари қарашлари. Ўзбекистонда иқтисодий ривожланиш тўғрисидаги назарияларнинг шаклланиши. Мамлакатимизда таркибий ўзгаришларни ва иқтисодиётни диверсификация қилиш жараёнларининг давом эттирилиши.

### 3-мавзу. Иқтисодий ривожланиш омиллари ва шарт-шароитлари

Ишчи кучи, табиий ва моддий ресурслар, уларнинг заҳиралари ҳамда сифати иқтисодий тарққиётнинг дастлабки манбаи эканлиги. Иқтисодий ўсишнинг инвестицион салоҳияти. Инвестицион муҳит ва ҳудудни яратиш. Инновацион ресурслар. Иқтисодий ривожланишда кичик инновацион бизнеснинг роли. Технологик жараёнлар. Фан-техника ривожланиши иқтисодий ривожланишнинг муҳим омили сифатида. Таълим ва иқтисодий ривожланиш. Иқтисодий ривожланишга эришишда ижтимоий соҳанинг ўрни ва роли. Инсон - иқтисодий ривожланиш омили ва мақсади. Бошқарув иқтисодий ўсиш ресурси сифатида. Меҳнат унумдорлиги ва унинг иқтисодий ўсишга таъсири.

### 4-мавзу. Иқтисодий ривожланишнинг мезон ва кўрсаткичлари

Иқтисодий ривожланишнинг асосий мезони: қўшимча маҳсулотнинг кўпайиб бориши. Ишлаб чиқариш имкониятларининг кенгайиши. Аҳоли турмуш даражасининг ошиши. Меҳнат унумдорлигининг ўсиши. Иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари: Ялпи миллий маҳсулот, Ялпи ички маҳсулот, Соф миллий маҳсулот, миллий даромад. Иқтисодий ўсиш суръати ва самарадорлиги. Ўзбекистонда ўтган йилдаги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар бўйича юқори ўсиш суръатларининг таъминланиши.

### 5-мавзу. Иқтисодий тизимлар ва иқтисодий ривожланиш босқичлари

Иқтисодий ривожланиш босқичлари. Иқтисодий ривожланиш босқичларига бўлган турлича ёндошувлар: формацион, технологик ва маданийлашганлик нуқтаи назаридан ёндашиш. Иқтисодий муносабатлар тизими ва уларнинг иқтисодий ривожланишнинг айрим босқичларига хос бўлган хусусиятлари. Иқтисодий тизим ва унинг унсурлари. Иқтисодий тизимларнинг ривожланиш қонуниятлари. Иқтисодий тизимнинг иқтисодий муносабатлар ва уларнинг ўзгариб боришига таъсири. Иқтисодий муносабатларнинг такомиллашуви ва иқтисодий ривожланиш.

### 6-мавзу. Бозор иқтисодиёти – иқтисодий ривожланиш гарови сифатида

Бозор иқтисодиётининг товар-пул муносабатлари ривожининг маҳсули сифатидаги тарихийлиги. Бозор иқтисодиёти – товар хўжалиги ташкил этишнинг иқтисодий тизимидир. Классик на хозирги замон бозор иқтисодиёти, уларнинг умумийлиги ва фарқлари. Бозор иқтисодиётининг муҳим қонунлари: талаб қонуни, таклиф қонуни, киймат қонуни ва пул муомаласи қонуни. Бозор иқтисодиётининг амал қилиш механизмлари: талаб, таклиф, нарх ва рақобат. Бозор ва унинг тузилиши. Бозор

иқтисодиётининг афзаллик ва заиф томонлари. Бозор иқтисодиётининг маънавий негизлари. Ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган бозор иқтисодиёти.

### 7-мавзу. Иқтисодий ривожланишни таъминлашда давлатнинг роли: устувор йўналишлар ва вазифалар

Давлатнинг иқтисодий сиёсати: мазмуни, йўналишлари, тамойиллари ва амалга ошириш механизмлари. Иқтисодий ривожланишни таъминлаш – давлат иқтисодий сиёсатининг бош мақсади. Иқтисодий сиёсатнинг самарадорлиги ва уни аниқловчи мезонлар. Иқтисодий сиёсат субъектлари ва объектлари. Иқтисодиётни либераллаштириш ва модернизациялаш. Иқтисодий ислоҳотларнинг ҳозирги босқичидаги устувор йўналишлар: макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш, солиқ сиёсатини эркинлаштириш. Хусусий бизнес учун қулай шароитлар яратиш – хусусий мулкни ҳимоя қилишни кучайтириш, хусусийлаштиришни янада такомиллаштириш, кооперация алоқаларини кучайтириш. Ҳозирги даврдаги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида давлатнинг иқтисодиётни тартибга солишдаги ролига қарашларнинг ўзгариши.

### 8-мавзу. Иқтисодий ривожланишга эришишнинг хориж тажрибалари

Жаҳон мамлакатларининг иқтисодий ривожланиш даражасига кўра туркумланиши. Иқтисодий жиҳатдан ривожланган, ривожланаётган ва ривожланмаган мамлакатлар. АҚШ, Япония, Германия, Швеция, Хитой моделлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари. Ривожланган мамлакатларнинг иқтисодий сиёсатида ижтимоий масалаларнинг ўрни ва аҳамияти. Ривожланган мамлакатларда ишчи кучи ресурсларидан самарали фойдаланиш асослари ва хусусиятлари. Эркин иқтисодий ҳудуднинг яратилиши.

### 9-мавзу. Ривожланишнинг “Ўзбек модели” ва унинг ўзига хос хусусиятлари

Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланиш стратегияси ва концепцияси. Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш концепцияси ва стратегияси. Ўтиш давридаги иқтисодий сиёсатнинг беш тамойили. Бозор ислоҳотлари ва уларнинг асосий йўналишлари. Ислоҳотлар босқичлари ва вазифалари. Мулкдорлар синфи ва кўп укладли иқтисодиётнинг шаклланиши. Иқтисодиётда давлат ва нодавлат секторлари. Ўзбекистонда бозор иқтисодиёти инфратузилмасининг яратилиши, аҳолининг табақалашуви ва кучли ижтимоий сиёсат. Иқтисодиётни модернизациялаш масалалари ва уларнинг Ўзбекистонда ҳал қилиниши.

### 10-мавзу. Таркибий ўзгаришлар ва иқтисодий ривожланишнинг боғлиқлиги

Таркибий ўзгаришлар моҳияти ва манбалари. Таркибий ўзгаришларнинг зарурлиги ва шарт-шароитлари. Таркибий ўзгаришлар ва ихтисослашув. Глобаллашув шароитида таркибий ўзгаришларнинг хусусиятлари. Иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларидаги таркибий ўзгаришлар. Иқтисодиётнинг асосий секторлари: реал, бюджет ва пул секторларидаги ўзгаришлар. Давлат сектори ва хусусий сектор. Иқтисодиётнинг цикллилиги ва таркибий ўзгаришлар. Иқтисодий инқирозни бартараф этишда таркибий ўзгаришларнинг роли. Хорижий сармоялар ва технологияларни жалб этиш. Жаҳон

бозорида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш. Коммуникацияни ривожлантириш орқали таркибий ўзгаришларни амалга ошириш. Иқтисодий мутаносибликларни таъминлашда таркибий ўзгаришларнинг ўрни ва роли. Таркибий ўзгаришлар иқтисодий ривожланиш омили ва механизми сифатида.

### 11-мавзу. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик – иқтисодий ривожланиш гарови

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тушунчалари. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мезонлари. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакат иқтисодий ривожланишидаги ўрни. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмлари. Ўзбекистон иқтисодий ривожланишида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг тутган ўрни ва роли. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмларини такомиллаштириш йўллари.

### 12-мавзу. Иқтисодий ривожланишни таъминлашда қулай инвестицион муҳитнинг яратилиши

Инвестицияларнинг иқтисодий мазмуни ва турлари. Инвестицион муҳит ва унинг мамлакат иқтисодиётига таъсири. Қулай инвестицион муҳитнинг мезон ва кўрсаткичлари. Иқтисодий ривожланишни таъминлашда қулай инвестицион муҳитнинг ўрни ва роли. Ўзбекистоннинг инвестицион сиёсати ва уни такомиллаштириш йўллари.

### 13-мавзу. Иқтисодий ривожланишга эришишда аграр ислоҳотларнинг ўрни ва роли

Аграр муносабатлар ва уларнинг бозор тизимидаги хусусиятлари. Мамлакат иқтисодиётида аграр соҳанинг тутган ўрни. Ернинг ресурс сифатидаги ўзига хос хусусиятлари. Ер мулкчилик ва хўжалик юритиш объекти. Ижара муносабатлари. Ижара ҳақи. Ер рентаси тушунчаси. Ер рентасининг турлари: дифференциал рента, абсолют рента, монопол рента, ундирувчи саноат ва қурилиш участкаларидан рента. Рента тўловининг шакллари. Ўзбекистонда ерга ягона солиқ ва уни рўёбга чиқариш амалиёти. Ернинг нархи ва уни белгиловчи омиллар. Агросаноат интеграцияси. Агробизнес ва унинг турлари. Деҳқон, фермер ва ширкат хўжаликлари. Ўзбекистонда аграр ислоҳотларни амалга ошириш, фермер ва деҳқон хўжаликларини ривожлантиришнинг давлат дастурлари.

### 14-мавзу. Иқтисодий ривожланишда иқтисодий мувозанат ва мутаносибликнинг зарурлиги

Иқтисодий мувозанатлик тушунчаси, унинг турлари. Турғун ва муттасил ривожланиб борувчи мувозанатлик. Хусусий ва умумий мувозанатликлар. Макроиктисодий мувозанатликни таъминлашнинг бозор механизми ва давлат томонидан тартибга солиш механизми. Макроиктисодий мувозанатликларнинг бузилиш сабаблари, оқибатлари, уларни тиклаш усуллари. Мувозанатлик ва иқтисодий ўсиш. Иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар ва унинг иқтисодий мувозанатга таъсири. Иқтисодий мутаносибликлар ва уларнинг турлари. Тармоқлараро баланс ва унинг мазмуни. Ўзбекистон иқтисодиётига таркибий ўзгаришлар ва иқтисодиётни барқарорлаштириш

муаммолари. Ўзбекистонда ишлаб чиқаришнинг таркибий тузилишини қайта қуриш жараёнида макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш муаммолари.

### 15-мавзу. Иқтисодий ривожланишнинг цикллилик хусусияти

Иқтисодий ривожланишдаги номутаносибликлар ва уларниш намоён бўлиш шакллари. Цикллилик — иқтисодий ривожланишнинг умумий шакли эканлиги. Иқтисодий циклнинг монетаристик, иқтисодий беқарорлик (Ж.Хикс) назариялари. Иқтисодий циклда мультипликатор ва акселераторларнинг ўзаро таъсири. Иқтисодий циклнинг фазалари. Циклик тебранишлар. Инвестициялар ва бозор конъюнктурасидаги тебранишлар. Инновацион-инвестицион цикллар. Миллий ва жаҳон хўжалигидаги цикллар. Давлат иқтисодий сиёсатидаги циклга қарши тадбирлар. Мувозанатли ишчанли цикл ва сиёсий мақсадли цикл назариялари. Иқтисодий инқироз мазмуни, унинг моддий асоси, сабаблари ва турлари. Таркибий инқирозлар ва иқтисодиётдаги таркибий силжишлар. Н.Д.Кондратьевнинг “узун тўлқинлар” назарияси ва унинг ҳозирги замон талқини. Аграр инқирозлар ва унинг хусусиятлари. Ўзбекистонда инқирозли жараёнларнинг намоён бўлиш хусусиятлари ва уни бартараф этиш йўллари.

### 16-мавзу. Демографик ҳолатнинг мамлакат иқтисодий ривожланишига таъсири

Аҳоли ўсиши ва иқтисодий таққиёт ўртасидаги боғлиқлик тўғрисидаги турли хил назариялар. Дунё аҳолисининг ўсиш суръатлари ва структураси. Аҳоли динамикаси. Аҳоли ўсишининг яширин даври. Демографик трансформация. Аҳоли ўсишининг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари. Мальтус назарияси ва унга бўлган танқидий ёндашувлар. Аҳоли ўсиши ва иқтисодий ривожланиш. Аҳоли ўсиши ва атроф-муҳит. Ривожланган мамлакатларнинг ривожланаётган мамлакатларга иқтисодий ривожланишни амалга оширишдаги ёрдами. Аҳолининг миграцияси. Аҳоли ўсишининг зиддиятли томонлари. Аҳоли ўсиши иқтисодий ривожланишнинг асосий омилларидан бири эканлиги. Мамлакатда аҳоли структурасининг ўзгариши ва унинг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари. Ҳозирги босқичда касаначилик соҳаси бандлик ва оила бюджети даромадларини оширишнинг қўшимча манбаига айланиб бораётганлиги.

### 17-мавзу. Иқтисодий ривожланишнинг умумбашарий қонуниятлари

Жаҳон мамлакатларининг иқтисодий ривожланиши ва ўзаро иқтисодий боғлиқлигининг ўсиши. Халқаро меҳнат тақсимоти. Ишлаб чиқаришнинг байналминаллашуви. Халқаро иқтисодий байналминаллашувида фан-техника ривожланиши ва трансмиллий капиталнинг роли. Халқаро иқтисодий интеграция жараёнлари тўғрисидаги турлича назариялар ва уларнинг асосий йўналишлари. Халқаро иқтисодий интеграциянинг мазмуни ва шакллари. Жаҳон хўжалиги доирасида интеграцион тамойиллар. Янги халкаро иқтисодий тартиб. Жаҳон хўжалиги инфратузилмаси. Халқаро иқтисодий муносабатлар ва уларнинг асосий йўналишлари.

### 18-мавзу. Мамлакат иқтисодий ривожланишида халқаро савдонинг ўрни ва роли

Жаҳон бозори ва халқаро савдо. Халқаро нарх тизимлари. Миллий ва халқаро бозорларнинг ўзаро боғлиқлиги. Протекционизм ва эркин савдо. Ташқи савдо мультипликатори. Савдо баланси, экспорт ва импорт сиёсати. Ўзбекистон ташқи

иқтисодий алоқалар ривожининг устувор йўналишлари. Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодиётига қўшилишининг шарт-шароитлари. Ўзбекистон ташқи иқтисодий фаолиятининг асосий йўналишлари.

## IV. Амалий машғулотлар бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Амалий машғулотлар учун қуйидаги мавзулар тавсия этилади:

1. “Иқтисодий ривожланиш назариялари” фан сифатида;
2. Иқтисодий ривожланиш тўғрисидаги турли хил назария ва қарашлар;
3. Иқтисодий ривожланиш омиллари ва шарт-шароитлари;
4. Иқтисодий ривожланишнинг мезон ва кўрсаткичлари;
5. Иқтисодий тизимлар ва иқтисодий ривожланиш босқичлари;
6. Бозор иқтисодиёти – иқтисодий ривожланиш гарови сифатида;
7. Иқтисодий ривожланишни таъминлашда давлатнинг роли: устувор йўналишлар ва вазифалар;
8. Иқтисодий ривожланишга эришишнинг хорижий мамлакатлар тажрибалари;
9. Ривожланишнинг “Ўзбек модели” ва унинг ўзига хос хусусиятлари;
10. Таркибий ўзгаришлар ва иқтисодий ривожланишнинг ўзаро боғлиқлиги;
11. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик – иқтисодий ривожланиш гарови;
12. Иқтисодий ривожланишни таъминлашда қулай инвестицион муҳитнинг яратилиши;
13. Иқтисодий ривожланишда аграр ислоҳотларнинг ўрни ва роли;
14. Иқтисодий ривожланишда иқтисодий мувозанат ва мутаносибликнинг зарурлиги;
15. Иқтисодий ривожланишнинг цикллилик характери;
16. Демографик ҳолатнинг мамлакат иқтисодий ривожланишига таъсири;
17. Иқтисодий ривожланишнинг умумбашарий қонуниятлари;
18. Мамлакат иқтисодий ривожланишида халқаро савдонинг ўрни ва роли.

Амалий машғулотлар мультимедиа қурулмалари билан жиҳозланган аудиторияларда битта академик гуруҳга бир нафар профессор-ўқитувчи томонидан ўтказилиши зарур. Машғулотлар интерфаол усуллар ёрдамида ўтилиши, мос равишда муносиб педагогик ва ахборот технологиялар қўлланилиши мақсадга мувофиқ.

## V. Мустақил таълим ва мустақил ишлар

Мустақил таълим учун тавсия этиладиган мавзулар:

1. “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” Давлат дастуридан ўрин олган макроиқтисодий масалалар таҳлили;
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак” мавзусидаги маърузасида келтирилган устувор вазифалар;
3. Ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларини таҳлил қилиш ва 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегияни амалга ошириш йўналишлари;
4. Иқтисодий ривожланишнинг “Ўзбек модели” ва унинг ўзига хос хусусиятлари;й-иқтисодий
5. Ривожланган мамлакатлар тараққиётида иқтисодий муаммоларнинг ҳал қилиниши;
6. Япония ва Швеция моделларининг ўзига хос хусусиятлари;
7. Иқтисодий ривожланишни ифодаловчи асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар ва уларни ҳисоблаш усулларини такомиллаштириш масалалари;
8. Давлатнинг иқтисодий сиёсати: мазмуни, йўналишлари, тамойиллари ва амалга ошириш механизмлари;

9. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакат иқтисодий ривожидаги аҳамияти;
10. Ўзбекистонда ишлаб чиқаришнинг таркибий тузилишини қайта қуриш жараёнида макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш муаммолари;
11. Ривожланган мамлакатларда ишчи кучи ресурсларидан самарали фойдаланиш хусусиятлари.

Мустақил ишни ташкил этиш бўйича услубий кўрсатма ва тавсиялар, кейс-стади, вазиятли масалалар тўплами ишлаб чиқилади. Унда талабаларга асосий маъруза мавзулари бўйича амалий топшириқ, кейс-стадилар ечиш услуби ва мустақил ишлаш учун вазифалар белгиланади.

Мустақил ўзлаштириладиган мавзулар бўйича талабалар томонидан рефератлар тайёрлаш ва уни тақдимот қилиш тавсия этилади.

**Фан бўйича курс иши.** Курс иши фан мавзуларига тааллуқли масалалар юзасидан талабаларга якка тартибда тегишли топшириқ шаклида берилади. Курс ишининг ҳажми, расмийлаштириш шакли, баҳолаш мезонлари ишчи фан дастурида ва тегишли кафедра томонидан белгиланади. Курс ишини бажариш талабаларда фанга оид билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришга хизмат қилиши зарур.

Курс иши учун тахминий мавзулар:

1. “Иқтисодий ривожланиш назариялари” фан сифатида;
2. Иқтисодий ривожланиш тўғрисидаги турли хил назария ва қарашлар;
3. Иқтисодий ривожланиш омиллари ва шарт-шароитлари;
4. Иқтисодий ривожланишнинг мезон ва кўрсаткичлари;
5. Иқтисодий тизимлар ва иқтисодий ривожланиш босқичлари;
6. Бозор иқтисодиёти – иқтисодий ривожланиш гарови сифатида;
7. Иқтисодий ривожланишни таъминлашда давлатнинг роли: устувор йўналишлар ва вазифалар;
8. Иқтисодий ривожланишга эришишнинг хорижий мамлакатлар тажрибалари;
9. Ривожланишнинг “Ўзбек модели” ва унинг ўзига хос хусусиятлари;
10. Таркибий ўзгаришлар ва иқтисодий ривожланишнинг ўзаро боғлиқлиги;
11. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик – иқтисодий ривожланиш гарови;
12. Иқтисодий ривожланишни таъминлашда қулай инвестицион муҳитнинг яратилиши;
13. Иқтисодий ривожланишда аграр ислоҳотларнинг ўрни ва роли;
14. Иқтисодий ривожланишда иқтисодий мувозанат ва мутаносибликнинг зарурлиги;
15. Иқтисодий ривожланишнинг цикллилик характери;
16. Демографик ҳолатнинг мамлакат иқтисодий ривожланишига таъсири;
17. Иқтисодий ривожланишнинг умумбашарий қонуниятлари;
18. Мамлакат иқтисодий ривожланишида халқаро савдонинг ўрни ва роли.

## VI. Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбаалари

### Асосий адабиётлар

1. Mc Connell, Brue. Economics. 17th edition. Mcgraw-hill/Irwin, USA, 2014.
2. N.Gregory Mankiw. Principles of Economics, 7th edition. Amazon, USA 2016.
3. Paul A. Samuelson, William D. Nordhaus. Economics. 19th Edition. McGraw-Hill Companies. USA. 2015.
4. Шодмонов Ш.Ш., Ғофуров У.В. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. – Т.: Iqtisod-moliya, 2010. – 728 бет.

5. Мамбетжанов Қ.Қ. Ижтимоий-иқтисодий тараққиёт назарияси. Ўқув қўлланма. Т.:ТДИУ, 2015.
6. Макконнел К.Р., Брю С.Л. Экономикс: принципы, проблемы и политика: Учебник. / 17-изд. - М.: ИНФРА-М, 2009. – 916 с.
7. Нуреев Р.М. Экономическая развития: модели становления рыночной экономика: Учебник. / 2-е изд., перераб и доп.. – М.: «НОРМА», 2008. – 640 с.
8. Самуэлсон Пол Э., Нордхаус Вильям Д. Экономика.: Учебник. / 18-е изд.: Пер с англ. – М.: ООО «И.Д.Вильямс», 2009. – 1360 с.

## Қўшимча адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – Т.: Ўзбекистон, 2014. – 46 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январь. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017.
3. Инсон ривожланиши. Дарслик. И.ф.д., проф. Қ.Х. Абдураҳмонов таҳрири остида. – Т.: Fan va texnologiya, 2014. – 476 с.
4. Алиев И.М. Экономика труда: учебник для бакалавров. – М.: Юрайт, 2012. – 671 с.
5. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси: (2011 йил 1 июлгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан) Расмий нашр – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: Адолат, 2011. – 276 б.
12. Статистический ежегодник регионов Узбекистана. 2014. – Т.: Госкомстат Узбекистана. 2015. - 130 стр.

## Интернет сайтлари

1. www.gov.uz – Ўзбекистон Республикаси ҳукумати портали;
2. www.lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси;
3. www.economist.com;
4. www.worldeconomics.com;
5. www.tradingeconomics.com;
6. http://grad-schools.usnews.rankingsandreviews.com / best-graduate- schools / top-humanities-schools/economics-rankings;
7. www.ereport.ru - Обзорная информация по мировой экономике;
8. www.stplan.ru - экономика и управление;
9. www.catback.ru - научные статьи и учебные материалы по экономике.

# ФАННИНГ ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ

**Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги**

**Тошкент давлат иқтисодиёт университети**

**“Тасдиқланди”**
Ўқув ишлари бўйича проректор
______________ Г.Захидов
2017 йил “___” июнь

# ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ НАЗАРИЯЛАРИ

# ФАНИНИНГ ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ

**Билим соҳаси:** 100000 – Гуманитар соҳа
**Таълим соҳаси:** 110000 – Педагогика
**Таълим йўналиши:** 5111000 – Касб таълими (5230100-Иқтисодиёт)

Умумий ўқув соати – 244 соат

Шу жумладан:

Маъруза – 74 соат (5-семестр – 38 соат; 6-семестр – 36 соат);

Амалий машғулотлар – 74 соат (5-семестр – 38 соат; 6-семестр – 36 соат);

Мустақил таълим соати – 96 соат (5-семестр – 50 соат; 6-семестр – 46 соат).

**Тошкент – 2017 й.**

Фаннинг ишчи ўқув дастури Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги 201__ йил “___” _____даги ___ -сонли буйруғи билан (буйруқнинг ___ -иловаси) тасдиқланган “Иқтисодий ривожланиш назариялари” фани дастури асосида тайёрланган.

Фан дастури Тошкент давлат иқтисодиёт университети Кенгашининг 201__ йил “___” ______________ даги “___” -сонли баёни билан тасдиқланган.

**Тузувчилар:**

Б.Д. Хажиев – ТДИУ, “Иқтисодиёт назарияси” кафедраси мудири, иқтисод фанлари номзоди, доцент.

Р.А. Юсупов – ТДИУ, “Иқтисодиёт назарияси” кафедраси доценти, иқтисод фанлари номзоди, доцент.

**Тақризчилар:**

Т.Т. Жўраев – ТМИ, “Иқтисодиёт назарияси” кафедраси профессори, иқтисод фанлари доктори, профессор *(турдош ОТМ)*;

Х.П. Абулқосимов – ЎзМУ, “Иқтисодиёт назарияси” кафедраси профессори, иқтисод фанлари доктори, профессор *(турдош ОТМ)*;

ТДИУ Иқтисодиёт
факультети декани:
2017 йил “_____”______________________ ____________ Н. Каримов
*(имзо)*

“Иқтисодиёт назарияси”
кафедраси мудири:
2017 йил “_____”______________________ ____________ Б. Хажиев
*(имзо)*

## 1. Ўқув фани ўқитилиши бўйича услубий кўрсатмалар.

"Иқтисодий ривожланиш назариялари" фани талабаларни иқтисодий ривожланиш бўйича назарий билимлар, амалий кўникмалар, иқтисодий ривожланиш жараёнларига услубий ёндошув ҳамда илмий дунёқарашини шакллантириш вазифаларини бажаради.

Фан бўйича талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйидаги талаблар қўйилади. ***Талаба:***

– иқтисодий ривожланиш тушунчаси ва асослари, иқтисодий ривожланиш омиллари, иқтисодий ривожланиш назариялари ҳақида ***тасаввурга эга бўлиши***;

– иқтисодиёт ривожланиш назариялари асосларини, иқтисодий ривожланиш қонунлари, асосий тушунчалар, иқтисодий жараёнларнинг хусусиятларини ***билиши ва улардан фойдалана олиши***;

– талаба иқтисодий ривожланиш жараёнларни таҳлил қилиш усулларини қўллаш, иқтисодий ривожланиш муаммолари бўйича ечимлар қабул қилиш ***кўникмаларига эга бўлиши керак.***

## 2. Маъруза машғулотлари

1-жадвал

| № | Маърузалар мавзулари | Дарс соатлари ҳажми |
|---|---|---|
| **5-семестр** | | |
| 1. | "Иқтисодий ривожланиш назариялари" фан сифатида | 2 |
| 2. | Иқтисодий ривожланиш тўғрисидаги назариялар ва қарашлар | 4 |
| 3. | Иқтисодий ривожланиш омиллари ва шарт-шароитлари | 4 |
| 4. | Иқтисодий ривожланишнинг мезон ва кўрсаткичлари | 4 |
| 5. | Иқтисодий тизимлар ва иқтисодий ривожланиш босқичлари | 4 |
| 6. | Бозор иқтисодиёти – иқтисодий ривожланиш гарови сифатида | 4 |
| 7. | Иқтисодий ривожланишни таъминлашда давлатнинг роли: устувор йўналишлар ва вазифалар | 4 |
| 8. | Иқтисодий ривожланишга эришишнинг хориж тажрибалари | 4 |
| 9. | Ривожланишнинг "Ўзбек модели" ва унинг ўзига хос хусусиятлари | 4 |
| 10. | Таркибий ўзгаришлар ва иқтисодий ривожланишнинг боғлиқлиги | 4 |
| **5-семестр бўйича жами:** | | **38** |
| **6-семестр** | | |
| 11. | Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик – иқтисодий ривожланиш гарови | 4 |
| 12. | Иқтисодий ривожланишни таъминлашда қулай инвестицион муҳитнинг яратилиши | 4 |
| 13. | Иқтисодий ривожланишга эришишда аграр ислоҳотларнинг ўрни ва роли | 4 |
| 14. | Иқтисодий ривожланишда иқтисодий мувозанат ва мутаносибликнинг зарурлиги | 4 |
| 15. | Иқтисодий ривожланишнинг цикллилик хусусияти | 4 |

| | | |
|---|---|---|
| 16. | Демографик ҳолатнинг мамлакат иқтисодий ривожланишига таъсири | 4 |
| 17. | Иқтисодий ривожланишнинг умумбашарий қонуниятлари | 6 |
| 18. | Мамлакат иқтисодий ривожланишида халқаро савдонинг ўрни ва роли | 6 |
| **6-семестр бўйича жами:** | | **36** |

**Жами 74 соат**

Маъруза машғулотлари мультимедия қурулмалари билан жиҳозланган аудиторияларда академик гуруҳлар оқими учун ўтилади.

### 3. Амалий машғулотлар

2- жадвал

| № | Маърузалар мавзулари | Дарс соатлари ҳажми |
|---|---|---|
| **5-семестр** | | |
| 1. | "Иқтисодий ривожланиш назариялари" фан сифатида | 2 |
| 2. | Иқтисодий ривожланиш тўғрисидаги назариялар ва қарашлар | 4 |
| 3. | Иқтисодий ривожланиш омиллари ва шарт-шароитлари | 4 |
| 4. | Иқтисодий ривожланишнинг мезон ва кўрсаткичлари | 4 |
| 5. | Иқтисодий тизимлар ва иқтисодий ривожланиш босқичлари | 4 |
| 6. | Бозор иқтисодиёти – иқтисодий ривожланиш гарови сифатида | 4 |
| 7. | Иқтисодий ривожланишни таъминлашда давлатнинг роли: устувор йўналишлар ва вазифалар | 4 |
| 8. | Иқтисодий ривожланишга эришишнинг хориж тажрибалари | 4 |
| 9. | Ривожланишнинг "Ўзбек модели" ва унинг ўзига хос хусусиятлари | 4 |
| 10. | Таркибий ўзгаришлар ва иқтисодий ривожланишнинг боғлиқлиги | 4 |
| **5-семестр бўйича жами:** | | **38** |
| **6-семестр** | | |
| 11. | Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик – иқтисодий ривожланиш гарови | 4 |
| 12. | Иқтисодий ривожланишни таъминлашда қулай инвестицион муҳитнинг яратилиши | 4 |
| 13. | Иқтисодий ривожланишга эришишда аграр ислоҳотларнинг ўрни ва роли | 4 |
| 14. | Иқтисодий ривожланишда иқтисодий мувозанат ва мутаносибликнинг зарурлиги | 4 |
| 15. | Иқтисодий ривожланишнинг цикллилик хусусияти | 4 |

| | | |
|---|---|---|
| 16. | Демографик ҳолатнинг мамлакат иқтисодий ривожланишига таъсири | 4 |
| 17. | Иқтисодий ривожланишнинг умумбашарий қонуниятлари | 6 |
| 18. | Мамлакат иқтисодий ривожланишида халқаро савдонинг ўрни ва роли | 6 |
| **6-семестр бўйича жами:** | | **36** |

**Жами** **74 соат**

Амалий машғулотлар мультимедиа қурулмалари билан жиҳозланган аудиторияларда ҳар бир академик гуруҳга алоҳида ўтилади. Машғулотлар интерфаол усуллар ёрдамида ўтилади, “Кейс-стади” технологияси ишлатилади, кейслар мазмуни профессор-ўқитувчи томонидан белгиланади. Кургазмали материаллар ва ахборотлар мультимедиа қурулмалари ёрдамида узатилади.

## 5. Мустақил таълим

3-жадвал

| № | Маърузалар мавзулари | Дарс соатлари ҳажми |
|---|---|---|
| **5-семестр** | | |
| 1. | “Иқтисодий ривожланиш назариялари” фан сифатида | 4 |
| 2. | Иқтисодий ривожланиш тўғрисидаги назариялар ва қарашлар | 4 |
| 3. | Иқтисодий ривожланиш омиллари ва шарт-шароитлари | 4 |
| 4. | Иқтисодий ривожланишнинг мезон ва кўрсаткичлари | 4 |
| 5. | Иқтисодий тизимлар ва иқтисодий ривожланиш босқичлари | 4 |
| 6. | Бозор иқтисодиёти – иқтисодий ривожланиш гарови сифатида | 6 |
| 7. | Иқтисодий ривожланишни таъминлашда давлатнинг роли: устувор йўналишлар ва вазифалар | 6 |
| 8. | Иқтисодий ривожланишга эришишнинг хориж тажрибалари | 6 |
| 9. | Ривожланишнинг “Ўзбек модели” ва унинг ўзига хос хусусиятлари | 6 |
| 10. | Таркибий ўзгаришлар ва иқтисодий ривожланишнинг боғлиқлиги | 6 |
| **5-семестр бўйича жами:** | | **50** |
| **6-семестр** | | |
| 11. | Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик – иқтисодий ривожланиш гарови | 4 |
| 12. | Иқтисодий ривожланишни таъминлашда қулай инвестицион муҳитнинг яратилиши | 6 |
| 13. | Иқтисодий ривожланишга эришишда аграр ислоҳотларнинг ўрни ва роли | 6 |
| 14. | Иқтисодий ривожланишда иқтисодий мувозанат ва мутаносибликнинг зарурлиги | 6 |

| | | |
|---|---|---|
| 15. | Иқтисодий ривожланишнинг цикллилик хусусияти | 6 |
| 16. | Демографик ҳолатнинг мамлакат иқтисодий ривожланишига таъсири | 6 |
| 17. | Иқтисодий ривожланишнинг умумбашарий қонуниятлари | 6 |
| 18. | Мамлакат иқтисодий ривожланишида халқаро савдонинг ўрни ва роли | 6 |
| **6-семестр бўйича жами:** | | **46** |

**Жами** **96 соат**

Мустақил ўзлаштириладиган мавзулар бўйича талабалар томонидан рефератлар тайёрланади ва унинг тақдимоти ташкил қилинади.

***Фан бўйича курс иши.*** Курс иши фан мавзуларига тааллуқли масалалар юзасидан талабаларга якка тартибда тегишли (вариантланган) топшириқ шаклида 3-семестрда берилади. Курс ишининг ҳажми 40 бетдан кам бўлмаслиги, А4 форматдаги варақларда ёзилиши ва тикилиб расмийлаштирилиши зарур. Курс ишини бажариш тартиби кафедранинг услубий қўлланмасида келтирилган.

Курс иши учун мавзулар:

19. “Иқтисодий ривожланиш назариялари” фан сифатида;
20. Иқтисодий ривожланиш тўғрисидаги турли хил назария ва қарашлар;
21. Иқтисодий ривожланиш омиллари ва шарт-шароитлари;
22. Иқтисодий ривожланишнинг мезон ва кўрсаткичлари;
23. Иқтисодий тизимлар ва иқтисодий ривожланиш босқичлари;
24. Бозор иқтисодиёти – иқтисодий ривожланиш гарови сифатида;
25. Иқтисодий ривожланишни таъминлашда давлатнинг роли: устувор йўналишлар ва вазифалар;
26. Иқтисодий ривожланишга эришишнинг хорижий мамлакатлар тажрибалари;
27. Ривожланишнинг “Ўзбек модели” ва унинг ўзига хос хусусиятлари;
28. Таркибий ўзгаришлар ва иқтисодий ривожланишнинг ўзаро боғлиқлиги;
29. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик – иқтисодий ривожланиш гарови;
30. Иқтисодий ривожланишни таъминлашда қулай инвестицион муҳитнинг яратилиши;
31. Иқтисодий ривожланишда аграр ислоҳотларнинг ўрни ва роли;
32. Иқтисодий ривожланишда иқтисодий мувозанат ва мутаносибликнинг зарурлиги;
33. Иқтисодий ривожланишнинг цикллилик характери;
34. Демографик ҳолатнинг мамлакат иқтисодий ривожланишига таъсири;
35. Иқтисодий ривожланишнинг умумбашарий қонуниятлари;
36. Мамлакат иқтисодий ривожланишида халқаро савдонинг ўрни ва роли.

## 6. Фан бўйича талабалар билимини баҳолаш ва назорат қилиш меъзонлари

| | |
|---|---|
| **Баҳолаш усуллари** | Экспресс тестлар, ёзма ишлар, оғзаки сўров, презентациялар. |
| **Баҳолаш мезонлари** | ***86-100 балл «аъло»***<br>– фанга оид назарий ва услубий тушунчаларни тўла ўзлаштира олиш;<br>– фанга оид кўрсаткичларни иқтисодий таҳлил қилишда ижодий фикрлай олиш;<br>– ўрганилаётган жараёнлар ҳақида мустақил мушоҳада юритиш;<br>– меҳнат муносабатларига оид таҳлил натижаларини тўғри акс эттира олиш; |

<table>
<tr><td></td><td colspan="3">– ўрганилаётган жараёнга таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва уларга тўла баҳо бериш;<br>– таҳлил натижалари асосида вазиятга тўғри ва холисона баҳо бериш;<br>– ўрганилаётган иқтисодий ҳодиса ва жараён тўғрисида тасаввурга эга бўлиш;<br>– ўрганилаётган жараёнларни аналитик жадваллар орқали таҳлил этиш ва тегишли қарорлар қабул қилиш.<br>71-85 балл «яхши»<br>– ўрганилаётган жараёнлар ҳақида мустақил мушоҳада юритиш;<br>– таҳлил натижаларини тўғри акс эттира олиш;<br>– ўрганилаётган иқтисодий ҳодиса ва жараён тўғрисида тасаввурга эга бўлиш;<br>– ўрганилаётган жараёнга таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва уларга тўла баҳо бериш;<br>– ўрганилаётган жараёнларни жадваллар орқали таҳлил этиш ва тегишли қарорлар қабул қилиш.<br>55-70 балл «қониқарли»<br>– ўрганилаётган жараёнга таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва уларга тўла баҳо бериш;<br>– ўрганилаётган иқтисодий ҳодиса ва жараён тўғрисида тасаввурга эга бўлиш;<br>– ўрганилаётган жараёнларни аналитик жадваллар орқали таҳлил этиш.<br>0-54 балл «қониқарсиз»<br>– ўтилган фаннинг назарий ва услубий асосларини билмаслик;<br>– иқтисодий ҳодиса ва жараёнларни таҳлил этиш бўйича тасаввурга эга эмаслик;<br>– ўрганилаётган жараёнларга иқтисодий усулларни қўллай олмаслик.</td></tr>
<tr><td rowspan="5"></td><td>Рейтинг баҳолаш турлари</td><td>Макс.балл</td><td>Ўтказиш вақти</td></tr>
<tr><td>Жорий назорат:</td><td>30</td><td></td></tr>
<tr><td>Маъруза машғулотларда фаоллиги, мунтазам равишда конспект юритиши учун</td><td>5</td><td rowspan="3">Семестр давомида</td></tr>
<tr><td>Мустақил таълим топшириқ-ларининг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши</td><td>5</td></tr>
<tr><td>Амалий машғулотларда фаоллиги, саволларга тўғри жавоб берганлиги, амалий топшириқларни бажарган-лиги учун</td><td>20</td></tr>
<tr><td></td><td>Оралиқ назорат:</td><td>40</td><td></td></tr>
</table>

| | | | |
|---|---|---|---|
| | Оралиқ назорат (маърузачи профессор-ўқитувчи томонидан қабул қилинади). Талабалар кичик гуруҳларга бўлинади (ҳар бир гуруҳда талабалар сони 5-7 тагача бўлиши мумкин), ҳар бир гуруҳга алоҳида топшириқлар берилади ва ҳимоя қабул қилинади. Топшириқлар 2-3-ҳафталар оралиғида талабаларга бириктирилади. Гуруҳнинг фаоллиги, берилган топшириқни назарий ва амалий жиҳатдан ёритилиши, хулосаларнинг мантиқий боғлиқлиги, креатив мулоҳазаларнинг мавжудлиги, ҳуқуқий-норматив ҳужжатларни билиши ва бошқа талабларга мослиги ҳисобга олинади. Гуруҳдаги ҳар бир талабага 0-40 оралиғида бир хил балл қўйилади. Ҳимоя кафедра мудири томонидан тасдиқланган график асосида дарс машғулотларидан сўнг ташкил этилади. | 40 | 10-ҳафта |
| | **Якуний назорат** | **30** | 20-ҳафта |
| | Ёзма иш | 30 | |
| | **ЖАМИ:** | **100** | |

## 7. Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбалари

### Асосий адабиётлар


1. Mc Connell, Brue. Economics. 17th edition. Mcgraw-hill/Irwin, USA, 2014.
2. N.Gregory Mankiw. Principles of Economics, 7th edition. Amazon, USA 2016.
3. Paul A. Samuelson, William D. Nordhaus. Economics. 19th Edition. McGraw-Hill Companies. USA. 2015.
4. Шодмонов Ш.Ш., Ғофуров У.В. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. – Т.: Iqtisod-moliya, 2010. – 728 бет.
5. Мамбетжанов Қ.Қ. Ижтимоий-иқтисодий тараққиёт назарияси. Ўқув қўлланма. Т.:ТДИУ, 2015.
6. Макконнел К.Р., Брю С.Л. Экономикс: принципы, проблемы и политика: Учебник. / 17-изд. - М.: ИНФРА-М, 2009. – 916 с.
7. Нуреев Р.М. Экономическая развития: модели становления рыночной экономика: Учебник. / 2-е изд., перераб и доп.. – М.: «НОРМА», 2008. – 640 с.
8. Самуэлсон Пол Э., Нордхаус Вильям Д. Экономика.: Учебник. / 18-е изд.: Пер с англ. – М.: ООО «И.Д.Вильямс», 2009. – 1360 с.

## Қўшимча адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – Т.: Ўзбекистон, 2014. – 46 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январь. –Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017.
3. Инсон ривожланиши. Дарслик. И.ф.д., проф. Қ.Х. Абдураҳмонов таҳрири остида. – Т.: Fan va texnologiya, 2014. – 476 с.
4. Алиев И.М. Экономика труда: учебник для бакалавров. – М.: Юрайт, 2012. – 671 с.
5. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси: (2011 йил 1 июлгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан) Расмий нашр – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: Адолат, 2011. – 276 б.
13. Статистический ежегодник регионов Узбекистана. 2014. – Т.: Госкомстат Узбекистана. 2015. - 130 стр.

## Интернет сайтлари

1. www.gov.uz – Ўзбекистон Республикаси ҳукумати портали;
2. www.lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси;
3. www.economist.com;
4. www.worldeconomics.com;
5. www.tradingeconomics.com;
6. http://grad-schools.usnews.rankingsandreviews.com / best-graduate- schools / top-humanities-schools/economics-rankings;
7. www.ereport.ru - Обзорная информация по мировой экономике;
8. www.stplan.ru - экономика и управление;
9. www.catback.ru - научные статьи и учебные материалы по экономике.

# ҲАР БИР МАВЗУ УЧУН ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАТЕРИАЛЛАР

# 1-МАВЗУ. “ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ НАЗАРИЯЛАРИ” ФАН СИФАТИДА

1.1. Иқтисодий ўсиш ва иқтисодий тараққиёт тушунчалари.
1.2. “Иқтисодий ривожланиш назариялари” фанининг предмети.
1.3.“Иқтисодий ривожланиш назариялари” фанининг услублари.
1.4. “Иқтисодий ривожланиш назариялари” фанининг аҳамияти.

**Асосий таянч тушунчалар:** Иқтисодий ўсиш, иқтисодий тараққиёт, экстенсив иқтисодий ўсиш, интенсив иқтисодий ўсиш, иқтисодий ўсиш омиллари, иқтисодий тараққиёт кўрсаткичлари, иқтисодий ресурслар, услубият, илмий билиш тамойиллари

## 1.1. Иқтисодий ўсиш ва иқтисодий тараққиёт тушунчалари

Жамиятдаги ижтимоий, иқтисодий ва бошқа барча муаммоларни ҳал қилишнинг асосий йўли – бу миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши ва иқтисодий тараққиётга эришишдир. Аҳоли фаровонлигининг ошириб бориши ҳам пировард натижада иқтисодий ўсиш даражаси ва суръатларига боғлиқ. Шу сабабли, мазкур бобнинг таҳлили иқтисодий ривожланишнинг моҳияти, унинг даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар, иқтисодий ўсишнинг мазмуни, турлари ва кўрсаткичларини баён қилиш билан бошланади.

Жамиятнинг иқтисодий ривожланиши жуда серқирра жараён бўлиб, у ўз ичига иқтисодий ўсиш, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар, аҳоли ҳаётининг сифати ва шарт-шароитларининг такомиллашувини олади. У ҳеч қачон бир текис, юқорилаб борувчи чизиқ бўйича рўй бермайди. Иқтисодий ривожланиш ўз ичига юксалиш ва инқироз даврларини, иқтисодиётдаги миқдор ва сифат ўзгаришларни, ижобий ва салбий томонларни олиб нотекис боради.

Миллий иқтисодиётда иқтисодий ривожланиш қийин аниқланадиган жараён бўлганлиги сабабли, унинг мезонларидан бири бўлган иқтисодий ўсиш кўпроқ таҳлил қилинади. Иқтисодий ўсиш иқтисодий ривожланишнинг таркибий қисми бўлиб, ўз ифодасини реал ЯИМ ҳажмининг ошиши ҳамда аҳоли жон бошига нисбатанкўпайишида топади.

Иқтисодий ўсишга тарихий жиҳатдан ёндошилганда, у бир хил суръатларда ва бир текис бормайди. Тарихда иқтисодий ўсиш суръатларининг жадаллашиш, жиддий пасайиш ва ҳатто қисқаришдаврлари маълум. Агар катта тарихий босқичлар олиб қараладиган бўлса, жаҳон ва миллий иқтисодиётда барқарор иқтисодий ўсиш, ишлаб чиқаришнинг ҳар томонлама тараққиёт манзараси ҳосил бўлади. Шу билан бирга иқтисодий ўсиш нафақат миқдор, балки муайян сифат ўзгаришлари шаклида ҳам намоён бўлади.

Ижтимоий маҳсулотнинг ўсиш суръати билан ишлаб чиқариш омиллари миқдорининг ўзгариши ўртасидаги нисбат иқтисодий ўсишнинг экстенсив ёки интенсив турларини белгилаб беради.

Экстенсив иқтисодий ўсишга ишлаб чиқаришнинг аввалги техникавий асоси сақланиб қолган ҳолда ишлаб чиқариш омиллари миқдорининг кўпайиши туфайли эришилади. Айтайлик, маҳсулот ишлаб чиқаришни икки ҳисса кўпайтириш учун мавжуд корхона билан бир қаторда ўрнатилган ускуналарнинг қуввати, миқдори ва сифати, ишчи кучининг сони ва малака таркиби бўйича худди ўшандай яна бир

корхона қурилади. Экстенсив ривожланишда, агар у соф ҳолда амалга оширилса, ишлаб чиқариш самарадорлиги ўзгармай қолади.

Иқтисодий ўсишнинг интенсив тури шароитида маҳсулот чиқариш миқёсларини кенгайтиришга ишлаб чиқариш омилларини сифат жиҳатидан такомиллаштириш, янада илғор ишлаб чиқариш воситаларини ва янги техникани қўллаш, ишчи кучи малакасини ошириш, шунингдек мавжуд ишлаб чиқариш потенциалидан яхшироқ фойдаланиш йўли билан эришилади. Интенсив йўл ишлаб чиқаришга жалб этилган ресурсларнинг ҳар бир бирлигидан олинадиган самаранинг, пировард маҳсулот миқдорининг ўсишида, маҳсулот сифатининг ошишида ўз ифодасини топади. Бунда маҳсулот ишлаб чиқаришни икки ҳисса ошириш учун мавжуд корхонага тенг бўлган яна бир корхона қуришга ҳожат йўқ. Бу натижага ишлаб турган корхонани реконструкция қилиш ва техника билан қайта қуроллантириш, мавжуд ресурслардан яхшироқ фойдаланиш ҳисобига эришиш мумкин.

### 1.2. “Иқтисодий ривожланиш назариялари” фанининг предмети

Иқтисодий ривожланиш назариялари фани ижтимоий фан бўлиб, фалсафа, социология, психология, ҳуқуқ, сиёсатшунослик, тарих каби ижтимоий фанлар билан ҳам чамбарчас боғлиқдир, улардан услубий ва илмий озуқа олади ва уларга ҳам манба бўлиб хизмат қилади. Лекин уларнинг ҳеч бири иқтисодий ривожланиш назариялари фанининг ўрнини боса олмайди, бу фаннинг ўз вазифаси ва предмети бор.

Иқтисодий ривожланиш назарияларифанининг предмети – иқтисодий тараққиётга эришиш мақсадида моддий неъматларни (ва хизматларни) ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилиш жараёнида вужудга келадиган иқтисодий муносабатларни, ижтимоий хўжаликни самарали юритиш қонун–қоидаларини ўрганишдан иборат.

Иқтисодий ривожланиш назариялари фани иқтисодий муносабатларнинг турли шарт-шароитларда, замон ва маконда шаклан ва мазмунан ўзгарувчанлигини, уларни ифода этувчи илмий тушунчалар, қонун-қоидаларнинг ҳам ўзгариб туришини, уларнинг доимо ҳаракатда, ривожланишда бўлишини ўрганади. Бундан ташқари, иқтисодий ривожланиш назарияларифани турли иқтисодий воқеа ҳодисалар ва жараёнларнинг мазмуни ҳамда моҳиятини ўрганибгина қолмай, уларнинг ўзаро алоқадорлигини, бир-бирига таъсирини ҳам таҳлил қилади.

### 1.3. “Иқтисодий ривожланиш назариялари” фанининг услублари

Услубият умумилмий тавсифга эга, лекин ҳар бир фан ўзининг предметидан келиб чиқиб, ўзининг илмий билиш усулларига эга бўлади.

Иқтисодий ривожланиш назариялари фанининг ўзига хос тадқиқот усуллари ҳам мавжуддир, улардан энг муҳими илмий абстракциядир. Иқтисодий жараёнларнинг моҳияти ўзгаришини ўрганишда микроскоплардан, кимёвий лабораториялардан фойдаланиб бўлмайди, бунда абстракция кучи ишга солинади.

Илмий абстракция усули - таҳлил пайтида халал бериши мумкин бўлган иккинчи даражали нарсалар, воқеа-ҳодисаларни фикрдан четлаштириб, ўрганилаётган жараённинг асл моҳиятига эътиборни қаратишдир. Бу усул ёрдамида ўрганилаётган воқеа ва ҳодисанинг ички, кўзга кўринмайдиган моҳияти, унинг асл мазмуни билиб олинади.

Таҳлил ва синтез усули. Таҳлил - бу ўрганилаётган бир бутунни алоҳида қисмларга ажратиш ва уларни изчиллик билан таҳлил қилиш. Синтез – бу ўрганилган қисмлардан олинган хулоса ва натижаларни бир бутун яхлит жараён деб қараб умумий хулоса чиқаришдир. Мураккаб иқтисодий тизимлар ана шу йўл билан ўрганилади, иқтисодий тизим бутунича тасвирлаб берилади.

Мантиқийлик ва тарихийликнинг бирлиги усули. Иқтисодиёт назариясида тарихийлик далили тарихий ривожланиш нуқтаи-назаридан тадқиқот олиб бориш зарурлигини тақозо қилади. Чунки иқтисодий жараёнлар тарихий жараён сифатида ривожланади. Мантиқийлик усулида жараёнлар фақатгина тарихий нуқтаи-назардан эмас, шу билан бирга асосий ички зарур қонуний боғланишлар бўйича ҳам таҳлил қилинади.

## 1.4. “Иқтисодий ривожланиш назариялари” фанининг аҳамияти

Иқтисодий ривожланиш назариялари фанининг аҳамиятини унинг мақсад ва вазифаларидан англаб олишимиз мумкин.

Иқтисодий ривожланиш назариялари фанининг мақсади ва вазифасини икки томонлама, яъни ҳам амалий ва ҳам назарий томонларини тушунтириш мумкин.

Иқтисодий ривожланиш назариялари фани макроиқтисодиёт даражасида таҳлил қилиб, унинг соҳалари, кўрсаткичлари, омиллари ўртасидаги боғланишларни, иқтисодий ўсиш йўлларини аниқлаб кўрсатади ва давлатнинг ички ва ташқи иқтисодий сиёсатида илмий асос бўлиб хизмат қилади.

Иқтисодий ривожланиш назариялари фанининг мақсади эса, энг аввало, илмий билишдан иборатдир. Шундан келиб чиқадики, иқтисодий жараёнлар ва ҳодисаларни кузатиш, улардаги шакл ва мазмун ўзгаришларини, ички боғланиш ва алоқаларни, зиддиятларни, қонун-қоидаларни, тушунчаларни билиб, биринчи навбатда, талабаларга, иқтисодчи мутахассисларга ва иқтисодий тараққиёт билан қизиқувчи бошқа ходимларга ўргатишдан иборатдир.

Умуман олганда, иқтисодий ривожланиш назариялари фани иқтисодий жараёнлар, воқеа ва ҳодисалар сирини билишда илмий қўлланмадир.

### Такрорлаш учун саволлар ва топшириқлар:

1. Иқтисодий ўсиш ва иқтисодий тараққиёт тушунчаларининг қандай фарқи мавжуд?
2. Иқтисодий ўсишнинг қандай турлари мавжуд?
3. Иқтисодий ривожланиш назариялари фанининг предмети нимадан иборат? У бошқа иқтисодий фанлар ичида қандай ўрин тутади?
4. Иқтисодий ривожланиш назариялари фанининг қандай вазифалари мавжуд? Бу вазифаларнинг бугунги кундаги аҳамияти нималарда намоён бўлади?

## 2-МАВЗУ. ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ ТЎҒРИСИДАГИ ТУРЛИ ХИЛ НАЗАРИЯ ВА ҚАРАШЛАР

1. Иқтисодий тараққиёт тўғрисидаги назариялар (А.Смит, А.Маршалл, Ж.Кейнс қарашларининг моҳияти).
2. Ҳозирги замон монетаризми, институционализм ва либерализм оқимлари намоёндалари қарашлари.
3. Ўзбекистонда иқтисодий тараққиёт тўғрисидаги назарияларнинг шаклланиши.
4. Иқтисодий тараққиёт даражаси.

**Асосий таянч тушунчалар:** А.Смит, А.Маршалл, Ж.Кейнс, М.Фридмен, институционализм, неолиберализм ва монетаризм оқимлари, «табиий тартиб», протекционизм сиёсати, эркин ташқи савдо, «Репрезтатив фирма», ўсиб борувчи фойда ва доимий фойда, мультипликатор, «аралаш иқтисодиёт», антитрест сиёсат, неолиберализм, монетар ғоялар.

### 2.1. Иқтисодий тараққиёт тўғрисидаги назариялар (А.Смит, А.Маршалл, Ж.Кейнс қарашларининг моҳияти)

Иқтисодий ривожланиш тўғрисида тўлиқ тасаввурга эга бўлиш учун энг аввало ушбу тушунчага оид назария ва қарашларни чуқур ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

А.Смит меркантилизм, илк классик мактаб ва физиократизм ғояларини мукаммал ўрганиб, шулар асосида янги иқтисодий мактабнинг шаклланишини ниҳоясига етказди. Аслини олганда у бозор иқтисодиёти асосини яратди.

Иқтисодий тараққиётнинг шахсий манфаат ва стихияли қонунларнинг ўзаро ниҳоятда самарали ҳаракати шароитларини А.Смит «табиий тартиб» деб атаган. А.Смит ва унинг издошлари бу тушунча бир томондан иқтисодий сиёсатнинг тамойили ва мақсади бўлса, иккинчи томондан бу иқтисодий ҳаракатни ўрганиш учун назарий конструкция ёки моделдир деб тушунишган. Демак, жамиятга наф келтирувчи фаолиятни бирор ҳаракат билан чекламаслик керак, деган хулоса чиқарилади. Бу тамойилга кўра қуйидагилар таклиф этилади:

–Ишчи кучининг эркин ҳаракати;

–Савдода (ер савдосида ҳам) тўла эркинлик;

–Саноат ва ички савдони хукумат томонидан регламентация қилишга қатъий қаршилик;

–Эркин ташқи савдо (протекционизмга қарши).

Олимнинг бу ғоялари кейинчалик тўла амалга ошди.

А.Смитнинг иқтисодий қарашлари асосида шундай ғоя ётадики, унга кўра жамият бойлиги ишлаб чиқариш жараёнида меҳнат туфайли пайдо бўлади. У капиталистик ишлаб чиқаришниг мануфактура босқичини таҳлил қилиш асосида иқтисодий тараққиётнинг муҳим омили меҳнат тақсимотидир, деган хулосага келди ва буни ўз тадқиқотларининг бошланғич пункти деб қабул қилди.

Смит иқтисодиётда давлат секторининг самарасизлигини кўрсатиб, «ҳукумат ҳар доим ва истизносиз буюк исрофгарчидир» дейди. Шу сабабли давлатнинг фақат уч функцияси тан олинади: 1) ҳуқуқ-тартибот; 2) мамлакат ҳавфсизлигини таъминлаш; 3) жамиятга зарур бўлган (аммо хусусий сектор томонидан тузилмаган) ижтимоий корхона ва муассасаларни таъминлаш.

Смит замонавий давлатнинг солиқ сиёсатининг назарий асосларини яратди. Солиқлар фуқароларнинг кучи ва имкониятига мос келиши, ишга яроқли ҳар бир кишига алоҳида белгиланиши керак, солиқ имкони борича арзон, унинг шакли ва олиниш вақти эса тўловчи манфаатига мос келиши зарур.

А.Смитдан кейин **А.Маршалл** (1842-1924) иқтисодиётда неоклассик (янги классик) йўналишнинг етакчи вакили ва маржинализмнинг «Кембриж мактаби»лидери сифатида майдонга чиқди.

А.Маршалл инсонларнинг иқтисодий фаолиятини «соф» иқтисодий назария позициясида туриб, хўжаликнинг идеал (беназир) моделини тадқиқ этди. Аммо бирқанча иқтисодиётнинг мўтадиллиги (мувозанати) билан боғлиқ маржинал ғоялар орқали у бу фанни «хусусий» ҳол, яъни фирма, соҳа (микроиқтисодиёт) даражасида қарайди.

У корхонада ишлаб чиқариш ҳажмларини ўстириш давомида солиштирма ишлаб чиқариш ҳаражатлари ўзгариши қонуниятлари аниқланди. Корхона ишлаб чиқариш масштабини оширганда ундан келадиган нафнинг миқдори муаммоси қараб чиқилади. Маршалл хусусан шуни қайд қиладики, одатда рақобатли иқтисодиётда йирик корхона (фирма) ўз товарига нархни пасайтиришни таъминлайди, бу эса рақобатчилар олдида устунликка олиб келади (малака ошуви, махсус машина ва асбоб-ускуналарни қўллай олиш туфайли). Энг муҳими бундай иқтисоддан бутун жамият манфаат кўради.

1929-1933 йиллардаги жаҳон иқтисодий инқирози саноат жиҳатидан ривожланган ва паст ривожланган мамлакатларга катта зарба берди. Аввалги (классик, неоклассик) таълимотлар тадқиқотида микроиқтисодий таҳлил (алоҳида корхона) асосий ўринни эгаллаган бўлса, инқироз катта ишсизлик шароитида бошқача, макроиқтисодий таҳлил (давлат, жаҳон) га зарурат туғилган эди. Фаннинг бу соҳасида ҳозирги даврнинг таниқли иқтисодчиси Ж.М.Кейнс муҳим кашфиётни яратди.

**Жон Мейнард Кейнс**нинг бош асари - «**Иш билан бандлик, фоиз ва пулнинг умумий назарияси**» (1936) китобидир. Унинг барча асарларидаги бош масала капитализмни оқлаш, унинг инқирозларсиз ривожини таъминлашнинг абадийлигини исботлашга ўринишдир. Унинг яратган назарияси иқтисодиёт таълимотлари тарихида алоҳида ўрин эгаллайди ва бу ўзига хос инқилоб бўлиб, ҳозирги даврда ҳам аҳамиятлидир. Кейнс асосий асарининг бошидаёқ классик мактабга қарши эканлигини баён этди.

Кейнс таълимотининг асосий ва янги ғояси шуки, бозор иқтисодий муносабатлари тизими мукаммал ва ўз-ўзини автоматик равишда тартибга сола олмайди. Шу сабабли максимал даражада бандликни ва иқтисодий ўсишни фақат давлатнинг иқтисодиётга фаол аралашуви таъминлай олади. Бу иш давридаги амалий иқтисодиётдаги конкрет аҳвол билан чамбарчас боғлиқ эди. Етакчи олимларнинг таъкидлашича (Ж.К.Гэлбрейт, М.Блауг), фирмалар, монополия ва олигополиялар фаолиятидаги тенгсизлик нисбатан кичик доирадаги одамларнинг фаолияти билан боғлиқ, бу тенгсизлик принципида давлатнинг аралашуви билан тузатилиши мумкин эди.

## 2.2. Ҳозирги замон институционализм,неолиберализм ва монетаризм оқимлари намоёндалари қарашлари

Иқтисодий таълимотлардаги институционализм йўналиши АҚШда XX асрнинг 20-30 йилларида кенг тарқалди, аммо у анча олдин, XIX асрнинг охирларида вужудга келган (Т.Вебленннинг 1899й. чиққан «Бекорчи синфлар назарияси» асари билан боғлиқ). Бу таълимот йўналиши вакилларининг фикрича, институтлар жамият ривожланишининг харакатлантирувчи кучи бўлиб хизмат қиладилар. Бу тушунча тагида ижтимоий ходисалар, масалан, оила, давлат, монополия, касаба уюшмалари ва бошқа муассасалар ётади, яъни жамоат руҳининг намоён бўлиши, юриш-туриш ва ўйлаш усулини халқнинг маълум гуруҳлари учун одатий, анъанавий, шунингдек ҳуқуқий, аҳлоқий ва бошқа кўринишларини ўз ичига олади. Бу йўналиш мафкурачиларининг фикрича, иқтисодий категориялар бўлган хусусий мулк, солиқ, пул, кредит, фойда, савдо ва бошқалар жамият руҳининг пайдо бўлиши шаклидир. Демак, улар объектив иқтисодий қонунларнинг мавжудлигини тўла тан олмайдилар ва жамоат руҳиятининг эволюциясини таҳлил этадилар.

**Неолиберализм** кейнсчилик билан деярли бир вақтда пайдо бўлди ва XX асрнинг 30- йилларида иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг мустақил қарашлар мажмуасидан иборат. Илмий назария ва амалий ҳаётда неолиберал иқтисодий жараёнларга давлатнинг маълум даражада аралашуви туфайли чекланмаган эркин рақобат ғоясининг устуворлигига асосланади.

## 2.3. Ўзбекистонда иқтисодий тараққиёт тўғрисидаги назарияларнинг шаклланиши

Инсоният XXI асрга келиб, маъмурий-буйруқбозлик иқтисодиётининг моҳиятини чуқурроқ англаш билан бир қаторда, унинг асоратларига барҳам беришга астойдил киришганини намоён этмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси учун собиқ мустабид тузум мероси ва соҳта мафкуранинг оқибатлари қуйидагиларда ўз аксини топиши Республика ПрезидентиИ.Каримов асарларида умумлаштирилган:

1.Бир ёқлама ривожланган, мўрт, заиф иқтисодиётга асосланган марказга қарам ярим мустамлака мамлакат.

2.Бой минерал хомашё ресурсларидан назоратсиз ва аёвсиз фойдаланишга ҳамда пахта яккаҳокимлигига асосланган иқтисодий тизим.

3.Маҳаллий хомашёларни қайта ишлаш қувватларини ибтидоий даражадалиги, ишлаб чиқаришнинг технологик асбоб-ускуна ва бутловчи қисмлар, шунингдек ёқилғи таъминотида марказга қарамлик.

4.Энг муҳим озиқ-овқат моллари (ун, шакар, гўшт-сут маҳсулотлари)ва бошқа халқ истеъмоли маҳсулотларининг четдан келтирилиши.

5.Пахта хомашёси маҳсулотларининг сув текинга ташиб кетилиши, олтин, қимматбаҳо ва рангли металлар, стратегик аҳамиятга эга материаллар жаҳон бозорида ўта харидоргир бўлган бошқа қимматбаҳо маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотишдан келадиган фойдадан Ўзбекистон хазинасига тушмаслик.

6.Иқтисодий ўсиш суръатлари самарадорлиги кўрсаткичларининг салбий даражадалиги ортиб бориши, молия-пул тизимининг буткул ишдан чиқиши.

7.Хорижий мамлакатлар билан бевосита ташқи иқтисодий алоқаларнинг чекланганлиги.

8.Қишлоқ жойларда яширин ишсизлик, шаҳар ва қишлоқдаги турмуш даражаларидаги фарқнинг ортиб бориши.

9.Ўзбекистон аҳолиси турмуш даражаси кўрсаткичларининг собиқ СССРдаги энг охирги ўринлардан бирига тушиб қолганлиги.

10.Экологик муаммоларнинг кескинлашуви, ер-сув ресурсларидан аёвсиз фойдаланиш, ерлар шўрланишининг ортиши, чўл зоналарининг кенгайиши.

Юқорида келтирилган хулосаларни исботловчи даллиллар жумласига қуйидагилар киради:

1. 1991 йилда етиштирилган пахта хомашёсининг бор-йўғи 3,5% и пировард истеъмол учун республикада қайта ишланган.

2. 1990 йилда республикада мавжуд корхоналарнинг 38% собиқ иттифоқ, 54% собиқ иттифоқ-республика, бор-йўғи 8% корхоналар республика мулкчилиги тасарруфида бўлган.

3. 1988 йилда 4349.3 млн. га экин майдонларининг 125.3 минг га майдони (2.8%) аҳолининг шахсий томорқаларини ташкил этган.

4. «1930 йилда республика аҳолисининг 70% га яқинининг жами даромади тирикчилик ўтказиш учун зарур бўлган энг қуйи даражадан ҳам паст эди. Айни маҳалда Россия ва Украинада аҳолининг 30 % га яқинигина шундай аҳволда кун кечирганди».

5. Маълум сабабларга кўра, республика ҳозирги халқ хўжалиги ва аҳоли жуда қаттиқ эҳтиёж сезаётган товарларнинг 65% гача бўлган қисмини ташқаридан келтириши мажбур эди. Ёқилғи, станоклар, асбоб ускуналар, ёғоч-тахта ва ёғоч материаллари тўғрисида гапирмасак ҳам бўлади. Улар ҳам четдан келтирилган.

### Такрорлаш учун саволлар ва топшириқлар

1. А.Смитнинг пул, қиймат, даромадлар, иш ҳақи, капитал ва такрор ишлаб чиқариш тўғрисидаги таълимотларига қисқача изоҳ беринг.
2. Халқ бойлиги қандай омилларга боғлиқ?
3. Ночор аҳволга тушган иқтисодиётни ривожлантириш учун нима қилмоқ керак?
4. Давлат иқтисодиётга нима учун аралашуви керак?
5. Кейнс таълимотига қандай шарт- шароитлар асос қилиб олинган?
6. Кейнс таълимотининг ҳозирги даврдаги аҳамияти нимадан иборат?
7. Неолиберализм вужудга келишининг шарт-шароитлари, кейнсчиликдан фарқи нимада?
8. «Ижтимоий бозор хўжалиги», унинг типларини изоҳланг.
9. Фридманнинг «ишсизлик табиий нормаси»ни тушунтириб беринг.

# 3-МАВЗУ. ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛЛАРИ ВА ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ

1.Ишчи кучи, табиий ва моддий ресурслар, уларнинг заҳиралари ҳамда сифати иқтисодий тарққиётнинг дастлабки манбаи эканлиги.

2.Иқтисодий ўсишнинг инвестицион салоҳияти. Инвестицион муҳит ва ҳудудни яратиш.

3.Иқтисодий тараққиётга эришишда ижтимоий соҳанинг ўрни ва роли.

4.Бошқарув иқтисодий ўсиш ресурси сифатида.

**Асосий таянч тушунчалар:**Ишчи кучи, табиий ва моддий ресурслар, меҳнатга лаёқатлилик, энергетика сектори, инвестицион салоҳият, иқтисодиётни диверсификациялаш, ижтимоий соҳа, таълим соҳаси, хизмат кўрсатиш соҳалари, соғлиқни сақлаш соҳаси, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, аҳоли бандлиги.

## 3.1. Ишчи кучи, табиий ва моддий ресурслар, уларнинг заҳиралар ҳамда сифати иқтисодий тараққиётнинг дастлабки манбаи эканлиги

Ўзбекистон - катта инсон салоҳиятига эга мамлакат. Инсон салоҳияти энг фаол, энг бунёдкор омил бўлиб, у мамлакатнинг ислоҳот ва туб ўзгаришлардан тинимсиз илгарилаб боришини таъминлайди.

Жамиятнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш даражаси билан белгиланувчи мазкур омил, ўз навбатида, уни ривожлантириш ва тараққий эттиришда ҳал қилувчи асос хисобланади.

Жамиятнинг ишчи кучи салоҳиятини кучайтириш, ундан самарали фойдаланиш муаммолари бозор муносабатлари даврида бирмунча мураккаблашади ва уларнинг ечимини топиш иқтисодчи олимлар олдида турган энг долзарб вазифалардан бири хисобланади.

Бунга техникани янгилаш ва бошқарувни ўзгартириш билан эришиб бўлмайди. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида, аввало, иқтисодиётнинг таркибий тизими тубдан ўзгариши, жумладан, замонавий техника ва технологияларнинг кириб келиши, миллий иқтисодиётнинг ривожланиши инсон ресурслари сифат жиҳатидан яхшиланишини объектив тарзда тақозо этади.

## 3.2. Иқтисодий ўсишнинг инвестицион салоҳияти

Бугунги модернизация қилиш жараёнини, иқтисодиётни диверсификациялашни, корхона ва ташкилотларнинг техник ва технологик имкониятларини юксалтиришни инвестицион маблағларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Бу борада давлат томонидан амалга оширилаётган инвестиция сиёсатининг аниқлиги ва уни самарали амалга ошириш бўйича ишлаб чиқилган стретегиянинг тўғрилигига боғлиқдир.

Фаол инвестиция сиёсати иқтисодиётни таркибий ўзгартиришнинг энг самарали воситаси ҳисобланади. Ўзбекистоннинг инвестиция стратегиясида янги ва юксак технологияларга асосланган, илғор технологиялар билан жиҳозланган ва хом ашё ресурсларини қайта ишлашни таъминлайдиган, мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини ошириш ҳамда янги иш ўринлари яратишга йўналтирилган инвестиция лойиҳаларига устувор аҳамият берилмоқда.

Янги ишлаб чиқариш объектларини ташкил этиш ҳамда мавжуд ишлаб чиқариш корхоналарини модернизация қилиш учун машинасозлик, металлургия, кимё ва ёқилғи-кимё, енгил ва озиқ-овқат саноати соҳаларига йирик капитал қўйилмалар йўналтирилди, бу эса иқтисодиётга жалб қилинган капитал қўйилмалар таркибида ушбу тармоқлар улушининг сезиларли даражада ошишига олиб келди.

Инвестициялар жалб қилиниши учун молия бозорида қулай муҳитни шакллантириш, солиқ юкини камайтириш, молия ва банк секторини ислоҳ қилиш, тадбиркорликни ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга. Миллий иқтисодиётни ривожлантириш ҳамда янги ишлаб чиқаришни ташкил этишда кредит ресурсларини жалб қилиш долзарб масаладир, чунки буларнинг ҳаммасини амалга ошириш йирик молиявий имкониятларни талаб этади. Мазкур молиялаштириш масаласининг ечими корхоналарга инвестицион кредитлар бериш билан таърифланади.

Қайд этиш жоизки, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда қулай инвестициявий муҳит шакллантирилди, хорижий инвесторларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича қонун йўли билан кенг кўламдаги имтиёзлар, афзалликлар ва кафолатлар тизими белгиланди.

Юқори технологияли ишлаб чиқаришларни ривожлантиришга тўғридан-тўғри қўйилмалар киритаётган хорижий инвесторлар учун максимал даражада қулай инвестиция муҳитини яратиш, республика минтақаларига хорижий сармоялар ва замонавий технологиялар жалб этилиши рағбатлантирилишини кучайтириш, хорижий инвесторлар ҳамда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун кафолатлар ва имтиёзлар тизимини янада мустаҳкамлаш мақсадида қонун ҳужжатларига бир қатор ўзгартириш ва қўшимчлар киритилдики, бу ўз навбатида, мамлакатимизнинг инвестицион жозибадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

### 3.3. Иқтисодий тараққиётга эришишда ижтимоий соҳанинг ўрни ва роли

Иқтисодиёти ривожланган Европа ва Осиё мамлакатлари тажрибаси аҳолининг юксак турмуш даражасига эришиши нафақат моддий ишлаб чиқаришнинг ривожланиши орқали, шу билан бирга, ижтимоий соҳа, яъни хизмат кўрсатиш соҳаларининг ҳам кенг миқёсда ўсишга боғлиқлигини кўрсатиб турибди.

Хизматлар бозори субъектлари - тиббиёт, маориф, маданият, коммунал хўжалиги, суғурта, банк, маиший, чакана савдо, алоқа ва бошқа муассасаларнинг ривожланиши мамлакатимизда бозор иқтисодиётига ижтимоий йўналиш берилганлигидан далолат беради. Чунки, бу соҳалар фаолияти аҳолининг кундалик турмуши билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, уларнинг жамиятдаги бурчларини бажаришларида ҳамда иш ўринларида юқори меҳнат унумдорлигига эришишларида асосий омилдир.

### Такрорлаш учун саволлар ва топшириқлар

1. Иқтисодий тараққиётнинг дастлабки манбаи нималардан иборат?
2. Инвестицион салоҳият нима?
3. Иқтисодиётни модернизация қилиш деганда нимани тушунасиз?
4. Ишлаб чиқаришни диверсификациялашнима?
5. Ижтимоий соҳанинг мазмунини тушунтиринг.
6. Ижтимоий соҳанинг таркибий қисмларини санаб беринг.
7. Моддий ишлаб чиқаришнинг бош белгиси нима?

## 4-МАВЗУ. ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШНИНГ МЕЗОН ВА КЎРСАТКИЧЛАРИ

1.Иқтисодий тараққиётнинг асосий мезони: қўшимча маҳсулотнинг кўпайиб бориши. Ишлаб чиқариш имкониятларининг кенгайиши.
2.Аҳоли турмуш даражасининг кўтарилиши.
3.Иқтисодий ўсиш суръати ва самарадорлиги.
4.Ўзбекистонда ўтган йилдаги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар бўйича юқори ўсиш суръатларининг таъминланиши.

**Асосий таянч тушунчалар:**Иқтисодий тараққиётнинг мезон ва кўрсаткичлари, аҳоли турмуш даражаси, секинлашган иқтисодий ўсиш, мўътадил иқтисодий ўсиш, ўртача иқтисодий ўсиш, барқарор иқтисодий ўсиш, минимал истеъмол бюджети, камбағаллик кўрсаткичи, мутлоқ камбағаллик концепцияси, нисбий камбағаллик концепцияси, камбағалликнинг субъектив концепцияси, мутлоқ қашшоқлик, нисбий қашшоқлик.

### 4.1. Иқтисодий тараққиётнинг мезон ва кўрсаткичлари

Ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий тараққиёт даражасини ифодаловчи энг асосий кўрсаткичлардан бири бу - ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)дир. ЯИМ яҳлит иқтисодиётнинг ривожланиш якунини ёритиб берадиган ишлаб чиқаришнинг пировард кўрсаткичидир. Унинг мазмуни истеъмол қиймати нуқтаи-назаридан қараганда - якуний товар ва хизматларнинг жамини, қиймат жиҳатидан эса қайта яратилган қиймат ҳамда асосий фондлар амортизациясини ифодалайди.

Мамлакатимизда иқтисодий ўсиш мезонларини аниқлаш бўйича қатор тадбирлар ишлаб чиқилди[1]. Унга кўра, иқтисодий ўсишни унинг мезонлари бўйича қуйидаги турларга бўлиш мумкин:

1. Секинлашган иқтисодий ўсиш (2% дан паст);
2. Мўътадил иқтисодий ўсиш (2%-4%);
3. Ўртача иқтисодий ўсиш (4%-6%);
4. Барқарор иқтисодий ўсиш (6% дан юқори).

Замонавий бозор иқтисодиёти шароитида ҳар қандай давлатда яратилаётган ЯИМ ҳажмининг таркибида иқтисодиёт субъектлари томонидан аҳолига кўрсатиладиган хизматлар улуши аҳамиятли ўрин эгаллаши объектив жараёндир.

Мамлакатимизда охирги йилларда норасмий фаолият (оилавий бизнес, магазинлар, ёрдамчи хўжалик, якка тартибдаги меҳнат фаолияти кабилар) соҳаси ҳам сезиларли даражада кенгайди. Иқтисодиётнинг норасмий сектори товар ва хизматларни ишлаб чиқариш бўйича очиқ фаолият юритувчи сектор ҳисобланади, лекин улар мунтазам равишда тегишли статистик ҳисоботларни топширмаслиги сабабли ушбу фаолият натижаларини ҳисобга олиш имконияти чекланган. Бу эса ЯИМ ҳажми ва унинг динамикасини аниқ баҳолаш имкониятини бермайди, бунинг оқибатида эса ҳуфёна ва норасмий иқтисодий фаолият натижалари якуний макроиқтисодий кўрсаткичларда ўз ифодасини топмайди.

[1]Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2011-2015 йилларда Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш чоралари тўғрисида”ги 2011 йил 7 январдаги №ПП-1464 сонли қарори.

## 4.2. Аҳоли турмуш даражасини ифодаловчи асосий кўрсаткичлар

Турмуш даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар турли-туман бўлиб, турмуш даражаси концепцияси билан узвий боғлиқ. Айрим муҳим кўрсаткичлар ва унинг индикаторлари 4.2.1-жадвалда келтирилган.

Турмуш даражасини баҳолаш учун жадвалда келтирилган кўрсаткичлар:

-даражага оид кўрсаткичлар (мутлоқ қийматлар);

-таркибий кўрсаткичлар (даражага оид кўрсаткичларнинг таркибий қисмлари);

-динамик (даражага оид кўрсаткичларнинг ўзгаришини тавсифлайдиган, нисбий) кўрсаткичлар сифатида ҳисоблаб чиқилиши мумкин.

**4.2.1-жадвал**

**Аҳоли турмуш даражаси кўрсаткичлари ва индикаторлари**

| **Турмуш даражаси кўрсаткичлари** | Кўрсаткичлар индикаторлари |
|---|---|
| **I. Асосий жисмоний эҳтиёжлар қондирилиши** | |
| 1. Саломатлик | 1.1. 1минг ёки 100 минг аҳоли ҳисобига жами ўлим.<br>1.2. 1000 туғилган бола ҳисобига бир ёшгача ўлган болалар сони.<br>1.3. Кутилаётган умр узоқлиги.<br>1.4. Касаллик натижасида меҳнат қобилиятининг йуқотилиши. |
| 2. Овқатланиш | 2.1. Асосий озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмоли<br>ҳоказолар. |
| 3. Турар жой | 3.1. Турар жойларда уйларнинг умумий майдонини ишга тушириш.<br>3.2. Турар жойларнинг умумий майдони.<br>3.3. Турар жой жамғармасини ободонлаштириш.<br>3.4.Квартираларнинг ўртача катталиги. |
| 4. Уйлардаги мол-мулклар | 4.1. Аҳолининг моддий-маиший ва хўжалик буюмлари билан таъминланганлиги.<br>4.2. Аҳолига маданий-маиший буюмлар сотиш.<br>ҳоказолар. |
| 5. Пулли хизматлар | 5.1. Аҳолига пулли хизматлар кўрсатиш ҳажми.<br>5.2. Аҳолига пулли хизматлар кўрсатиш таркиби.<br>5.3. Маиший хизматлар ҳажми.<br>ҳоказолар. |
| **II. Маънавий эҳтиёжларнинг қондирилиши** | |
| 6. Аҳолининг маданий даражаси | 6.1. Аҳолининг маълумот даражаси.<br>6.2. Нашр этилаётган китоб ва рисолалар ҳажми.<br>6.3. Чиқарилаётган журналлар ва бошқа даврий нашрлар ҳажми.<br>6.4. Аҳолининг телевизорлар билан таъминланганлиги.<br>ҳоказолар. |
| **III. Ижтимоий эҳтиёжларни қондириш** | |
| 7. Меҳнат шароитлари | 7.1. Саноатда иш вақти нобудгарчилиги (ўрта ҳисобда бир ишчи ҳисобига, кун).<br>7.2. Ходимларнинг меҳнат шароитини ўзгартириш (оғир жисмоний меҳнат билан банд бўлганлар ва ҳоказо).<br>7.3. Ишлаб чиқаришда шикастланиш (бир иш куни ва бундан кўпроқ иш куни ҳисобига бахтсиз ҳодисаларда шикастланган ва меҳнат қобилиятини йўқотганлар ҳамда 1000 нафар ишлайдиган одам ҳисобига шикастланиши ўлим билан тугалланганлир сони).<br>ҳоказолар. |

| | |
|---|---|
| 8. Дам олиш шароитлари | 8.1. Ёзги оромгоҳларда дам олган болалар сони.<br>ҳоказолар. |
| 9. Ижтимоий таъминот | 9.1. Пенсиялар ва ўртача иш ҳақи ва унинг энг кам миқдорлари бўйича нисбат.<br>9.2. Болаларга аталган нафақаларнинг ўртача миқдорлари ва уларнинг яшашига лойиқ минимум нисбати.<br>9.3. Пенсиялар миқдори ва тирикчилик минимуми нисбати.<br>ҳоказолар. |
| 10. Ижтимоий-маиший вазият | 10.1. Ишсизларнинг умумий сони.<br>10.2. Бахтсиз ҳодисалар, захарланиш ва шикастланишлар, қотилликлар ва ҳоказолар оқибатидаги ўлим.<br>10.3. Иш ташлашлар (иш вақти нобудагарчилиги киши-кунлари миқдори, қатнашчилар сони).<br>10.4. Руйхатга олинган жиноятлар сони.<br>10.5. Ифлосланган оқар сувларнинг чиқариб ташланиш ҳажми.<br>10.6. Ҳавога ифлосланган моддалар чиқариб ташланиши.<br>ҳоказолар. |
| 11. Даромадлар ва сарф-харажатлар | 11.1. Аҳолининг пул даромадлари, жумладан, уларнинг турлари буйича.<br>11.2. Аҳолининг пул сарф-харажатлари, жумладан, уларнинг турлари буйича.<br>11.3. Иш билан банд бўлган ходимларнинг ўртача ойлик иш ҳақи, жумладан, тармоқлар, минтақалар ва касблар буйича унинг табақаланиши.<br>11.4. Аҳолининг омонатлардаги жамғармалари ва унинг кўпайиши.<br>ҳоказолар. |

Нисбий турмуш даражасини қуйидаги учта жиҳат бўйича:

а) аввалги йиллардаги турмуш даражаси билан таққослаш;

б) бир минтақадаги турмуш даражасини бошқа минтақалардаги (мамлакатлардаги) турмуш даражаси билан таққослаш;

в) амалдаги турмуш даражасини одамларнинг минимал ва оқилона талабларини ифодоловчи эҳтиёжларнинг ривожланганлик даражаси билан таққослаш орқали аниқлаш мумкин.

Юқорида келтирилган турмуш даражаси концепцияси инсон фаолиятининг алоҳида қирраларини характерлайди. Таъкидлаб ўтилганидек, барча классификациялар ўртасида узвий алоқа мавжуд. Улар бир-бирини тўлдиради, аммо комплекс баҳолаш учун интеграл кўрсаткичлар тизими зарур. Ҳозирда асоси турлича бўлган турмуш даражаси концепцияларини аҳолининг турмуш даражасини (сифатини) ҳар томонлама характерлаб берадиган ягона кўрсаткичга келтириш бўйича самарали усул йўқ, бироқ олимлар шундай усулларни ишлаб чиқиш бўйича жиддий иш олиб бормоқдалар.

Аҳолининг турмуш даражасини ифодалаш учун жаҳондаги турли мамлакатларда турлича мезонлар қўлланилади. Улар орасида минимал истеъмол бюджети, камбағалчилик, мутлоқ ва нисбий камбағалчилик кўрсаткичлари кенг фойдаланилади.

**Минимал истеъмол бюджети** – шахснинг ривожланиши учун зарур бўлган маънавий эҳтиёжлар истеъмолининг ижтимоий асосланган минимал даражасини таъминлайдиган истеъмол товарлари ва хизматлари турларининг қиймати.

**Камбағаллик кўрсаткичи** аҳолининг турмуш даражасини баҳолаш учун фойдаланиладиган мезонлардан биридир. Жаҳон амалиётида камбағаллик

даражасини таърифлашга ёндашишда учта асосий концепция: мутлақ, нисбий ва субъектив камбағаллик концепциясидан фойдаланилади.

**Мутлақ камбағаллик концепцияси** шахс ёки оқилона минимал ҳаётий эҳтиёжларини таъминлаш учун зарур бўлган даромадни таърифлашга асосланади. Ўзбекистонда инсоннинг минимал эҳтиёжларини таърифлаш учун шундай тирикчилик минимуми белгиланганки, уни ҳисоблаб чиқишда калориялар, оқсиллар, ёғлар ва углеводлар зарурий истеъмолининг физиологик меъёрларидан фойдаланилади.

**Нисбий камбағаллик концепцияси** асосий мезон сифатида инсоннинг минимал эҳтиёжларидан эмас, балки унинг фаровонлиги кўрсаткичларининг у ёки бу мамлакатда устунроқ келувчи моддий таъминланганлик даражаси билан бўладиган нисбатидан фойдаланади. Бундай ёндашишда даромадлари мамлакат бўйича ўртача даромаднинг муайян улушидан ошмайдиганлар камбағал ҳисобланади.

Кейинги вақтларда чет элдаги тадқиқотларда нисбий камбағалликни таърифлашнинг бошқа услубиятидан ҳам кенг фойдаланилмоқда, у инсоннинг бошдан кечираётган, умумқабул қилинган турмуш тарзи олиб бориш имконини бермайдиган етишмовчиликлар рўйхатини ўз ичига олади.

**Камбағалликнинг субъектив концепцияси** ижтимоий мақбул турмуш даражаси учун зарур бўлган ресурсларни субъектив таърифлашга асосланган.

Турмуш даражасини ифодалаш учун мутлақ ва нисбий қашшоқлик кўрсаткичларидан ҳам фойдаланилади. **Мутлақ қашшоқлик -** даромадларнинг умуман йўқлиги ёки шахснинг (оиланинг) минимал турмуш эҳтиёжларини қондириш учун зарур даромаднинг йўқлигидир. Мутлақ қашшоқлик кўпроқ дайдилар, бошпанасизлар ва шу кабилар орасида учрайди.

**Нисбий қашшоқликни** Ўзбекистон шароитида яшаш минимуми бюджетидан кам бўлган даромадлар миқдори билан аниқланади. Жаҳон амалиётида эса бу кўрсаткич мамлакат бўйича ўртача даромадларнинг 40-60 фоизидан кам бўлган даромадларга нисбатан қўлланилади.

Аҳолининг қуйидаги тўртта турмуш даражасини ажратиб кўрсатиш мумкин:

**-тўқ турмуш даражаси** – инсоннинг ҳар томонлама камол топишини таъминлайдиган неъматлардан фойдаланиш;

**-нормал даража** – инсоннинг жисмоний ва ақлий куч-қувватини тўла тиклаш учун қулай шароитларни таъминлайдиган илмий асосланган меъёрлар бўйича оқилона истеъмол қилиш;

**-камбағаллик** – меҳнат учун ресурсларни қайта яратишнинг қуйи чегараси сифатидаги иш қобилиятини сақлаш даражасида неъматларни истеъмол қилиш;

**-қашшоқлик** – истеъмол қилиниши инсоннинг яшаш қобилиятини сақлаш имкониятинигина берадиган неъматлар ва хизматларнинг биологик мезонлар бўйича йўл қўйиладиган минимал турларини истеъмол қилиш.

Истеъмол бюджетлари турмуш даражаси индекси ва динамикасини меъёрий таҳлилий баҳолаш, башоратлаш ва тартибга солиш ҳамда даромадлар соҳасида асосланган сиёсат ишлаб чиқишнинг муҳим воситасидир.

## 4.3. Ўзбекистонда ўтган йилдаги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар бўйича юқори ўсиш суръатларининг таъминланиши

Иқтисодиётимиз таркибидаги чуқур ўзгаришлар мамлакатимиз экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш, экспорт ҳажмини барқарор ошириш ва унинг таркибида ижобий ўзгаришларга эришишда энг муҳим омилга айланди.

Маълумки, биз мамлакатимиздаги ишлаб чиқариш корхоналарини модернизация қилиш ва янгилаш, замонавий инновацияларга асосланган ва юксак самарали технологияларни жорий этиш бўйича ўз олдимизга катта мақсадлар қўйганмиз. Уларни амалга оширишда керакли имтиёзларга эга бўлган махсус индустриал зоналарни ташкил этиш йўлида охирги йилларда биз кўпгина тажрибаларга эга бўлмоқдамиз.

Бунинг амалий тасдиғини «Навоий» ва «Ангрен» махсус индустриал зоналари фаолияти мисолида кўриш мумкин.

«Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси ташкил этилганидан буён унинг ҳудудида умумий қиймати 100 миллион доллардан зиёд бўлган 19 та инвестиция лойиҳаси бўйича ишлаб чиқариш корхоналари ишга туширилди. Жумладан, юксак технологиялар асосида модем ва телевизорлар учун приставкалар, электр энергияни электрон ҳисоблагичлар, юқори кучланишга чидамли кабеллар, иссиқлик ва сув иситиш қозонлари, мобиль ва стационар телефон аппаратлари, тайёр дори воситалари ва бошқа турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

«Ангрен» махсус индустриал зонаси ҳудудида қисқа муддатда умумий қиймати қарийб 44 миллион доллар бўлган 5 та лойиҳа асосида энергияни тежайдиган диодли ёруғлик лампалар, турли катталикдаги мис қувурлар, кўмир брикетлари каби юксак технологиялар асосидаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Шунингдек, шакар ишлаб чиқариш бўйича янги завод ва бошқа корхоналар ташкил этилди.

Айни шу йўналишда тўпланган тажрибани ҳисобга олиб, ўтган йилнинг март ойида Жиззах вилоятида «Жиззах» махсус индустриал зонаси ташкил этилгани сизларга яхши маълум. Сирдарё вилоятида бу зонанинг филиали фаолият кўрсатиши кўзда тутилган.

Бугунги кунда «Жиззах» махсус индустриал зонаси ҳудудида транспорт, ишлаб чиқариш ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш бўйича фаол ишлар олиб борилмоқда.

### Такрорлаш учун саволлар ва топшириқлар

1. Иқтисодий тараққиётнинг мезон ва кўрсаткичлари қандай ҳисобланади?
2. Аҳоли турмуш даражаси кўрсаткичлари нималарни ўз ичига олади?
3. Ялпи ички маҳсулот нима?
4. Минимал истеъмол бюджети деганда нимани тушунасиз?
5. Камбағаллик кўрсаткичи нима?

# 5-МАВЗУ. ИҚТИСОДИЙ ТИЗИМЛАР ВА ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

1.Иқтисодий ривожланиш босқичларига бўлган турлича ёндашувлар.
2.Иқтисодий тизим ва унинг унсурлари. Иқтисодий тизимларнинг тараққиёт қонуниятлари.
3.Иқтисодий тизимнинг иқтисодий муносабатлар ва уларнинг ўзгариб боришига таъсири.
4.Иқтисодий муносабатларнинг такомиллашуви ва иқтисодий тараққиёт.

**Асосий таянч тушунчалар:**Тарихий-формацион ёндошув, маданийлашиш (цивилизация) даражаси жиҳатдан ёндошув, техника ва технологик тараққиёт даражаси жиҳатидан ёндошув, социал-иқтисодий шакллар ўзгариши жиҳатидан ёндошув, анъанавий иқтисодиёт, иқтисодий тизим, маъмурий-буйруқбозлик иқтисодиёти, бозор иқтисодиёти тизими, эркин рақобатга асосланган бозор иқтисодиёти, ҳозирги замон бозор иқтисодиёти.

## 5.1. Иқтисодий ривожланиш босқичларига бўлган турлича ёндашувлар

Кишилик жамияти ишлаб чиқариш муносабатлари ва ишлаб чиқарувчи кучларнинг ўзаро бирлиги ва зиддияти асосида тараққий этиб бориб, унинг турли босқичларига ўзига хос бўлган иқтисодий тизимлар мувофиқ келади. Инсоният тараққиёти босқичлари ва ҳар бир босқичга хос бўлган иқтисодий тизимларни ўрганиш иқтисодий жараёнларни, уларни ўзгарувчан эканлигини билишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Тараққиёт босқичларини билишда турли хил ёндошувлар мавжуд бўлиб, улардан асосийлари сифатида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- тарихий-формацион ёндошув;
- маданийлашиш (цивилизация) даражаси жиҳатдан ёндошув;
- техника ва технологик тараққиёт даражаси жиҳатидан ёндошув;
- социал-иқтисодий шакллар ўзгариши жиҳатидан ёндошув.

Ижтимоий тараққиёт босқичларини билишга **тарихий-формацион ёндошувда** ишлаб чиқаришнинг ижтимоий усуллари ва унинг таркибий қисмларини таҳлил қилишга эътибор берилган.

Жамият тараққиётини цивилизация нуқтаи-назаридан ўрганишда цивилизацияларнинг алмашуви назарияси муҳим ўрин тутади. Бу назария тарафдорлари қуйидаги 7 та босқичдан иборат цивилизацияни ажратиб кўрсатадилар:

1) давомийлик муддати 30-35 асрни ўз ичига олган неолит даври;
2) давомийлик муддати 20-23 асрни ўз ичига олган шарқий қулдорлик даври (бронза асри);давомийлик муддати 12-13 асрни ўз ичига олган антик давр (темир асри);
3) давомийлик муддати 7 асрни ўз ичига олган эрта феодал даври;
4) давомийлик муддати 4,5 асрни ўз ичига олган индустрлашишдан олдинги давр;
5) давомийлик муддати 2,5 асрни ўз ичига олган индустриал даври;
6) давомийлик муддати 1,3 асрни ўз ичига олган юқори индустрлашиш даври.[2]

---

[2] Экономическая теория: Учебник. - Изд., испр. и доп. / Под общ.ред. акад. В.И.Видяпина, А.И.Добрынина, Г.П.Журавлевой, Л.С.Тарасевича. – М.: ИНФРА-М, 2005, 55-б.

Бу қайд қилинган босқичлардан кўриниб турибдики, ушбу назарияда турли қарашлар ва ёндошувларни аралаштириш ҳолатига йўл қўйилиб, жамият тараққиёти босқичларини ажратишнинг аниқ бир мезони ёки белгиси мавжуд эмас.

Жамият тараққиёти босқичларига **технологик ёндошув** ҳам маълум бир оқим хисобланади. Улар жамият тарихий тараққиёти давомида рўй бераётган ўзгаришлар кўлами ва характерини яхшироқ тушуниб олиш учун ишлаб чиқаришнинг турли технологик усулларини таҳлил этиш, машиналашган ишлаб чиқаришнинг вужудга келиши ва ривожланиш тарихига мурожаат қилиш зарур деб ҳисоблайдилар.

## 5.2. Иқтисодий тизим ва унинг унсурлари. Иқтисодий тизимларнинг тараққиёт қонуниятлари

Ҳар бир даврда ва маконда амал қилаётган иқтисодий муносабатлар мажмуаси – иқтисодиётни ташкил қилиш шакллари, хўжалик механизми ва иқтисодий муассасалар билан биргаликда иқтисодий тизимни ташкил қилади.

Иқтисодий назарияда кўпинча иқтисодий тизим тушунчасини ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиш даражаси билан боғлаб туркумлашга ҳаракат қилинади. Шу асосда дунёдаги ривожланган мамлакатлар иқтисодий тизимининг учта нусхасига киритилади: анъанавий иқтисодиёт, маъмурий буйруқбозлик иқтисодиёти ва бозор иқтисодиёти тизимлари.

**Анъанавий иқтисодиёт** – деярли ҳамма мамлакатлар босиб ўтган тарихий тизимдир. У ҳозирги даврда ҳам кўплаб иқтисодий жиҳатдан кам ривожланган мамлакатларда мавжуд бўлиб, уларда урф-одатлар, удумларга, анъаналарга асосланган иқтисодий жараёнларга амал қилади.

Бозор иқтисодиётига қарама-қарши тизим, **маъмурий-буйруқбозлик иқтисодиёти** ҳисобланади. Бу тизим амалда барча моддий ресурсларга ижтимоий аниқроғи давлат мулкчилигининг ҳукмронлиги ва маъмурий органлар томонидан иқтисодий қарорларнинг марказлашган тартибда қабул қилиниши билан характерланади. Фойдаланадиган ресурсларнинг ҳажми, маҳсулотнинг таркиби ва тақсимланиши, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш кабиларга тегишли барча муҳим қарорлар марказий бошқариш органлари томонидан қабул қилинади.

Иқтисодий тараққиётда муҳим босқич ҳисобланган тизим **бозор иқтисодиёти тизимидир**.

Бозор иқтисодиёти тизими асосан икки босқичга эгадир. Биринчиси эркин рақобатга асосланган классик бозор иқтисодиёти бўлиб, баъзи адабиётларда уни соф капитализм деб ҳам юритилади. Иккинчиси эса ҳозирги замон ривожланган бозор иқтисодиёти бўлиб, уни аралаш иқтисодиёт тизими деб ҳам юритилади.

## 5.3. Иқтисодий муносабатларнинг такомиллашуви ва иқтисодий тараққиёт

Иқтисодий муносабатларнинг такомиллашуви иқтисодиёт тармоқларини техник жиҳатдан янгилаш ва қайта қуроллантиришни тақозо қилади. Ушбу жараёнда амалга оширилаётган ишлар ижтимоий ҳаётимизнинг деярли барча жабҳаларида тадбиқ этилиб, қамраб олиниш кўламлари эса мунтазам ва босқичма-босқич кенгайтириб борилмоқда. Миллий иқтисодиётнинг барқарор ва самарали ривожланишини таъминлаш, уни ривожланган мамлакатлар даражасига кўтариш, сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар, жаҳон бозори конъюнтурасидаги тебранишлар, инқироз ҳолатларига нисбатан чидамлиги, мустақил ривожлана олиш имконият ва салоҳиятлари айнан

иқтисодиётдаги туб ислоҳотлар натижаларига боғлиқдир. Шунинг билан бирга, иқтисодиётни модернизациялаш ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларидаги ўзгаришларига ҳам чамбарчас боғлиқ. Яъни, барча соҳа ва жабҳалари ўртасида жадал олиб борилаётган модернизациялаш жараёнларини амалга ошириш давомида изчиллик ва мантиқий мувозанатни таъминлаш зарур. Шундагина кўзланган мақсад кутилган самарани беради. Энг аввало, мамлакатимизда ҳар бир соҳа бўйича давлат даражасидаги дастурлар қабул қилиниб, унинг ижросига катта аҳамият қаратилаётганлигидир. Жумладан, модернизациялаш натижалари ўлароқ, замонавий ва такомиллаштирилган техника-технологиялар ёрдамида сифатли ҳамда экспортга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқарилишига эришилмоқда.

Ўзбекистон учун жаҳон бозорига янги марраларга чиқишнинг ишончли йўли сифатида инқироз давом этиб турган йилларга мўлжалланган иқтисодий дастурларнинг шу йилларда қуйидаги энг муҳим йўналишлари белгилаб берилди:

- таркибий ўзгаришларни давом эттириш ва иқтисодиётни диверсификациялаш, буни биринчи навбатда, халқаро сифат стандартларига жавоб берадиган, ички ва ташқи бозорларда талаб юқори бўлган рақобатбардошли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган иқтисодиётнинг энг муҳим тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш йўли билан амалга ошириш, мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодий тараққиётга эришишнинг энг муҳим омили сифатида ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш[3].

- корхоналарни техник қайта қуроллантириш – алоҳида ишлаб чиқариш турларини замонавий талабларга асосан янги техника ва технологияларни киритиш, ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаштириш ва автоматлаштириш, эскирган қурилма ва ускуналарни янгилаш ва алмаштириш, ишлаб чиқариш тузилмаси ва ташкил этилишини яхшилаш йўли билан корхонанинг техник даражасини ошириш бўйича чора-тадбирлар мажмуаси. У ишлаб чиқариш интенсивлигини кучайтириш, ишлаб чиқариш қувватларини ошириш ва ишлаб чиқарилаётган товарлар сифатини яхшилашга йўналтирилган бўлади.

Кейинги йилларда мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётни диверсификациялаш, иқтисодиёт тармоқларининг рақобатдошлигини ошириш ҳамда маҳаллий ишлаб чиқариш корхоналарининг экспортдаги улушини кенгайтиришга қаратилган инвестиция фаолиятини тартибга соладиган 50 дан ортиқ ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди, жумладан,“Концессиялар тўғрисида”ги, “Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида”ги, “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги, “Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги, “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги, “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги қонунлар айни шу мақсадларга хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда республикамиз иқтисодиётининг деярли барча тармоқ ва соҳаларида ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш тадбирларининг кенг кўламда амалга оширилиши рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкониятларини кенгайтирмоқда. Бироқ, бу борадаги жиддий муаммо – маҳсулотларимиз таннархининг юқори даражада қолаётганлиги уларнинг рақобатдошлигига салбий таъсир кўрсатмоқда.

[3]Каримов И А. Жаҳон молиявий иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009.

## Такрорлаш учун саволлар ва топшириқлар

1. Иқтисодий ривожланиш босқичларини билишга бўлган қандай ёндашувлар мавжуд?
2. Тарихий-формацион ёндошувнинг асосини нима ташкил қилади?
3. Техника ва технологик тараққиёт даражаси жиҳатидан ёндошувнинг ўзига хослиги нимада?
4. Ижтимоий-иқтисодий формация нима?
5. Иқтисодий тизимнинг қандай моделлари мавжуд?
6. Маъмурий-буйруқбозлик иқтисодиётининг камчилигини тушунтириб беринг.

# 6-МАВЗУ. БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ ГАРОВИ СИФАТИДА

1.Бозор иқтисодиёти - товар хўжалиги ташкил этишнинг иқтисодий тизимидир.
2.Классик на хозирги замон бозор иқтисодиёти, уларнинг умумийлиги ва фарқлари.
3.Бозор иқтисодиётининг муҳим қонунлари: талаб, таклиф, қиймат ва пул муомаласи қонунлари.
4.Ижтимоийжиҳатдан йўналтирилган бозор иқтисодиёти.

**Асосий таянч тушунчалар:** Бозор иқтисодиёти, бозор механизмлари, бозор, бозор объекти, бозор субъекти, бозор инфратузилмаси, ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган бозор иқтисодиёти, ижтимоий хизматлар, ижтимоий соҳа, моддий хизматлар, ижтимоий ва маънавий хизматлар.

## 6.1. Бозор, унинг вазифалари ва турлари

Бозор – ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар (сотувчилар ва харидорлар) ўртасида пул орқали айирбошлаш жараёнида вужудга келадиган муносабатлар мажмуаси.

Бозорнинг асосий белгилари қуйидагилардан иборат:

- сотувчи ва харидорларнинг ўзаро келишуви, эквивалентлилик принципи асосида айирбошлаш;
- сотувчиларнинг харажатлари қопланиб, фойда олиши;
- тўловга лаёқатли бўлган харидорларнинг талабини қондириш ва рақобатчилик.

Бозор товарларни ишлаб чиқариш ва айирбошлаш, пулнинг вужудга келиши, уларнинг ривожланиши натижасида келиб чиққан тарихий тушунча бўлиб, ҳозирги даврда кенг тарқалган объектив иқтисодий жараёндир.

Бозорнинг асосий вазифаси ишлаб чиқарувчилар томонидан яратилган товар ва хизматларни, иқтисодий ресурсларни истеъмолчиларга етказиб беришдан иборатдир. Бу ерда бозор ишлаб чиқариш билан истеъмолни бир-бирига боғлайди, ишлаб чиқарилган товар ёки хизмат ўз истеъмолчисини топади. Бунда бозор воситачи бўлиб хизмат қилади. Бозорда қиймат шакллари алмашади. У қийматни товар шаклидан пул шаклига айлантиради. Индивидуал меҳнат сарфлари сифатида чиққан товарлар бозор томонидан тан олинса, ижтимоий меҳнат сарфини намоён қилади ва товарнинг бозор қиймати ҳосил бўлади.

Бозор турли хил вазифаларни бажарса-да, улар ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тақозо қилади. Бозорнинг иқтисодий мазмунини чуқурроқ тушуниш учун унинг турлари ва ички тузилишини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

## 6.2. Бозор иқтисодиёти - товар хўжалиги ташкил этишнинг иқтисодий асосидир

Ҳозирги даврда бозор иқтисодиёти дунёнинг кўпчилик мамлакатлари учун хос бўлиб, у турли мамлакатларда ҳар хил даражада ва ўзига хос хусусиятлар билан амал қилмоқда ва ривожланмоқда.

Бозор иқтисодиёти – бу товар ишлаб чиқариш, айирбошлаш ва пул муомаласи қонун-қоидалари асосида ташкил этиладиган ва бошқариладиган иқтисодий тизимдир.Бундай иқтисодиёт эркин товар-пул муносабатларига асосланиб, унинг

негизида товар ва пулнинг турли шакллардаги ҳаракати ётади, у иқтисодий монополизмни инкор этади.

Бозор иқтисодиёти субъектлари таркибига тадбиркорлар ҳам, ўз меҳнатини сотувчи ишчилар ҳам, пировард истеъмолчилар, ссуда капитали эгалари ва қимматли қоғозлар эгалари ҳам киради. Одатда, бозор хўжалигининг барча асосий субъектлари учта гуруҳга бўлинади: уй хўжаликлари, корхоналар (тадбиркорлик сектори) ва давлат сектори.

Бозор иқтисодиётининг муҳим ва умумий белгилари қуйидагилардан иборат:

- турли шакллардаги мулкчиликнинг мавжуд бўлиши ва унда хусусий мулкчиликнинг устун туриши;
- тадбиркорлик ва танлов эркинлиги;
- рақобат курашининг мавжудлиги;
- давлатнинг иқтисодиётга чекланган ҳолда аралашуви;
- корхона ва фирмаларнинг ички ва ташқи шарт-шароитлар ўзгаришларига мослашувчанлиги.

Бозор иқтисодиётининг бу белгилари унинг барча босқичлари учун умумийдир.

Бозор иқтисодиётининг асосий зиддиятлари билан бир қаторда қуйидаги **камчилик ёки салбий жиҳатлари** ҳам мавжуд:

- атроф-муҳитни ишлаб чиқариш ва бошқа фаолият турлари таъсиридан муҳофаза қилиш механизмининг мавжуд эмаслиги;
- ресурсларнинг қайта тикланмайдиган турларини сақлаш имкониятининг йўқлиги;
- меҳнат қилиш билан боғлиқ кафолатларнинг мавжуд эмаслиги;
- фанда фундаментал ва амалий тадқиқотларнинг ривожланишига кўмаклашувнинг йўқлиги;
- ривожланишнинг беқарорлиги ҳамда ижтимоий ишлаб чиқаришнинг пасайиш ҳолатларининг мавжудлиги.[4]

## 6.3. Ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган бозор иқтисодиёти

Бизнинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўлимиз республиканинг ўзига хос турмуш шарт-шароитлари ва хусусиятларини, халқ анъаналари ва урф-одатларини ҳар томонлама ҳисобга олишга асосланган. Айни пайтда, бизнинг йўл-жаҳон амалиётида тўпланган, иқтисодий жиҳатдан ривожланган давлатлар орттирган ижобий тажрибаларни ҳам ҳисобга олади. Ўзбекистон танлаб олган йўл - республика ва унинг халқи манфаатларига мос келадиган, ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришга қаратилган иқтисодиётдир. Бозор муносабатларига ўтиш инсоннинг ижодий ва меҳнат салоҳиятини намоён қилишдаги, боқимандаликни бартараф этишга, йўқолиб кетган эгаллик туйғусини қайта тиклашга имкон беради. Фақат бозоргина маҳсулот ишлаб чиқарувчининг ҳукмини бартараф этиб, республиканинг ғоят катта бойликларидан самарали фойдаланишни таъминлай олади.

Ижтимоий соҳага: маориф, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, маданият ва санъат, уй-жой коммунал хўжалиги, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, чакана савдо ва умумий ов қатланиш, жисмоний тарбия, спорт ва бошқа тармоқлар киради.

[44]Shodmonov Sh.Sh., G’afurovU.V. Iqtisodiyot nazariyasi (darslik). - T.: «Fan va texnologiya» nashriyoti, 2005. 109-130-b.

Бозор иқтисодиётини барпо этиш шунчаки бир мақсад эмас. Барча иқтисодий, демократик, сиёсий ислоҳотларнинг пировард мақсадлари бу энг аввало инсон учун муносиб турмуш ва фаолият шароитларини яратишдир.

Шундай қилиб, биз комил ишонч билан айта оламизки, мустақиллик йиллари мобайнида биз янги жамият асосларини яратишга ўзгаришлар муқарарлигининг негизини таъминлашга муваффақ бўлдик.

**Такрорлаш учун саволлар ва топшириқлар**

1. Бозор иқтисодиётининг мазмуни ва асосий белгилари нималардан иборат?
2. Бозор иқтисодиётининг афзалликлари ва зиддиятлари нималардан иборат?
3. Бозор иқтисодиётининг асосий иштирокчилари кимлар ва улар ўртасидаги иқтисодий алоқалар қай тарзда кечади?
4. Бозор тушунчасининг таърифини беринг ва унинг асосий вазифаларини кўрсатинг.

## 7-МАВЗУ. ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШНИ ТАЪМИНЛАШДА ДАВЛАТНИНГ РОЛИ: УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАР ВА ВАЗИФАЛАР

1.Давлатнинг иқтисодий сиёсати: мазмуни, йўналишлари, тамойиллари ва амалга ошириш механизмлари.
2.Иқтисодий ислоҳотларнинг ҳозирги босқичидаги устувор йўналишлар.
3.Хусусий бизнес учун қулай шароитлар яратиш - хусусий мулкни ҳимоя қилишни кучайтириш, хусусийлаштиришни янада такомиллаштириш, кооперация алоқаларини кучайтириш.

**Асосий таянч тушунчалар:** Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш, давлатнинг иқтисодий вазифалари, иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг усуллари, тартибга солишнинг маъмурий ва иқтисодий воситалари, бевосита усуллар, билвосита усуллар

### 7.1. Давлатнинг иқтисодий сиёсати: мазмуни, йўналишлари, тамойиллари ва амалга ошириш механизмлари

Давлатнинг иқтисодиётни тартибга солишдаги вазифаси замонавий бозор хўжалигининг моделларига қараб турлича даражали аҳамият касб этади. Буни қуйидаги чизмада ҳам кўришимиз мумкин:

Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг объектив асоси бўлиб ҳам миллий иқтисодиёт даражасида, ҳам халқаро миқёсда ижтимоий меҳнат тақсимотининг ривожланиши негизида ишлаб чиқаришнинг умумлашуви жараёни хизмат қилади.

Бу жараён қуйидагиларда намоён бўлади:

- чуқурлашиб бораётган ижтимоий меҳнат тақсимоти асосида ишлаб чиқариш ихтисослашган тармоқларининг ўзаро алоқаси ва ўзаро боғлиқлиги янада кучаяди;
- ишлаб чиқаришнинг кооперациялашуви ва марказлашуви натижасида алоҳида хўжалик бирликларининг майда бўлакларга ажралиб кетиш ҳолатлари барҳам топади;
- ишлаб чиқаришнинг йирик корхоналарда тўплануви жараёни ўсади;
- турли иқтисодий минтақалар ўртасидаги иқтисодий алоқалар ва фаолият алмашуви жадаллашади.

Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш деганда давлатнинг жамият аъзолари эҳтиёжларини қондириш даражасини ошириш учун чекланган ишлаб чиқариш ресурсларидан янада самарали фойдаланишни таъминловчи, умумий иқтисодий мувозанатга эришишга йўналтирилган, ижтимоий такрор ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш бўйича фаолияти тушунилади.

Ҳозирги шароитда иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш такрор ишлаб чиқариш жараёнига тегишли бир қатор вазифаларни ҳал қилишга қаратилади. Булар жумласига иқтисодий ўсишни рағбатлантириш, бандликни тартибга солиш, тармоқ ва минтақавий тузилмалардаги ижобий силжишларни қўллаб-қувватлаш, экспортни ҳимоя қилиш кабиларни киритиш мумкин.

Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг асосий мақсади иқтисодий ва ижтимоий барқарорликни таъминлаш, мавжуд тузумни мамлакат ичида ва халқаро майдонда мустаҳкамлаш ва уни ўзгариб турувчи шароитга мослаштириш ҳисобланади.

Бу асосий мақсаддан бир қатор аниқ мақсадлар келиб чиқади. Улар жумласига иқтисодий циклни барқарорлаштириш; миллий хўжаликларнинг тармоқ ва минтақавий тузилишини такомиллаштириш, атроф-муҳит ҳолатини яхшилаш кабиларни киритиш мумкин.

## 7.2. Иқтисодий ислоҳотларнинг ҳозирги босқичидаги устувор йўналишлар

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Каримов ўзининг “Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида” номли китобида умумий стратегия доирасида иқтисодиётни ислоҳ қилиш соҳасидаги муайян стратегик мақсадларни белгилаб берди. Уларнинг асосийлари қуйидагилардир:

1. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини босқичма-босқич шакллантириш.

2. Кўп укладли иқтисодиётни яратиш.

3. Корхоналар ва фуқароларга кенг иқтисодий эркинликлар бериш, уларнинг хўжалик фаолиятига давлатнинг бевосита аралашувидан воз кечиш, иқтисодиётни бошқаришнинг маъмурий-буйруқбозлик усулларини бартараф этиш, иқтисодий омиллар ва рағбатлантириш воситаларидан кенг фойдаланиш.

4. Иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришлар қилиш, рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш, жаҳон иқтисодий тизимига қўшилиб бориш.

5. Кишиларда янгича иқтисодий фикрлашни шакллантириш, уларнинг дунёқарашини ўзгартириш, ҳар бир кишига ўз меҳнатини сарфлаш соҳаси ва шаклларини мустақил белгилаш имконини бериш.

Бу улуғвор мақсадларга эришиш учун жамиятимизни янгилаш ва ислоҳ этишнинг ҳозирги янги босқичида қуйидаги вазифалар давлат, ижтимоий тузилмалар ва маҳаллий ҳокимлик идораларининг диққат марказида турмоғи, парламентимиз қонунчилик фаолиятининг асосини ташкил этмоғи лозим:

**I. Сиёсий соҳада:**

Ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларини демократлаштириш жараёнини янада чуқурлаштириш, янги маъно-мазмун билан бойитиш, унинг изчиллиги ва самарасини таъминлаш зарур. Бу борадаги бош вазифалар қуйидагилардан иборат:

1. Мамлакат сиёсий ҳаётининг барча соҳаларини, давлат ва жамият қурилишини эркинлаштириш. Фуқароларнинг сиёсий, иқтисодий фаоллигини кучайтириш ва инсоннинг ўз қобилиятини тўла рўёбга чиқариши учун тегишли шарт-шароит яратиш. Одамларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этиши, жамиятимизда мавжуд бўлган турли манфаатлар, қарама-қарши кучлар ва ҳаракатлар ўртасидаги мувозанатни таъминлайдиган самарали механизмни шакллантириш.

2. Мамлакат сиёсий ҳаётида ҳақиқий маънодаги кўппартиявийлик муҳити қарор топишига эришиш. Ҳар бир партия муайян ижтимоий қатламга таянган ҳолда, ана шу тоифа манфаатларининг ҳимоячиси сифатида ўзининг аниқ ва равшан ҳаракат дастурига эга бўлиши керак. Унда ҳар қайси партиянинг мақсад ва вазифалари, жамият тараққиёти борасидаги муқобил таклифлари ўз ифодасини топиши лозим. Амалдаги кўппартиявийлик – бу ҳар хил қараш ва ғоялар ўртасидаги баҳс-мунозара, турли партиялар, жумладан, мухолиф партиялар учун ҳам сиёсий рақобат майдони.

3. Нодавлат тузилмалар, ҳукуматга қарашли бўлмаган ва жамоат ташкилотларининг, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг фаолиятини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш.

4. Жамиятимизда оммавий ахборот воситаларининг ҳақиқий “тўртинчи ҳокимият”га айланишини таъминлаш.

5. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининянада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш. Ўз ҳақ-ҳуқуқини танийдиган, ўз кучи ва қобилиятига таяниб яшайдиган, ўз шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган эркин шахсни шакллантириш учун барча зарур шарт-шароитларни яратиш даркор.

**II. Давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасида:**

1. Ҳокимият тизимлари бўлинишининг конституцион принципига амал қилинишини таъминлаш.

2. Маъмурий соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самарадорлигини кучайтириш.

3. Кадрлар танлашнинг объектив тарзда ишлайдиган тизимини шакллантириш.

**III. Иқтисодиёт соҳасида:**

1. Иқтисодиётнинг барча соҳалари ва тармоқларида эркинлаштириш жараёнини изчиллик билан ўтказиш ва иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш.

2. Хусусийлаштириш жараёнини янада чуқурлаштириш ва шу асосда амалда мулкдорлар синфини шакллантириш. Дунё тажрибаси шундан далолат берадики, жамиятда том маънодаги мулкдорлар синфининг кўпчиликни ташкил этиши ижтимоий ҳаётдаги барқарорлик ва фаровонликнинг кафолати бўлиб хизмат қилади.

3. Мамлакат иқтисодиётига хориж сармоясини, аввало, бевосита йўналтирилган сармояларни кенг жалб этиш учун қулай ҳуқуқий шарт-шароит, кафолат ва иқтисодий омилларни янада кучайтириш. Хориж сармоясининг иқтисодиётимиздаги таркибий ўзгаришларда, ишлаб чиқаришни техникавий қайта жиҳозлаш ва модернизация жараёнини жадаллаштиришда фаол иштирок этишига эришмоғимиз зарур.

4. Кичик ва ўрта бизнесни устувор тарзда ривожлантириш. Биз кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришда нафақат ҳал қилувчи мавқе эгаллаши, айни вақтда унинг аҳоли фаровонлиги ва даромадлари ортишида, ишсизлик муаммосини ечишда ҳам муҳим омилга айланишига эришмоғимиз лозим.

5. Иқтисодиётда мукаммал технологик жараённи ўз ичига олган ишлаб чиқариш етакчи ўринда туриши зарур. Бу жараёнда маҳаллий хомашё асосида ишлайдиган ишлаб чиқарувчи тармоқларга асосий эътибор қаратилиши керак.

**IV. Маънавият соҳасида:**

1. Миллий қадриятларимизни тиклаш, миллий ғоя ва мафкурани шакллантириш. Миллий, маънавий қадриятлар ва ҳозирги замон цивилизацияси ютуқларининг уйғунлигидан келиб чиқиб миллий мафкурани бойитиш.

2. Мамлакатимиздаги ҳар бир фуқаронинг ўз фикрини эркин ифода этиши ва уни ҳимоя қила олишини жамиятимизда рўй бераётган демократик ўзгаришларнинг негизига айлантириш.

3. Ислом динини иймон, ахлоқ, диёнат, маърифат манбаи сифатида қадрлаб, ундан ғаразли сиёсий мақсадларда фойдаланишни истайдиган кучлардан ҳимоялаш.

4. Оила, оналар ва аёлларнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини янада ошириш.

5. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш.

6. Ўзбекистонда яшаётган барча миллат ва элатларнинг тили, маданияти, урф-одат ва анъаналарини ривожлантиришга кўмаклашиш, уларга яратиб берилган имконият ва шароитларни янада кенгайтириш.

7. Кексаларга ҳурмат, кичикларга иззат кўрсатишдек ноёб инсоний қадриятни янги мазмун ва амалий ишлар билан бойитиш.

**V. Суд-ҳуқуқ соҳасида:**

1. Ҳуқуқий давлатни шакллантириш борасида биринчи галда қабул қилиниши лозим бўлган янги қонун ва меъёрий ҳужжатларни аниқлаш.

2. Қонун ва меъёрий ҳужжатларнинг сўзсиз бажарилишини таъминловчи тизим яратиш учун зарур чора-тадбирларни кўриш.

3. Суднинг тўлақонли мустақил ҳокимият тармоғи сифатидаги мустақиллигини таъминлаш учун суд тизимини ислоҳ қилиш.

4. Аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришга қаратилган чора-тадбирлар дастурини кенг кўламда амалга оширишга алоҳида эътибор бериш.

**VI. Ташқи сиёсат соҳасида:**

1. Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни сақлаш, хавфсизликни таъминлаш.

2. Яқин қўшни мамлакатлар, хусусан, Афғонистонда тинчликни таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлаш.

3. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига кенг миқёсда интеграциялашувини таъминлаш.

**VII. Хавфсизликни таъминлаш соҳасида:**

1. Демократик ва ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни амалга ошириш, маънавий тараққиётга эришиш, шунингдек, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорлигини кучайтиришнинг асосий шарти ва гарови – мамлакатимизнинг хавфсизлигини таъминлаш, жамиятимизда тинчлик, барқарорлик, миллатлар ва фуқаролар ўртасида тотувликни сақлаш ва кўз қорачиғидай асрашдир.

2. Марказий Осиё мамлакатларининг тинчлиги ва барқарорлигига, мазкур минтақада яшовчи халқларнинг хавфсизлигига дахл қилувчи тажовузларнинг олдини олиш ва бартараф этиш борасидаги ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлаш, уларнинг бу йўлдаги саъй-ҳаракатлари, имкониятлари ва салоҳиятларини мувофиқлаштириш ва бирлаштириш. Армия, чегара ва ички қўшинларимизни босқичма-босқич ва изчил ислоҳ этиш.

3. Террорчиликка қарши кураш бўйича халқаро марказ барпо этишга оид Ўзбекистон ташаббусини амалга ошириш борасидаги ишларни янада кучайтириш.

4. Ҳуқуқ-тартибот органлари тизимини ислоҳ этиш ва уларнинг жамоатчилик билан алоқаларини мустаҳкамлаш.

5. Жиноятчиликка, экстремизм ва жаҳолатнинг ҳар қандай кўринишларига қарши курашда, умумий хонадонимиздаги тинчлик ва осойишталикни асраш йўлида аҳоли фаоллигини ошириш лозим.

Иқтисодиётни барқарорлаштириш бозор муносабатларини шакллантириш йўлидаги муқаррар жараёндир. У энг аввало танглик ҳолатларига барҳам беришга қаратилади.

## 7.3. Ўзбекистонда ишчи кучи бандлигини таъминлаш ва ишсизларни ижтимоий ҳимоя қилиш борасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари

Бозор муносабатларига ўтиш даврида давлатнинг ижтимоий сиёсати фақат жамият аъзоларининг манфаатларини ишончли равишда ҳимоя қилишдангина иборат бўлмасдан, балки меҳнатга лаёқатли аҳолининг иш билан бандлигини таъминлашни ҳам ўз ичига олади. Айниқса, аҳолининг ўсиши юқори суръатлар билан бораётган ва ўзига хос аҳоли таркибига эга бўлган республикамизда иш билан бандлик масаласи энг муҳим муаммолардан бири ҳисобланади. Мамлакатимиздаги иқтисодий

ислоҳотлар жараёнида ушбу масалани ҳал этиш учун бир қатор тадбирларни амалга ошириш режалаштирилган.

**Биринчидан,** кенг фаолият турлари, шунингдек якка тартибдаги тадбиркорликни кенгайтириш учун шароит яратиш. Биринчи навбатда қишлоқ хўжалик хомашёсини қайта ишлаш, халқ истеъмол молларини, маҳаллий хом ашёдан қурилиш материаллари тайёрловчи хусусий кичик корхоналарни фаол ривожлантиришни рағбатлантириш.

**Иккинчидан,** хизмат соҳасини ривожлантириш, аҳолига кўрсатиладиган ижтимоий-маиший хизмат ва қурилиш бўйича хизмат турларини янада кенгайтириш. Бунда ҳам қишлоқ жойларда хизмат соҳасини ривожлантиришга устунлик берилади.

**Учинчидан,** қишлоқда кенг тармоқли ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини яратиб, шу орқали янги иш жойларини очиш, янги ишлаб чиқаришларни вужудга келтириш.

Бу вазифаларни амалга ошириш учун республикамизда қишлоқ ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш дастурларини амалга ошириш бўйича ишлар узлуксиз давом эттирилмоқда.

**Тўртинчидан,** ишдан бўшаган ходимларни қайта тайёрлаш ва қайта ўқитишни ташкил этишни тубдан ўзгартириш. Бунда ишдан бўшаётган ва ихтисоси бўлмаган шахсларга қисқа даврда, бозор иқтисодиётига ҳамда иқтисодиётнинг ўзгариб бораётган тузилишига мувофиқ келувчи касбкорни ўргатишга эътибор қаратиш. Шу мақсадда махсус маслаҳат ва ўқув марказлари, бизнес мактабларнинг кенг тармоғини янада ривожлантириш кўзда тутилади.

**Бешинчидан,** вақтинча ишга жойлаштириш имкони бўлмаган меҳнатга яроқли аҳолини давлат томонидан ишончли равишда ижтимоий ҳимоялаш. Бу сиёсат уларнинг ўта зарур эҳтиёжларини қондириш ва кафолатли тирикчилик манбаларига эга бўлишга қаратилади.

Ишчи кучининг иш билан бандлиги муаммоси кўп қиррали бўлиб, у барча одамларга ўз қобилиятларини ишга солиш, ўз эҳтиёжларини қондириш учун дастлабки тенг имкониятларни таъминловчи давлат ва бозор механизмини вужудга келтириш; ишчи кучини унумли ва самарали иш билан банд қилиш; зарур ҳолларда ишчи кучини иқтисодиёт тармоқлари ва соҳалари ўртасида қайта тақсимлаш каби масалаларни ҳам ўз ичига олади.

Жиддий муаммолар юзага келишига йўл қўймаслик мақсадида давлат доимий равишда фуқароларни иш билан таъминлаш сиёсатини ўтказади.

Биринчидан: ишсизликнинг фрикцион ва таркибий турлари ўсганда;

- қайта касб ўргатади ҳамда таълим бериш тизимини кенгайтиради;
- бўш иш жойлари ҳақидаги ахборотларни кенг тарқатади;
- меҳнат биржаларига инвестицияларни киритади.

Иккинчидан, агар ишсизлик даврий ҳусусият касб этса, давлат бюджет, фискаль, кредит пул воситаларини ишга солади, яъни:

- иш билан таъминлашни кучайтириш учун ишлаб чиқаришга кўпроқ маблағ сарфлайди;
- тадбиркорларнинг манфаатдорлигини ошириш учун ссуда ҳамда кредитларнинг фоиз ставкаларини пасайтиради;
- ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчиларга солинадиган солиқларни камайтиради.

Учинчидан, давлат ишчи кучи бозорини ташкил этиш ва тартибга солишда:

- аҳоли сони, ёш ва жинсининг салмоғидаги ўзгаришларига;
- иш билан бандликдаги тармоқ ва ҳудуд ўзгаришларига;

- қўшимча ишчи кучини ишлаб чиқаришга жалб этиш мезонларига;

- ишлаб чиқариш хажмига, унинг ўсиш суръатига, ишлаб чиқариш таркибига;

- ишлаб чиқариш кучларининг ҳудудий жойлашуви каби омилларга алоҳида эътибор беради.

Ишсизлик муаммосини ҳал қилишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш билан бирга саноатни ривожлантириш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

**Такрорлаш учун савол ва топшириқлар**

1. Давлатнинг иқтисодиётдаги ролига турлича қарашларини баҳоланг?
2. Давлат асосий иқтисодий вазифаларини санаб чиқинг ва уларнинг қисқача тавсифини беринг?
3. Бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг зарурлигини нима тақозо қилади?
4. Тартибга солишнинг маъмурий ва иқтисодий воситаларини санаб кўрсатинг.
5. Давлат иқтисодий дастурлари қандай амалга оширилади?

## 8-МАВЗУ. ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШГА ЭРИШИШНИНГ ХОРИЖ ТАЖРИБАЛАРИ

1.Жаҳон мамлакатларининг иқтисодий тараққиёт даражасига кўра туркумланиши.
2.АҚШ, Япония, Германия, Швед, Хитой моделлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари.
3.Ривожланган мамлакатларнинг иқтисодий сиёсатида ижтимоий масалаларнинг ўрни ва аҳамияти.
4.Ривожланган мамлакатларда ишчи кучи ресурсларидан самарали фойдаланиш асослари ва хусусиятлари.

**Асосий таянч тушунчалар:** "Асосий эхтиёжлар" концепцияси, «Мақбул ёки тегишли технология» концепцияси, «Ўз кучига жамоа бўлиб таяниш» концепцияси, «Янги халқаро иқтисодий тартиб» концепцияси, иқтисодиётни эркинлаштириш, «янги индустриал мамлакатлари», АҚШ, Япония, Германия, Швед, Хитой моделлари

### 8.1. Жаҳон мамлакатларининг иқтисодий тараққиёт даражасига кўра туркумланиши

Мамлакатларни гуруҳларга ажратишда турли мезонлардан фойдаланилади. Биринчи мезон сифатида ҳудудий ёндошувга мурожаат қилиш мумкин. Масалан, мамлакатларни қитъалар бўйича гуруҳлаш, ўз навбатида, бу қитъаларни маданий-тарихий ҳудудларга бўлиш мумкин. Мисол учун Европани Ғарбий, Марказий ва Шарқий Европага ажратиш мақсадга мувофиқдир.

Аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ ҳажмига кўра мамлакатларни энг кам ривожланган, ривожланаётган ва ривожланган мамлакатларга гуруҳланади. БМТ иқтисодий таҳлил мақсадларида мамлакатларни қуйидагиларга ажратади: ривожланган мамлакатлар, ўтиш даври иқтисодиётидаги мамлакатлар ва ривожланаётган мамлакатлар. Бу гуруҳларга кирувчи мамлакатларни ҳам турли тамойилларга кўра яна кичик гуруҳларга бўлиш мумкин. Масалан, ривожланган мамлакатларнинг ичида энг тараққий этган етти мамлакат: АҚШ, Япония, Германия, Буюк Британия, Франция, Италия ва Канадани ажратиб кўрсатиш мумкин. Ўтиш даври иқтисодиётли мамлакатларни ҳам Шарқий Европадаги собиқ социалистик мамлакатлар ва собиқ Совет Иттифоқи таркибига кирган республикаларни алоҳида гуруҳга кирита оламиз.

Ривожланаётган мамлакатларни ҳудудий, иқтисодиётининг ривожланиши, ташқи қарзининг миқдори даражаси жиҳатидан ҳам гуруҳларга ажратишимиз мумкин. Масалан, соф кредитор, соф қарздор мамлакатлар ёки энергия ресурсларини экспорт қилувчи ёки бу ресурсларни импорт қилувчи мамлакатлар ва ҳоказо. Юқорида айтилганларни умумлаштирган ҳолда мамлакатларнинг қуйидаги элементар типологиясини келтиришимиз мумкин.

1) Катта еттилик давлатлари.
2) Бошқа ривожланган мамлакатлар.
3) Янги индустриал мамлакатлар.
4) Марказий ва Шарқий Европа мамлакатлари.
5) Собиқ СССР республикалари.
6) Хитой.
7) Ҳиндистон ва Покистон.

8) Нисбатан тезроқ ривожланаётган мамлакатлар.

9) Классик ривожланаётган мамлакатлар.

10) Энг кам ривожланган мамлакатлар.

Даромад даражасига кўра мамлакатларни кам даромадли (60 та), ўртадан паст даромадли (59 та), ўртадан юқори даромадли (37 та) ва юқори даромадли (53 та) мамлакатларга ажратиш мумкин.

## 8.2. Ривожланган мамлакатларнинг иқтисодий сиёсатида ижтимоий масалаларнинг ўрни ва аҳамияти

Жаҳон иқтисодиётида АҚШ, Германия, Япония каби бир қатор саноати ривожланган мамлакатлар худди мана шу йўллар орқали тараққий этган эди. АҚШ ўз иқтисодий фаолиятини дастлабки йилларида асосан хом-ашё, мевалар, пахта, асал, кўмир ва шунга ўхшаш бир қатор саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларни экспорт қилишдан бошлаган бўлса, ГФР 50-йилларда кўмир, қора металлургия, химиявий саноат махсулотларни экпорт қилишдан, Япония эса тўқимачилик, металургия, химиявий саноат маҳсулотларни экспорт қилишдан бошлаган эди.

60-йилларда Шарқий Осиё ва Лотин Америкасидаги бир қатор мамлакатлар, яъни "ЯИМ"лар ҳам худди ана шу йўллар орқали ривожланиш босқичига қадам қўйган эди.

Ушбу давлатларнинг барчаси иқтисодий ўсишнинг ташқи омилларидан самарали фойдаландилар. Шу ўринда, саноати ривожланган мамлакатлардан хорижий сармоялар- техника ва технологияларни кенг миқёсда жалб килинганлигини таъкидлаб ўтиш лозимдир. Маълумки, бир қатор сабабларга кўра, "янги индустриал мамлакатлар" нинг баъзи бирлари саноати ривожланган мамлакатнинг муҳим сиёсий ва иқтисодий манфаатлари таъсир доирасига тушиб қолганлигини кўришимиз мумкин. АҚШнинг сиёсий манфаатлари асосан Шарқий Осиё мамлакатларининг "коммунистик таъсирига" қарши турувчи Тайвань ва Жанубий Кореянинг сиёсий манфаатларини қўллаб-қувватлашга қаратилган эди. Шунинг учун ҳам ушбу мамлакатларга чексиз иқтисодий ёрдам уюштирилиб ҳарбий жиҳатдан қўллаб-қуватланди.

Япония инвестициялари, "ЯИМ" нинг индустриаллашувига ва уларнинг экспорт таварларнинг рақобатбардошлигини оширишга имконият яратиб, "ЯИМ"лар саноатида қайта ишланадиган маҳсулотларнинг йирик экспортёрларидан бирига айланишида муҳим роль ўйнамокда. Япония инвестицияларини кириб келиши биргина 1982-1985 йилларнинг ўзида Тайванда 2,1 мартага , Гонконгда эса 61%га ўсган эди.

Жаҳон иқтисодиётида Осиёнинг "ЯИМ"лари учун шу нарса характерли бўлдики, улардаги тадбиркорлик сармоялари, биринчи галда қайта ишлаш саноати ва хом ашё тармоқларини ривожлантиришга йўналтирилди. Ўз навбатида, Лотин Америкасининг "ЯИМ" ларидаги ишбилармонлик сармоялари эса, кўпроқ савдо, хизмат кўрсатиш сохалари ва қайта ишлаш саноат тармоқларига жалб этилган эди. Хуллас, жаҳон иқтисодиётида хорижий сармояларнинг кенг микёсда таркалиши шу нарсага олиб келдики, "ЯИМ"ларда хорижий сармоялар иштирок этмаган бирорта ҳам иқтисодий тармоқ қолмаган эди.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, ҳозирги кунда импорт ўрнини эгаллашга қаратилган ишлаб чиқаришни ривожлантириш стратегиялари бир қатор ривожланаётган мамлакатларнинг иқтисодий тараккиётида муҳим роль ўйнамоқда.

Импорт ўрнини эгаллаш стратегиялари хужалик таркибининг хилма –хиллигини таъминлаш имкониятини яратади. Кўпчилик ривожланаётган мамлакатларда эса янги ва муҳим бўлиб ҳисобланувчи бир қатор ишлаб чиқариш тармоқлари барпо этилиши билан бир қаторда муҳим йўналишлар бўйича ўз –ўзини таъминлаш даражаси ҳам ўсиб бормоқда .

Лотин Америкасининг йирик “ЯИМ”ларидан бири Бразилияда олиб борилаётган сиёсат –бу очиқ иқтисодиётни яратишга қаратилганлигидир. Бунинг учун мамлакатнинг ички бозорида рақобат курашуви учун муҳит яратилаётган бўлиб, унга боғлик холда импорт тарифлари пасайтирилди. 1995 йилда МЕРКОСУР мамлакатлари (Бразилия, Аргентина, Парагвай ва Уругвай) уртасида божхона тусиқлари тулик олиб ташланди.

Осиёдаги “янги индустриал мамлакатлар” ўз иқтисодиётининг экспортга мўлжалланган анча самарали ва тез мослашувчан моделини жорий этди. Бу модель, маълум давр мобайнида бир вақтнинг ўзида импорт ўрнини эгаллаш сиёсатини ҳам ўз ичига олган эди. Экспорт сиёсати ўрнини эгаллашга мўлжалланган индустриаллашувнинг тугалланган даврини қайта содир этишни талаб этмайди. Маълумки, жаҳон иқтисодиётида импорт ўрнини эгаллаш ва экспортга мўлжалланган иқтисодий сиёсат бир–бири билан тенгма – тенг холда харакат килиб, баъзи даврларда эса улар бир –биридан устунликка ҳам эга бўлиши мумкин. Экспортни кенгайтириш даврига ёппасига ўтиш олдидан, импорт ўрнини эгаллаш учун жаҳон мамлакатлари ишлаб чиқаришининг замонавий тизимларини вужудга келтириш, халк хўжалигини анъанавий секторини қайта куриш каби масаларга ҳам эътиборни қаратишмоқда.

Осиёнинг кўпчилик мамлакатларида, жумладан XX асрнинг 50 ва 60 йилларида Жанубий Корея ва Тайванда, 60-йилларда Малайзияда; 60 ва 70 йилларнинг бошларида Таиландда, 50 ва 60 йилларнинг охирида Филиппинда импорт ўрнини эгаллаш сиёсати устувор йўналишга эга бўлган эди. Гонконг ва маълум даражада Сингапур, ўзларининг тарихий ривожланиш шарт –шароитлари, жўғрофий жойлашуви ва ички талабнинг секланганлиги таъсирида ишлаб чиқаришни кўпроқ экспортга қаратдилар. Маҳаллий ишлаб чиқаришни рағбатлантирувчи чора –тадибрлар, қайта ишлаш саноатидаги фойда меъёрини ошириш, истеъмол махсулотларни ва шунингдек узоқ муддатли фойдаланишга мўлжалланган товарлар ишлаб чиқарувчи тармоқларнинг аста –секинлик билан импорт ўрнини эгаллашига сабаб бўлган эди.

## 8.3. АҚШ, Япония, Германия, Швеция, Хитой моделлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари

Жамиятни тараққий эттириш ва иқтисодиётни ислоҳ қилиш йўлларининг хилма-хиллиги бир қанча омилларга боғлиқ. Авваламбор, бунга уларнинг аниқ мақсадни кўзлаб йўналтирилиши ва иқтисодиётнинг амал қилиш принциплари сабаб бўлади. Ривожланаётган ёш мамлакатлар ўз олдиларига эришиш осонроқ бўлган мақсадларни қўйиб, «муқобил ривожланиш» назариясининг турли концепцияларига таяниб, ўз йўлларини мана шу концепциялар доирасида излашга мажбур эдилар. Бу концепцияларнинг асосийлари қуйидагилар:

- «Асосий эҳтиёжлар» концепцияси. Аҳолининг энг кам тирикчилик эҳтиёжини кафолатли тарзда таъминлаш ва иш билан банд қилиш муаммоларини ҳал этиш ушбу концепциянинг асосий мақсадидир;

- «Мақбул ёки тегишли технология» концепцияси. Бу концепция аҳоли бандлигини таъминлайдиган ва маҳаллий хомашёни, аввало қишлоқ хўжалик хомашёсини қайта ишлашга қаратилган сермеҳнат технологияни ривожлантириш зарурлигига асосланади;

- «Ўз кучига жамоа бўлиб таяниш» концепцияси. Бу концепция мавжуд захиралардан тўлиқроқ фойдаланишга ва ривожланаётган мамлакатларнинг тараққий этган мамлакатларга қарамлигини камайтириш мақсадида улар ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган;

- «Янги халқаро иқтисодий тартиб» концепцияси. Бу концепция ривожланаётган мамлакатларнинг иқтисодий жиҳатдан мустамлака ҳолатидан қутилишга ва иқтисодий қолоқлигини тугатишга, тенг ҳуқуқли шериклар сифатида тан олиниш, хомашё ва саноат молларига ўз манфаатларига мувофиқ келадиган янги нархларни, халқаро савдо меъёрларини, валюта курсини белгилашга, замонавий технологияларни сотиб олиш имкониятларини кенгайтиришга бўлган умумий интилишларини акс эттиради.

Ривожланаётган мамлакатларнинг кўпгина андозалари, иқтисодий йўллари юқорида кўрсатилган концепциялар ва назарияларнинг ўзига хос қўшилмасидан иборатдир.[5]

Жаҳонда миллий тараққиёт моделлари кўп. Улар ўша мамлакат туб аҳолиси - миллатнинг номи билан аталади. Масалан, америка, немис, швед, япон, хитой сингари миллий моделлар маълум. Ўтган асрнинг 90-йиллари бошларида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган «Ўзбек модели» тушунчаси хаётга шиддат билан кириб келди. У қисқа вақт ичида шунчаки бир шиор эмас, балки хаётбахш кучга эга таълимот эканлиги хаётда ўз ифодасини топа бошлади.

Ҳар бир миллий модель ўша мамлакат аҳолисининг менталитети, тарихий ва маданий қадриятлари, сиёсий тузуми, ижтимоий таркиби, табиий- иқтисодий шарт-шароитлари, ишлаб чиқариш омиллари ва ресурслари, иқтисодиётининг таркибий тузилиши каби ҳолатлардан келиб чиқади.

Қандай модель тўғрисида гап бормасин, асосий мақсад самарали иқтисодиётни барпо этиш, халқ турмуш даражасини юксалтиришдан иборатдир.Бирон-бир моделни танлаш пировард мақсад эмас. Модель энг аввало мавжуд табиий, ишлаб чиқариш ва буюк ақл-заковатнинг амалдаги ифодасидир.

Шимолий Америка, хусусан АҚШ моделида бозорда давлатнинг хўжалик фаолиятидаги роли энг паст даражага туширилган. Давлат асосан учта вазифа — барқарорлик, қонун олдида барча фуқароларининг тенглигини таъминлаш, инфратузилмани ривожлантириш йўли билан бизнес ва тадбиркорлик фаолиятига кўмаклашиш ҳамда ўзини ўзи боқишга қурби етмайдиганларга ғамхўрлик кўрсатиш билан шуғулланади. Бу модель бозорнинг кескин, шиддатли йўли бўлиб, корхоналарнинг зарар келтириб ишлашини, дотацияни рад қилади. Бу йўл бир қарашда анча мафтункор туюлса-да, аммо халқни, айниқса, унинг кам таъминланган табақаларини анча қийин аҳволга солиб қўйиши мумкин. Америка модели нархларнинг эркин шаклланиши, субсидиядан воз кечиш, ташқи савдо учун очиқ иқтисодиёт, давлат корхоналарини хусусийлаштириш, чет эл сармоядорларини жалб қилиш, самарасиз корхоналарни ёпиш ва ортиқча ишчиларни бўшатишни кўзда тутади. Бу йўл муайян кескинликлар -ғоятюқори нарх-наво, ишсизлик,

[5]Каримов И.А. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. - Т.: Ўзбекистон, 1993, 20-21-б.

даромадларнинг пасайиши, ташқи қарзнинг ошишига ҳам олиб келади. Аммо бундай йўқотишлар эркин бозорга ўтиш билан боғлиқ. Узоқ муддатли фойда билан кейинчалик қопланиши мумкин, албатта.

Бу модель акциядорлик мулкининг интенсив қайта тақсимланиши билан тавсифланади. Бу моделда корхонага товар сифатила қаралади. У «қисмларга» бўлиниб ҳам, фонд биржаси орқали ҳам сотилиши мумкин. «Американа» иқтисодий тараққиёт моделининг ўзига хос хусусиятларидан яна бири ишлаб чиқариш концентрациялашувининг ғоят юқорилиги ва йирик бизнеснинг иқтисодиётда муҳим ўрин тутишидир.

Иқтисодий тараққиётнинг «американа» моделида инсон омилининг роли ҳам юқори эканлигини таъ- кидлаш лозим. АҚШ муҳожир-ажнабийлар мамлакати ҳисобланади. Америка давлати муҳожирлар томонидан барпо этилган. Оммавий муҳожирлик АҚШ аҳолиси миллий таркибининг шаклланишида муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирги америка миллати - дунёнинг турли қитъаларидан, энг аввало, Европадан кўчиб келган одамларнинг этник яхлитлиги натижасидир. Гарчи АҚШда юздан ортиқ миллат ва элат истиқомат қилса-да, уларнинг 80 фоизини европаликлар, 12 фоизини қора танли американиклар, 5 фоизини испан тилида сўзлашувчи американиклар ташкил этади. Маҳаллий халқ (аввало, ҳиндулар) сони бир фоизга яқин, холос.

Иқтисодий адабиётларда Европа мамлакатлари иқтисодий тараққиёт моделлари қуйидаги гуруҳларга ажратилади:

- немис иқтисодий тараққиёт модели;
- британча тараққиёт модели;
- французча тараққиёт модели;
- иқтисодий тараққиётнинг «шведча модели».

Немис иқтисодий тараққиёт моделининг ўзига хослиги шундаки, унда асосий эътибор ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига, ижтимоий- ҳуқуқий давлат қурилишига қаратилган. Немис «иқтисодий мўъжизаси» иқтисодиётга давлат аралашуви ва эркин бозор тамойилларидан мақсадга мувофиқ фойдаланишга асосланади. Германияда иқтисодий ўсишни таъминлашнинг муҳим омиллари жумласига «Маршалл режаси»га мувофиқ кенг миқёсли ёрдамдан фойдаланиш, «инсон капитали» сифатининг юқорилиги, жаҳон хўжалик алоқаларида фаол иштирок этиш, мўътадил ички иқтисодий сиёсатни киритиш мумкин. Ушбу омиллар таъсирида узоқ вақт давомида нарх барқарорлиги сақланиб турган ҳолда, мамлакатда ялпи ички маҳсулотнинг йиллик ўртача қўшимча ўсиш суръати 8,5 фоизгача етди[11]. Айнан шу даврда «немисча сифат», «немисча меҳнаткашлик», «немисча масъулият» каби тушунчалар пайдо бўлди.

Британча тараққиёт моделида иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш устувор ўринга эга. Давлат капитал қўйилмаларни молиялаштиришда, янги тармоқларни рағбатлантиришда, илмий йўналишни ривожлантиришда, ижтимоий сиёсатни амалга оширишда муҳим роль ўйнайди. Давлат кўплаб кичик корхоналарнинг йирик компаниялар билан ўзаро шартнома имзолашида воситачи ролини бажаради. Кичик корхоналар эса бундай шартномалар орқали барқарор бозорга, таъминот ва молиялаштириш манбасига эга бўладилар, янги технологиялар ва илмий-техника тараққиёти натижаларидан фойдаланиш имкониятини қўлга киритадилар.

Французча тараққиёт модели «дирижизм» тамо- йилларига асосланади. Гарчи «неолиберал инқилоб» натижасида давлатнинг тадбиркорлик фаолияти бирмунча қисқарган бўлса-да, Франиияда давлат тадбиркорлиги АҚШ даражасидан 3 баробар

юқоридир. Давлатнинг тартибга солиш фаолияти ҳам сезиларли даражада сақланиб қолган. Бугунги кунда Франция хукумати умуммиллий тузилмавий дастур, янги тармоқларни рағбатлантириш, илмий тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш, фаол ижтимоий сиёсат юритиш орқали иқтисодий тараққиётга таъсир ўтказмоқда. Иқтисодиётни тартибга солишда давлат бюджети асосий ўринда туради. Франция миллий даромадининг 54 фоизи давлат бюджети орқали қайта тақсимланади.

Иқтисодий тараққиётнинг «шведча модели»да ижтимоий тенглик ва адолатни таъминлаш устувордир. «Шведча» моделнинг иқтисодий асослари қуйи- дагилардан иборат:

- аралаш иқтисодиёт (бозор механизми ва давлат томонидан фаол тартибга солиш усулидан биргаликда фойдаланиш);
- ишлаб чиқариш соҳасида хусусий мулкчилик комбинацияси ва «истеъмолнинг жамоалашуви»;
- ижтимоий хизматларда давлат-коммунал секто- рининг йириклиги;
- чекланган микроиқтисодий сиёсатнинг бандлик ва инвестицияларнинг юқори даражасини сақлаб туриш бўйича селектив чора-тадбирлар билан уйғунлашуви.

Миллий иқтисодий тараққиёт моделларининг Европа моделлари (Германия, Швейцария, Нидерландия, Швеция) кўп ҳолларда Германиядаги машҳур дарё номи билан- «Рейн модели» деб ҳам аталади Бу модель акционер корхоналар мулклари таркибининг барқарорлиги билан тавсифланади. Бу моделда иқтисодий фаолият «фалсафаси»катта роль ўйнайди. Унга кўра корхонага умумий манфаатларга эга жамоа деб қаралади.

Шуни таъкидлаш лозимки, сўнгги йилларда Европа мамлакатларининг турли миллий моделларида умумевропа моделига яқинлашув холати кузатилади. Бу энг аввало қуйидаги йўналишларда амалга оширилди:

- ягона ички бозорни барпо этиш;
- иқтисодий ва валюта иттифоқини шакллантириш;
- молия сиёсатини мувофиқлаштириш;
- ижтимоий моделларнинг яқинлашуви;
- тадбиркорлик фаолияти ва рақобат муҳитини шакллантиришнинг ягона шарт-шароитларини таъ- минлаш;
- федератив тузилмани такомиллаштириш;
- иқтисодиётни тартибга солишнинг ягона қоидалари ва механизмларини қабул қилиш.

Японияда ҳам, Осиёнинг янги индустриал давлатларида ҳам эркин тадбиркорлик фаолияти давлат бошқаруви (марказлашган режалаштириш) билан қўшиб олиб борилади. Асосий нархлар фискал усуллар билан, яъни давлат даромадларини назарда тутиб бошқарилиши мумкин. Албатта, ҳозирги иқтисодиётда муайян турдаги бозор ўз холича ва соф кўринишда учрамайди. Ҳозир мамлакатлар, халқлар тажрибаси анча умумлашиб кетди. Осиёдаги янги индустриал давлатлар, улардан олдин эса Япония иқтисодийислоҳот ва хўжаликни таркибий қайта қуриш давомида жаҳон тажрибасидан кенг фойдаланганлиги маълум.

Японияда собиқ социалистик мамлакатлардаги каби миллатнинг энг истеъдодли, энг қобилиятли қисми, тадбиркор, омилкор кишилар йўқ қилиб юборилмаган эди. Асосий масала - ислоҳотни нимадан бошлашда эди. Бу масала аввало тўғри белгилаб олинди ва кейин ечилди: иқтисодий жонлантиришнинг устун томонлари аниқ белгиланди, аввало озик-овқат, кўмир, руда, энг хаётий зарур буюмларни ишлаб

чиқариш ривожлантирилди.

Иқтисодий тараққиётнинг «японча» модели ўзининг бир қатор хусусиятлари билан ажралиб туради. Улардан бири японча хаёт тарзи анъаналарини хурмат қилиш асосида барча даражада ва барча ижтимоий соҳаларда муносабатларни мувофикдаштиришни кўзда тутувчи жамиятни ижтимоий ташкил этишдан иборатдир. Японияда ғоявий қадриятлар асосида американча стандартлардан кескин фарқ қилувчи меҳнатга рағбатнинг ўзига хос шакли ву- жудга келган. Иқтисодий тараққиётнинг айнан «японча» моделида жамият хаётида ижтимоий-маданий ва диний омилнинг аҳамияти яққол ўз ифодасини топган.

Япон халқи ва маданиятида ижтимоий онг, жамоа руҳи муҳим ўрин тутади. Бу қадимий ва бой тарих самарасидир. Япон миллий анъаналарига кўра ҳар қандай ижтимоий гуруҳ манфаати алоҳида шахс манфаатидан устун. Жамият хаётида бирламчи гурух - оила асосий роль ўйнайди, кейинги ўринда эса жамоа туради. Замонавий корхона, корпорация ҳам, давлат ҳам йирик оила ҳисобланади.

Ҳар бир япониялик гуруҳ номидан фикрлаши ва ўзини гуруҳ аъзоси деб ҳисоблаши фақат япон маданияти ва анъаналари билан ботиқ эмас, албатта. Бунда япон жамиятининг ижтимоий таркиби ҳам муҳим аҳамиягга эга. Мутахассислар фикрича, Япония ижтимоий баркамоллик жамияти ҳисобланади. Гарчи реал вазият ушбу таърифга тўла мос тушмаса-да, Япониянинг бошқа ривожланган мамлакатлардан фарқли жиҳатлари кўп. Чунончи, аҳоли жон бошига тўғри келадиган ўртача даромадлар микдори ғоят юқори бўлишига қарамасдан, Японияда бойлар ва камбағаллар ўртасида унчалик катта тафовут йўқ. Ҳусусан, аҳолининг энг бой ва энг қашшоқ 20 фоизи даромадлари ўртасидаги нисбат Японида 2,9 баробарни ташкил этади. Бошқарувнинг «японча» усули ривожланишнинг стратегик муаммоларига алоҳида эътибор қаратади. Давлат корхоналарнинг ижтимоий самарадорлигини оширишга ҳаракат қилади. Бунда у фақат пул рентабеллиги билан ўлчанадиган тор доирадан юқорироқ фикрлашни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди.[6]

Хитой ва Вьетнам иқтисодий ислоҳотни устун даражада қишлоқ хўжалигидан, озиқ-овқат бозорини тўлдиришдан бошлади ва яхши натижаларга эришди.

Хитойда амалга оширилган иқтисодий ислоҳотлар натижасида бозор механизми ва иқтисодиётнинг нодавлат сектори ўз мавқеини сезиларли даражада кучайтирди. Аммо давлат томонидан тартибга солиш, меҳнат бўйича тақсимлаш ва ижтимоий кафолатлар мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг устувор йўналиши ҳисобланади. Ушбу моделни социалистик модель устувор мавқега эга бўлган аралаш иқтисодиёт деб ҳам аташ мумкин. Шу ўринда Хитой моделининг асосчиларидан бири Дэн Сяопиннинг қуйидаги сўзларини келтириш ўринли: «Режа» ёки «бозор» - бу капитализм ва социализмнинг туб фарқи эмас. Режали иқтисодиёт социализм деган маънони англатмайди, капитализмда ҳам режа мавжуд. Айни вақтда бозор иқтисодиёти капитализм эмас, зеро, социализмда ҳам бозор мавжуд. Режа ва бозор - иқтисодий усуллардир»[7].

Иқтисодий тараққиёт моделларининг хилма-хиллиги ривожланаётган мамлакатларга ҳам хос. Бу моделларни ривожланиш стратегиясидан келиб чиқиб шартли равишда икки гуруҳга ажратиш мумкин: экспортга йўналтирилган ва импортнинг ўрнини босишга қаратилган стратегияни танлаган мамлакатлар. Биринчи гуруҳга Жануби-Шарқий Осиёнинг «янги индустриал мамлакатлари»ни, иккинчи

[6]Нурислом Тўхлиев Тараққиётнинг ўзбек модели. –Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”. 2012. 43-51-бетлар.

[7] Лю Гогуан. Функционирование ва развитие китайской экономики, Гуанчжоу, 2001. - С.39

гуруҳга Лотин Америкаси мамлакатларининг ривожланиш моделини киритиш мумкин.

## Такрорлаш учун саволлар ва топшириқлар

1. Нима учун бозор иқтисодиёти жаҳон цивилизацияси тараққиёти йўлидаги муқаррар босқич деб ҳисобланади?
2. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг ҳозирги замон моделлардан қайсиларини биласиз?
3. Бозор иқтисодиётига ўтиш ҳозирги замон моделларининг бир-бирларидан фарқланувчи жиҳатларини кўрсатиб беринг.
4. Нима учун бозор муносабатларига ўтиш моделлари турлича бўлади?
5. Бозор муносабатларига ўтиш моделларининг шаклланишига қандай омиллар таъсир кўрсатади?
6. Янги индустриал мамлакатлар билан ривожланаётган мамлакатлар моделлари нимаси билан фарқ қилади?
7. Мамлакатларнинг иқтисодий тараққий этиши концепцияларининг шаклланиши қандай омилларга боғлиқ?
8. Ривожланаётган мамлакатлар иқтисодий тараққий этишининг турли концепцияларини изоҳлаб беринг.

# 9-МАВЗУ. ТАРАҚҚИЁТНИНГ “ЎЗБЕК МОДЕЛИ” ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

1.Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш концепцияси ва стратегияси.
2.Бозор ислоҳотлари ва уларнинг асосий йўналишлари. Ислоҳотлар босқичлари ва вазифалари.
3.Ўзбекистонда бозор иқтисодиёти инфратузилмасининг яратилиши, аҳолининг табақалашуви ва кучли ижтимоий сиёсат.

**Асосий таянч тушунчалар:** Иқтисодий ислоҳотлар, иқтисодий уклад, иқтисодиётни эркинлаштириш, ислоҳотлар концепцияси, иқтисодиётни барқарорлаштириш, “Ўзбек модели”, бозор иқтисодиётига ўтишнинг беш тамойили, стратегия, концепция, нархлар ислоҳоти, кўп укладли иқтисодиёт, ташқи иқтисодий алоқалар, бозор инфратузилмаси.

## 9.1. Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш концепцияси ва стратегияси

Маъмурий-буйруқбозликка асосланган иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтиш мақсади бир хил бўлсада, ўтиш йўллари турлича бўлиши мумкин. Олдинги боблардан маълумки, бир тизимдан иккинчи тизимга ўтишда икки йўл, яъни революцион ва эволюцион йўллар мавжуд. Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишнинг эволюцион, босқичма-босқич амалга оширилувчи йўлини танлади. Бу йўл мамлакатимизнинг ўзига хос маданий, тарихий, иқтисодий ва табиий хусусиятларини ҳамда бу йўлдаги жаҳон тажрибасини ҳисобга олган ҳолда революцион тўнтаришларсиз, ижтимоий тўқнашувларсиз, ижтимоий ҳимояни кучайтирган ҳолда аста-секинлик, лекин қатъиятлилик билан босқичма-босқич ривожланган бозор иқтисодиётига ўтишдан иборатдир.

“Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли” китобида мамлакатимиз раҳбари жамиятнинг сифат жиҳатидан янги ҳолатига ўтишнинг ўз концепциясини таърифлаб берди.

Ушбу концепция ўтишнинг беш асосий тамойилини ўз ичига олади. Уларнинг моҳияти қуйидагилардан иборат.

Биринчидан, иқтисодиёт сиёсатдан устун бўлиши керак, ҳам ички, ҳам ташқи иқтисодий муносабатларни мафкурадан холи этишни таъминлаш зарур.

Иккинчидан, давлат асосий ислоҳотчи бўлиши керак, у энг муҳим соҳаларни белгилаб бериши, ислоҳотлар сиёсатини ишлаб чиқиши ва уни изчил амалга ошириши, жаҳолатпарастлар ва консерваторларнинг қаршилигини енгиши лозим.

Учинчи қоида - қонуннинг устунлиги. Бунинг маъноси шуки, демократик йўл билан қабул этилган янги конституция ва қонунларни истисносиз ҳамма фуқаролар ҳурмат қилишга ва уларга риоя этишга мажбурдирлар.

Тўртинчидан, аҳолининг демографик таркибини ҳисобга олган ҳолда кучли ижтимоий сиёсатни ўтказиш. Бозор муносабатларини жорий этиш билан бир вақтда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш юзасидан олдиндан таъсирчан чоралар кўрилиши лозим. Бу бозор иқтисодиёти йўлидаги энг долзарб вазифа бўлиб келди ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

Бешинчидан, бозор иқтисодиётига ўтиш иқтисодиётнинг объектив қонунларини эътиборга олиб, ўтмишдаги “инқилобий сакрашлар”га йўл қўймай, яъни эволюцион йўл билан, пухта ўйлаб ва босқичма-босқич амалга оширилиши керак[1].

Бу тамойиллар ўз истиқлол, ривожланиш ва тараққиёт йўлимизга асос қилиб олинган бўлиб, ўтиш даври дастурининг негизини ташкил этади. Ҳозир бу қоидаларнинг амалга оширилиши Ўзбекистон Республикасида бозор муносабатларини жорий этиш йўлидан изчил ҳаракат қилишни таъминлайди.

Бундан ташқари, бозор муносабатларига ўтиш фақатгина иқтисодиёт соҳаларини ўзгартириш билан чекланмайди. У ижтимоий ҳаётнинг бир-бирлари билан узвий боғлиқ бўлган барча соҳаларини, шу жумладан сиёсий, маънавий-ахлоқий, маиший ва бошқа соҳаларни ҳам тубдан ўзгартиришни тақозо қилади. Буларнинг ҳаммаси бозор иқтисодиётига босқичма-босқич, эволюцион йўл билан ўтиш ҳақидаги ғоя жуда муҳим ва афзал эканлигини кўрсатади.

Ўзбекистонда иқтисодиётни бозор муносабатларига ўтказишда икки босқичли тараққиёт юзага келади. Биринчи босқичда давлат сектори ва бозор хўжалигидан иборат ярим эркинлашган иқтисодий тизим юзага келади. Иккинчи босқичда иқтисодиёт тўлиқ эркинлаштирилади, хусусийлаштириш тугалланади, нархлар эркин қўйиб юборилади, давлат корхоналарининг монопол мавқеи тугатилади. Лекин бундан Республикада иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш мақсадига тўлиқ эришилди ва бу соҳада қўйилган вазифалар тўлиқ бажарилди деган хулоса келиб чиқмайди. Чунки бозор иқтисодиётига асосланган эркин демократик давлат барпо этиш, фуқаролик жамиятининг мустаҳкам пойдеворини шакллантириш ҳар бир даврда кун тартибига янги вазифаларни қўяди.

Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини қўлга киритганлиги ва у халқаро миқёсда тан олинганлиги шуни билдирадики, бундан буён республика мустақил ички ва ташқи сиёсатини олиб боради, ҳеч кимнинг воситачилигисиз ўзаро манфаатли муносабатларни ўрнатади.

Юқорида қайд этиб ўтилганидек, бутун ислоҳ қилиш жараёнининг бошланғич нуқтаси стратегияни танлаб олишдан иборатдир. Ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларнинг пировард мақсадини белгилаб олиш ҳозирги ислоҳ қилиш стратегиясининг бошланғич нуқтаси бўлиб хизмат қилади.

Стратегия ва унинг пировард мақсадини белгилар экан, Президент: “Бунда биз марказлаштирилган, маъмурий-буйруқбозликка асосланган иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтиш – эски хўжалик юритиш механизмини шунчаки янгилаш ёки такомиллаштириш эмас, балки бир сифат ҳолатидан иккинчи сифат ҳолатига ўтиш эканлигини қайта-қайта таъкидладик. Бу бир иқтисодий муносабатлар ва ташкилий-бошқарув тузилмаларининг бошқа иқтисодий муносабатлар ва ташкилий-бошқарув тузилмалари билан алмашинувидир”[2], - деб эслатиб ўтди. Айни вақтда, у: “Биз танлаб олган йўл ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришга қаратилгандир. Бу йўл жаҳон тажрибасини, шунингдек, халқимизнинг турмуш шароитини, анъаналарини, урф-одатларини, турмуш тарзини ҳар томонлама ҳисобга олишга асослангандир”, - деб таъкидлайди.

Шундай қилиб, Республикада иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш иқтисодиётда янги бозор муносабатларига асос солади, иқтисодий фаолият эркинлиги

---

[1]Каримов И.А. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Т.1. – Т.: Ўзбекистон, 1996, 286-287-б.
[2]Ўша ерда.

ва тадбиркорликни намоён этиш учун шароит яратиб беради, ижтимоий-маънавий соҳадаги ижтимоий кафолатларни мустаҳкамлайди.

## 9.2. Бозор ислоҳотлари ва уларнинг асосий йўналишлари. Ислоҳотлар босқичлари ва вазифалари

Иқтисодий муносабатлар ва ташкилий - бошқарув тузилмаларининг бир туридан бутунлай бошқа янги турига ўтиш, иқтисодий ислоҳотлар стратегиясини ишлаб чиқиш ва унинг асосий йўналишларини аниқлаб олишни тақозо қилади. Иқтисодий ислоҳотлар – бу бозор муносабатларини шакллантиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуидир.

Иқтисодий ислоҳотлардан кўзда тутилган мақсад мамлакат аҳолиси учун яшаш ва фаолият қилишнинг энг яхши шароитларини яратиш, уларнинг маънавий-ахлоқий етуклигига эришиш, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлашдан иборат.

Ислоҳотларни амалга оширишдан олдин бозор иқтисодиётига ўтишнинг назарий модели яратилди.

Бу моделда янги иқтисодиётга ўтишнинг умумий томонлари ва миллий хусусиятлари назарда тутилади, ислоҳотларнинг асосий йўналишлари белгиланади.

Республикада иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- мулкий муносабатларни ислоҳ қилиш;
- аграр ислоҳотлар;
- молия-кредит ва нарх-наво ислоҳоти;
- бошқариш тизимини ислоҳ қилиш ва бозор инфратузилмасини яратиш;
- ташқи иқтисодий алоқалар ислоҳоти;
- ижтимоий ислоҳотлар.

Иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг бу асосий йўналишлари Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» китобида баён қилиб берилган.

Иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг бошланғич нуқтаси бозор иқтисодиётининг ҳуқуқий негизини яратишдан иборат бўлади.

Иқтисодий ислоҳотларнинг бош бўғини мулкчилик муносабатларини тубдан ўзгартиришдир, чунки шу орқали кўп укладли иқтисодиёт ва рақобатлашиш муҳити шакллантирилади ҳамда бозор иқтисодиётига ўтишнинг шарт-шароитлари вужудга келтирилади. Шу сабабли Республикада мулкий муносабатларни ислоҳ қилишдан кўзда тутилган мақсад давлат мулки монополизмини тугатиш ва бу мулкни хусусийлаштириш ҳисобига кўп укладли иқтисодиётни реал шакллантиришдан иборат.

Республикада иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг дастлабки босқичидаёқ қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишга устунлик берилди. Бунга қуйидагилар сабаб бўлди. Биринчидан, Республикамиз иқтисодиётида аграр соҳа устунликка эга, аҳолининг кўпчилиги қишлоқ хўжалигида банд, иқтисодий ўсиш кўп жиҳатдан шу тармоқ аҳволига боғлиқ. Иккинчидан, Республика бутун саноат потенциалининг ярмига яқинини ташкил қиладиган саноатнинг кўпгина тармоқларини (пахта тозалаш, тўқимачилик, енгил, озиқ-овқат, кимё саноати, қишлоқ хўжалик машинасозлиги ва бошқалар) ривожлантириш истиқболлари бевосита қишлоқ хўжалигига боғлиқ.

Учинчидан, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари (асосан пахта) ҳозирги вақтда валюта ресурслари, республика учун зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармонлар, техника ва технология ускуналарини четдан сотиб олишни таъминлаётган асосий манбадир.

Тўртинчидан, мустақиллик шароитида қишлоқ хўжалигининг озиқ-овқат муаммосини ҳал этишдаги роли ортиб боради.

Мавжуд иқтисодий тизимнинг изчиллик билан бозор муносабатларига ўсиб ўтишида молия-кредит соҳасини ислоҳ қилиш алоҳида ўрин тутади. Молиявий муносабатларда давлат бюджети танқислигини камайтириб бориш, бюджетдан бериладиган дотациялар ва субсидияларни босқичма-босқич қисқартириш, биринчи даражали, энг зарур умумдавлат эҳтиёжлари учунгина бюджетдан маблағ ажратиш, халқ хўжалигини ривожлантиришда инвестиция кредитларидан кенг фойдаланиш ислоҳотларнинг асосий йўналишлари ҳисобланади.

Кредит соҳасидаги ислоҳотлар банк тизимини такомиллаштириш, банкларнинг мустақиллигини ва пул муомаласи учун жавобгарлигини оширишга қаратилади. Шу мақсадда Республикада Марказий банк ҳамда кенг тармоқли тижорат ва хусусий банклардан иборат икки босқичли банк тизими вужудга келтирилди. Марказий банк зиммасига федерал резерв тизимига хос бўлган вазифалар юклатилди. Ихтисослашган акциядорлик – тижорат банклари «Ғалла банк», «Тадбиркор банк», «Савдогар банк», «Пахта банк» ва бошқа банклар) шакллантирилди.

Иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш бошқаришнинг тегишли тизимини яратишни талаб қилади. Шунга асосан республикада бутун халқ хўжалигини, тармоқлар ва ҳудудларни бошқаришнинг энг мақбул ва ҳозирги даврга мос бўлган тузилмалари ишлаб чиқилди.

Кўплаб марказий иқтисодий органлар ва вазирликлар тугатилди (Давлат режа қўмитаси, Давлат таъминот қўмитаси, Давлат нархлар қўмитаси, Давлат агросаноат қўмитаси ва бошқа қўмита ҳамда вазирликлар) ёки уларнинг фаолияти тубдан қайта қурилди. Фаолияти тугатилган маъмурий аппаратлар ўрнига бозор иқтисодиётига хос янги бошқариш бўғинлари тузилди.

Кўп укладли иқтисодиётни шакллантириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастурларини ишлаб чиқиш каби вазифаларни бажариш учун Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси тузилди.

Ташқи иқтисодий алоқаларни бошқариш ва шу соҳа корхоналари фаолиятини мувофиқлаштириб туриш учун Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги тузилди.

Республика иқтисодиётининг тармоқлари ва айрим соҳаларини бошқариш тизимида ҳам чуқур таркибий ўзгаришлар рўй берди. Тармоқ вазирликлари уюшмаларга, концернларга, корпорациялар, уюшмалар ва бошқа хўжалик бирлашмаларига айлантириш билан батамом тугатилди. Транспорт, туризм, маданият,кинолаштириш каби фаолият соҳаларида миллий компаниялар тузилди.

Бошқаришнинг маҳаллий даражасида (вилоят, туман, шаҳар) ижроия – бошқарув вазифаларини бажариш учун ҳокимлик жорий қилинди. Қуйи бўғин бошқарувида корхона ва ташкилотларга иқтисодий эркинлик берилиб, улар янгича иш услубига ўтди.

Ислоҳ қилиш натижасида таркиб топган бошқарув тизими бозор иқтисодиётига ўтиб бориш билан янада такомиллашиб ва ривожланиб боради.

Бозор ислоҳотлари бозор инфратузилмасини яратиш чора-тадбирларини ҳам қамраб олади. Бунда молия, банк-кредит тизими муассасалари, суғурта, аудиторлик,

юридик ва консалтинг фирмалари ҳамда компанияларини, биржа тизимини яратиш тақозо қилинади.

Бозор ислоҳотлари ташқи иқтисодий алоқаларга ҳам тегишлидир. Бу соҳада ислоҳотларни амалга ошириш борасида республиканинг замонавий ташқи иқтисодий комплекси мутлақо янгидан шакллантирилди, ташқи иқтисодий фаолиятни бошқаришнинг моҳият эътибори билан янги механизми вужудга келтирилди.

### 9.3. Ўзбекистонда бозор иқтисодиёти инфратузилмасининг яратилиши

**Бозор инфратузилмаси** - бу бозор алоқаларини ўрнатиш ва уларнинг бир маромда амал қилишга хизмат кўрсатувчи муассасалар тизимидир. Унга омбор хўжалиги, транспорт, алоқа хизматлари кўрсатувчи корхоналар, товар ва хизматлар муомаласига хизмат қилувчи муассасалар (биржалар, аукционлар, савдо уйлари, савдо-сотиқ идоралари ва агентликлари кабилар), молия-кредит муносабатларига хизмат қилувчи муассасалар (банк туридаги муассасалар, кредитлаш идоралари, суғурта ва молия компаниялари, солиқ идоралари) ва ижтимоий соҳага хизмат кўрсатувчи муассасалар (уй-жой ва коммунал хизмат идоралари, аҳолини ишга жойлаштириш фирмалари) киради. Ахборот хизмати идоралари ҳам бозор инфратузилмасининг алоҳида бўғинини ташкил қилиб, уларга маълумотларни тўплаш, умумлаштириш ва сотиш билан шуғулланувчи компания ва фирмалар киради.

Бозор инфратузилмасининг бу барча унсурлари ишлаб чиқарувчиларнинг савдо-сотиқ, молия-кредит ишларига, шерик топишига, иш кучини ёллашига кўмаклашади, давлатнинг иқтисодиётни тартибга солувчи тадбирларини амалга оширади, ишлаб чиқарувчилар ўртасида алоқа ўрнатишга ёрдам беради. Уларнинг бир қисми давлат мулкчилигида жойлашса, бошқалари мустақил муассаса ва уюшмалардан иборат бўлиб, кўрсатган хизматлари учун ҳақ олади.

### Такрорлаш учун савол ва топшириқлар

1. Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига ўтиш йўли қандай хусусиятларга эга?
2. Республика иқтисодиётини ислоҳ қилишга қандай тамойиллар асос қилиб олинади?
3. Бозор муносабатларини босқичма-босқич қарор топтириш тамойилининг мазмунини батафсил тушунтиринг.
4. Бозор муносабатларига ўтиш ҳар бир босқичининг мақсад ва вазифаларини тўлароқ баён қилинг.
5. Республикада иқтисодиётни ислоҳ қилиш қандай йўналишлар бўйича амалга оширилади?
6. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ҳар бир йўналиши бўйича ўзингизнинг фикр-мулоҳазаларингизни билдиринг.
7. Ўзбекистонда бозор иқтисодиётини қарор топтиришнинг қандай давлат дастурларини биласиз?
8. Турли йўналишдаги давлат дастурларининг ўзаро бир-бирлари билан қандай боғланганлигини таҳлил қилинг.
9. Республикамизда иқтисодиётни эркинлаштириш ўз олдига қандай вазифаларни қўяди?

## 10-МАВЗУ.ТАРКИБИЙ ЎЗГАРИШЛАР ВА ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШНИНГ БОҒЛИҚЛИГИ

1.Таркибий ўзгаришлар моҳияти, манбалари, зарурлиги ва шарт-шароитлари.
2.Иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларидаги таркибий ўзгаришлар**.**
3.Иқтисодиётнинг асосий секторлари: реал, бюджет ва пул секторларидаги ўзгаришлар.

**Асосий таянч тушунчалар:** Фан техника тараққиёти, миллий иқтисодиёт таркибий тузилиши, импортга қарамлик, экспорт салоҳияти, жамғариш нормаси, ишлаб чиқариш таркиби, истеъмол таркиби, ижтимоий эҳтиёжлар, таркибий ўзгаришлар.

### 10.1. Таркибий ўзгаришлар моҳияти, зарурлиги ва шарт-шароитлари

**Миллий иқтисодиёт таркибий тузилишини ўзгартириш** – моддий, меҳнат ва молиявий ресурсларни иқтисодиётнинг турли соҳалари ўртасида қайта тақсимлашдир. Уларни самарали ва мақсадли ўзгартириш давлатнинг фаол аралашувини талаб қилади.

Иқтисодиёт таркиби бевосита давлат макроиқтисодий сиёсатининг таъсири остида бўлади. Давлатнинг таркибий сиёсати бир томондан, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларнинг стратегияси ва тактикалари ишлаб чиқилишини, иккинчи томондан, таркибий ўзгаришлар амалга оширилишининг самарали чора-тадбирлари ва механизмини аниқлаш ва мазкур механизмлар такомиллашуви устидан назорат қилишни тақозо этади.

Таркибий сиёсат - бу ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва аҳолининг ўсиб, ўзгариб бораётган эҳтиёжларини қондириш мақсадида ижтимоий ишлаб чиқариш ривожланишини асослаш ва устувор йўналишларини таъминлаш, фан-техника тараққиёти ютуқларини ишлаб чиқаришга қўллаш борасидаги чора-тадбирлар мажмуидир.

Иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш мақсадлари қуйидагиларда ифодаланади:

- иқтисодиётнинг хом ашёвий бир томонлама ривожланишига чек қўйиш;
- тайёр, тугалланган маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтиш;
- импортга қарамликни чеклаш;
- экспорт салоҳиятини ошириш;
- истиқболли соҳаларга устуворлик бериш, барқарор ўсиш;
- ишчи кучи ресурсларининг оқилона фойдаланилишини таъминлаш;
- миллий бозорни ички ишлаб чиқариш ҳисобига тўлдириш ва аҳоли талабларини тўларoқ қондириш.

Иқтисодиёт ривожланишининг бошланғич даврларида капитал қўйилмалар тез ва юқори самара берувчи йўналишларга сарфланиши, хусусан, асосий ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялашга, иқтисодиётнинг асосий ва зарур тармоқларини вужудга келтиришга йўналтирилиши керак. Мустақил давлат иқтисодиёти шаклланa борган сари, мазкур йўналишларга сарфланадиган инвестициялар миқдори ўз-ўзидан камая боради.

Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтиш даврида 2020 йилларга мўлжалланган иқтисодиёт таркибини ўзгартириш концепцияси амалга оширилмоқда. 2010-2020

йилларда иқтисодий салоҳиятда давлат томонидан кўзда тутилган таркибий ўзгаришлар жумласига қуйидагилар киради:

- қишлоқ хўжалигини янги техника билан таъминлаш, қишлоқ хўжалиги ва унга боғлиқ бўлган соҳаларнинг иқтисодий муносабатларини такомиллаштириш;
- иқтисодиётнинг юқори самарали, экспортга йўналтирилган тузилмасини шакллантириш;
- иқтисодиётнинг таянч тармоқларини техника билан қайта жиҳозлаш ва янада ривожлантириш;
- енгил ва қайта ишлаш саноат корхоналарини техника билан жиҳозлаш ва замонавийлаштириш;
- юқори технология ва илм талаб ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш.

Ўзбекистон Республикасида давлатнинг амалга ошираётган оқилона иқтисодий сиёсати натижасида ўтиш даврида кўпгина МДҲ мамлакатларига хос бўлган иқтисодий инқироз ва беқарорлик ва чуқур таркибий инқироз маълум даражада енгил ўтди, ҳамда 2008 йилда бошланган ва бугунги кунда кўлами тобора кегайиб ва чуқурлашиб бораётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳам шундай бўлади дейишга тўлиқ асос бор.

Хуллас, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни амалга оширишда давлат асосан икки муаммони ҳал этишга эътибор бериши лозим. Биринчидан, мустақил давлатчиликни шакллантирган ҳолда бозор иқтисодиёти талабларига жавоб бераоладиган иқтисодиётни таркибий тузилишини, уни ривожланишига таъсир этувчи бозор инфратузилмасини вужудга келтириш, иккинчидан, инсоннинг яшаши ва меҳнат қилиши учун қулай шарт-шароитларни яратишдан иборат.

Ўтиш давридаги таркибий ўзгаришлар бозор иқтисодиётининг ижтимоий йўналтирилганлигига, ўсиб ва ўзгариб бораётган инсон эҳтиёжларини қондиришга, яъни таркибий ўзгаришлар мақсад кўринишида эмас, балки баркамол инсон концепциясини амалга ошириш воситаси сифатида намоён бўлади.

## 10.2. Миллий иқтисодиёт таркибининг самарали шаклланишига таъсир кўрсатувчи омиллар

Мамлакатлар иқтисодий тараққиётининг барча босқичларида ишлаб чиқариш таркибига янги талаблар қўйилади. Мазкур талаблар ташқи ва ички омиллар таъсирида шаклланади. Иқтисодиёт таркибига: жамғариш нормаси, техника тараққиёти, истеъмол таркиби, ишчи кучи ресурслари, табиий ресурслар, рақобат, талаб ва таклиф, фойда, нарх кабилар фаол таъсир этади.

Миллий иқтисодиёт таркибини қайта қуриш шаклланишига таъсир этувчи омиллардан бири ҳисобланган рақобат ижтимоий ишлаб чиқариш нисбатларини мослаштирувчи асосий бозор механизмидир. Рақобат иқтисодий субъектларни меҳнат унумдорлигини оширишга, ишлаб чиқаришни кенгайтиришга, жамғариш ҳажмини оширишга, ФТТ суръатларини жадаллаштиришга ва иқтисодиётда таркибий қайта қуришларни амалга оширишга ундайди. Тармоқлараро рақобат таъсири остида капитал ва ишчи кучи энг юқори фойда нормасига эга тармоқларга интилади ва оқиб ўтади. Капиталнинг шу тарзда оқиб ўтиши натижасида ушбу тармоқларда товар ишлаб чиқариш ва таклиф этиш ортиб боради. Капитал чиқиб кетган фойда нормаси паст бўлган тармоқларда эса ишлаб чиқариш ҳажми ва товар таклифи қисқариб боради.

Миллий иқтисодиёт таркибига таъсир кўрсатувчи муҳим омиллардан бири – бу жамғаришдир. Жамғариш ФТТ ютуқларини ишлаб чиқаришга татбиқ этиш билан узвий боғлиқдир. Жамғариш ФТТ ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш жамғариш нормасини оширишга мажбур этади. Жамғариш нормасини ўсиши ижтимоий маҳсулот таркибида ишлаб чиқариш воситаларининг улушини ортишини талаб этади. Ушбу ҳолат жорий даврда истеъмол фонди ва ноишлаб чиқариш асосий фондлари ўсишини чегаралаб қўяди, чунки бунда миллий маҳсулот ва миллий даромаднинг ўсган қисми ишлаб чиқариш эҳтиёжларини қондиришга интилади. Иқтисодий инқироз даврида жамғариш нормаси асосан пасайиб боради.

Ишлаб чиқариш таркиби истеъмол таркиби билан узлуксиз боғлиқдир. Уларнинг ўзаро алоқаси динамик характерга эга. Техника тараққиёти ишлаб чиқариш ва истеъмол таркибига бевосита таъсир кўрсатади. Ижтимоий эҳтиёжлар қанчалик тўлиқроқ қондирилса, ишлаб чиқариш таркиби шунчалик мукаммал бўлади. Ижтимоий эҳтиёжлар аҳолининг истеъмол буюмларига бўлган эҳтиёжлари, ишлаб чиқариш, ҳарбий, бошқарув эҳтиёжлари ва бошқалар орқали аниқланади. Ишлаб чиқариш кучларини ривожланиб бориши ва уларнинг техник имкониятларини ортиб бориши билан у ёки бу ижтимоий эҳтиёж бир вақтнинг ўзида битта эмас бир нечта маҳсулот ишлаб чиқариш орқали қондирилиши мумкин. Истеъмолчига маҳсулотни танлаш имконияти берилиб, унда биринчидан, ушбу эҳтиёжни қондиришга тўлароқ имконият берилади, иккинчидан, эҳтиёж бирлигини энг кам харажат сарфлаб маҳсулотни истеъмол қилишга имконият беради. Жамият томонидан у ёки бу маҳсулот турларини ижобий якуний баҳолаш уларни ижтимоий ишлаб чиқариш соҳасида сақлаб қолади. Ижтимоий баҳолаш натижасида истеъмол учун танлаб олинган турли маҳсулотларнинг умумий суммаси ўзаро алоқалар шаклида ишлаб чиқариш таркибини ташкил этади.

## 10.3. Ўтиш даврида Ўзбекистон миллий иқтисодиётини таркибий тузилишини такомиллаштиришнинг зарурлиги ва унинг хусусиятлари

Миллий иқтисодиётни таркибий жиҳатдан қайта қуриш зарурлиги энг аввало таркибий ўзгаришларни халқ хўжалигининг устувор тармоқларида амалга ошириш, уларнинг мақсад ва вазифаларини белгилаш ҳамда ўзаро мувофиқлаштиришни тақозо этади.

Ўзбекистонда иқтисодиёт тузилишидаги ўзгаришлар Президент ғояларига кўра, қуйидаги энг муҳим вазифаларни ҳал этиш билан боғлиқдир:

**Биринчидан,** бошқа мамлакатлардан хомашё ресурслари энг муҳим турларининг, бутловчи маҳсулотларнинг ва озиқ-овқат маҳсулотларининг олиб келинишини қисқартириб, ана шу маҳсулотлар ўрнини босадиган корхоналарни ривожлантириш асосида республиканинг иқтисодий мустақиллигига эришиш;

**Иккинчидан,** ўзимизда ишлаб чиқаришни ташкил этиш ҳисобига маҳсулотлар ва халқ истеъмол молларининг ҳаётий муҳим турларига бўлган аҳоли ва умумхалқ хўжалиги талабларини қондириш;

**Учинчидан,** иқтисодиётнинг мутаносиб ва барқарор ишлашини таъминлаш;

**Тўртинчидан,** иқтисодиётнинг хомашё етиштиришга қаратилган бир томонлама йўналишини бартараф этиш, ғоят бой маъдан - хомашё ресурслари ва қишлоқ хўжалик хом ашёсини чуқурроқ, мукаммалроқ қайта ишланишини ташкил этиш, ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг бутлик даражаси ва рақобатбардошлигини ошириш;

**Бешинчидан,** республиканинг экспорт имкониятини кенгайтириш, ташқи иқтисодий алоқаларда тўлов балансининг ижобий бўлишига эришиш; олтин-валюта захирасини мустаҳкамлаш;

**Олтинчидан**, меҳнат ресурсларининг оқилона бандлигини таъминлаш, меҳнат қилишнинг янги технологияларга, халқнинг тарихий анъаналари ва удумларига мос келадиган соҳаларини барпо этиш;

**Еттинчидан,** тармоқлар ичидаги ва ҳудудий жиҳатдан вужудга келган номутаносибликларни бартараф этиш, республика ҳудудида ишлаб чиқарувчи кучларни жадал ривожлантириш ва оқилона жойлаштириш[8].

Бунинг натижасида мустақиллик йилларида Ўзбекистон иқтисодиётида ижобий ўзгаришлар юз берди ва таркибий ўзгаришларни таъминлаш учун шарт-шароитлар вужудга келтирилди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда иқтисодиётнинг таркибий тузилишида чуқур ўзгартиришлар амалга оширилиши оқибатида республиканинг ёқилғи-энергетика ресурсларига бўлган эҳтиёжи ўзи ҳисобидан тўла таъминланди ҳамда ғалла импортига қарамлик барҳам топиб, ғалла мустақиллиги қарор топди.

Ноишлаб чиқариш соҳасидаги таркибий сиёсат қуйидаги йўналишларни ўз ичига олади:

- кадрлар тайёрлаш миллий дастури талабларини изчил амалга ошириш;
- маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш;
- соғлиқни сақлаш соҳасида амбулатория - поликлиника хизматларини кўпайтириш.

Миллий иқтисодиётдаги ижобий силжишлар оқибатида ноишлаб чиқариш соҳаларига сармоя қўйилмалари ҳам орта борди.

Иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни янада самаралироқ бўлиши учун қуйидаги шароитлар яратилиши лозим:

- давлатнинг таркибий ўзгаришлар борасидаги фаол инвестицион сиёсатини амалга ошириш;
- хусусий инвестицияларни рағбатлантириш ва улар учун муносиб қулай шароитлар яратиш;
- хусусий инвестициялар йўналишини савдо-воситачилик соҳаларидан ишлаб чиқаришни ривожлантиришга буриш;
- хорижий инвесторлар учун янада қулай инвестиция муҳитини яратиш;
- бозор муносабатларининг асоси бўлган кичик ва ўрта корхоналар ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш;
- зарар кўриб ишловчи корхона ва тармоқларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни аста-секин тўхтатиш, санация ва банкротлик сиёсатини қўллаш.

## Такрорлаш учун саволлар ва топшириқлар

1. Таркибий ўзгаришлар деганда нимани тушунасиз?
2. Миллий иқтисодиёт таркибий тузилишини айтиб беринг.
3. Импортга қарамлик нима?
4. Экспорт салоҳиятини қандай ошириш мумкин?
5. Ишлаб чиқариш таркибини қайси йўллар билан такомиллаштириш мумкин?

[8]Каримов И.А. “Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида”. -Т.: Ўзбекистон, 1995. 230-231-бетлар.

## 11-МАВЗУ. КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ ГАРОВИДИР

1.Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тушунчалари.
2.Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мезонлари.
3.Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакат иқтисодий ривожланишидаги ўрни.
4.Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмлари.

**Асосий таянч тушунчалар:** Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, бизнес, тадбиркорлик, микрофирма, кичик корхона, фирма, хусусий фирма, ширкат, масъулияти чекланмаган фирмалар, масъулияти чекланган фирмалар, очиқ жамиятлар, давлат фирмалари, аралаш фирмалар, ягона солиқ, солиқ ставкалари, кредит, микрокредит.

### 11.1. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тушунчалари

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг назарий ва амалий жиҳатлари иқтисодчи олимлар томонидан чуқур тадқиқ қилинган. Иқтисодчи-олимлар “бизнес” тушунчасини “иш”, “муносабат”, “машғулот” фойда олишга қаратилган бозор муносабатлари субъектларининг иқтисодий фаолияти деб талқин этадилар.

Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари, уларнинг фаолияти ҳақида гапирганда, ушбу субъектлар фаолият олиб бораётган муҳит – иқтисодий, ижтимоий ва қонуний тизим муҳим аҳамиятга эга. Яъни, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари учун маълум иқтисодий зона мамлакат мисолида олинадиган бўлса, шу мамлакатда ушбу фаолият билан шуғулланишнинг қонуний асослари қай даражада йўлга қўйилган ва у амалиётда қандай ишламоқда; мамлакатда кичик бизнес ва тадбиркорлик билан шуғулланиш учун иқтисодий имкониятлар мавжудми, ушбу фаолият турлари билан шуғулланишнинг ижтимоий жиҳатлари ўзида нималарни мужассам этади, деган саволлар туғилиши табиий. Шундай экан, юқоридаги факторларни ўз ичига олувчи Ўзбекистондаги кичик бизнес ва тадбиркорлик муҳитини ўрганиш ва унинг ўзига хос хусусиятларини очиб бериш ушбу соҳани янада чуқурроқ ўрганиш имкониятини яратади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги ўрни ва аҳамияти бу соҳа томонидан амалга оширадиган вазифалар орқали намоён бўлади. Бундай вазифаларнинг турли-туманлиги эса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг жаҳондаги барча мамлакатлар учун ҳам, ўзига хос хусусиятларга эга бўлган алоҳида бир мамлакат учун ҳам қандайдир даражада аҳамият касб этишидан дарак беради.

### 11.2. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мезонлари

Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини тартибга солишда асосий қонуний ҳужжат – 2000 йил 25 майда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги қонуни хизмат қилади. Ушбу Қонуннинг асосий вазифаси

фуқароларнинг тадбиркорлик фаолиятида эркин иштирок этиши ва манфаатдорлиги учун кафолатлар ҳамда шароитлар яратишдан, уларнинг ишчанлик фаоллигини оширишдан, шунингдек, тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат.

Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик субъектлари деб, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахсларга айтилади. Кичик тадбиркорлик субъектларига эса, якка тартибдаги тадбиркорлар, микрофирмалар, кичик корхоналар киради.

Ҳозирги тадбиркорлар авлоди янгидан шаклланган бўлса, уларнинг кейиги авлоди ўзини-ўзи қайтадан яратиш асосида юзага келади. Тадбиркорлар тоифасининг шаклланиб улгуриши ўтиш даврининг тугалланганлигини билдиради, чунки иқтисодиёт бозор қоидаларига амал қилувчи фаол кишилар қўлига ўтади.

Тадбиркорликнинг амалий шакллари қонун ҳужатлари асосида белгиланади ва аниқ кўринишга эга бўлади. Тадбиркорлик фаолияти фирма (корхона) доирасида ва идивидуал якка тарзда юритилади. Биринчи шаклда юридик шахслар, иккинчи шаклда жисмоний шахслар тадбиркорлиги юз беради. Тадбиркорлик асосан фирмаларда ва фермер хўжаликларида кечади. Фирма айрим корхона ва корхоналар бирлашмаси шаклига эга.

Кичик бизнеснинг потенциал имкониятлари уни ривожлантиришга жиддий эътибор беришга мажбур қилади. Мамлакатимизда кичик бизнес секторининг рағбатлантирилиши республика ижтимоий- иқтисодий тараққиётининг ҳал қилувчи стратегик омилларидан ҳисобланади.

Бир қатор ҳукумат қарорлари натижасида бошланган кичик корхоналарни яратишни рағбатлантириш жараёни кейинги йилларда иқтисодиётда улар аҳамиятининг ошишига олиб келди.

Ҳозирги кунга қадар, иқтисодиётнинг ушбу секторини ривожланишини белгилаб берувчи босқичлар мамлакатимизда бозор муносабатларининг босқичма-босқич асосда шаклланиб боришининг таъсири билан характерланади.

Қандай шаклда, қандай кўринишда бўлмасин, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари иқтисодий жараёнларда фаол қатнашиб, мамлакатда ялпи ишлаб чиқаришнинг барқарор ўсишини, мамлакатимиз экспорт салоҳиятининг ортиши, бандлик даражасининг ортиши ва бошқа бир қатор афзалликлари билан диққатга сазовор бўлиб келмоқда.

## 11.3. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакат иқтисодий ривожланишидаги ўрни

Кейинги ўн йилликда жаҳондаги етакчи мамлакатлар иқтисодиётида кичик бизнеснинг роли сезиларли даражада ўзгарди. Мазкур соҳада ЯИМнинг салмоқли қисми тобора кўпроқ ишлаб чиқарилмоқда, ишчи кучи аксарият қисмининг иш билан бандлиги таъминланмоқда, барча инновацияларнинг ярмидан кўпроқ қисми яратилмоқда.

Жаҳон тажрибасининг таҳлили шуни кўрсатадики, кичик бизнесни ривожлантиришдан қатор мамлакатларда иқтисодий сиёсатнинг ўзига хос дастаги сифатида фойдаланиб келинмоқда. Жумладан:

1) ишчи кучи бандлигини таъминлашнинг асосий соҳаси;
2) иқтисодиётнинг инновация салоҳиятини ривожлантириш манбаи;

3) ишлаб чиқариш фаолиятининг янги шаклларини излаш ва жорий этиш манбаи;

4) давлат бюджетини солиқ билан тўлдириш (масалан, Германияда солиқларнинг деярли ярмини кичик бизнес таъминлайди);

5) ишлаб чиқариш пасайишининг олдини олиш (Венгрия, Чехия, Польша);

6) йирик бизнес билан узвий боғлиқ ҳолда, мамлакатнинг барқарор ривожланиши ҳамда унинг иқтисодиёти рақобатдошлигини оширишнинг асоси. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг аҳамиятли томонларидан яна бири шундаки, у йирик компанияларнинг ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишни билвосита рағбатлантиради. Кўпинча кичик корхоналарнинг йирик яккаҳукмрон ишлаб чиқаришга боғлиқлиги таъкидланади. Бироқ бу боғлиқлик бир томонлама бўлмасдан, аслида йирик корхоналар фаолиятини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ёрдамисиз тасаввур этиш мумкин эмас. Кўплаб майда ва ўрта компаниялар йирик корхоналар учун турли ишларни бажариб, бутловчи деталь ва қисмларни етказиб бериб, уларнинг ички пудратчисига айланади. Ички пудрат тизими яккаҳукмрон ишлаб чиқарувчилар учун ўта фойдалидир. У бошқарув харажатларини қисқартириш, маҳсулот таннархини пасайтириш ва сифатини ошириш, унчалик фойда бермайдиган турли ишларнинг катта қисмини майда тадбиркорларга юклаш орқали яккаҳукмрон корхоналарнинг капитал тежашига имкон яратади.

### 11.4. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмлари

Мустақиллик йилларида республикамизда кичик бизнес сезиларли ривожланди. Аммо кичик корхоналарни ташкил қилиш суръати, уларнинг барқарор ривожланиши ва умумий иқтисодий тизимдаги ўрни ҳали бозор иқтисодиёти талабларига тўла жавоб бермайди. Кичик бизнесни ривожлантириш йўлида кўплаб қийинчиликлар пайдо бўлди, уларни фақат давлат томонидан кўрилган ташкилий ва ижтимоий-иқтисодий чора-тадбирлар асосидагина бартараф қилиш мумкин.

Мазкур соҳанинг иқтисодиётнинг етакчи бўғинига айланишида мамлакатимиз ҳукумати томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси ривожланишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шу жумладан, бизнесни юритиш билан боғлиқ барча жараёнларни янада либераллаштириш, соддалаштириш ва арзонлаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбикорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар муҳим роль ўйнамоқда.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ва кўрсатилаётган хизматлар умумий ҳажмидаги улуши барқарор равишда ўсиб бормоқда.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг бу қадар жадал ривожланишида энг аввало мазкур соҳа учун белгиланаётган солиқ имтиёзлари етарли даражадаги рағбатлантирувчи роль ўйнаётгани муҳим ҳисобланади.

Республикамизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, уларнинг ички ва ташқи бозорда рақобатлаша оладиган, сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишни изчил йўлга қўя оладиган мустаҳкам иқтисодий соҳага айланишини таъминлаш лозим.

Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш республикамизда ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг асосий йўналишларидан бири бўлиб ҳисобланади. Бу эса иқтисодий рақобатнинг ривожланишини, истеъмол бозорини товарлар ва хизмат турлари билан тўлдиришни, шунингдек, хусусий тадбиркорларнинг кенг қатламини яратишни тақозо этади.

**Такрорлаш учун саволлар ва топшириқлар**

1.Ўзбекистонда кичик бизнесни белгиловчи мезон сифатида қандай кўрсаткичлардан фойдаланилади?
2.Хорижий мамлакатларда кичик бизнесни белгилашда қандай кўрсаткичлардан фойдаланилади?
3.Нима учун кичик бизнес корхоналари миллий иқтисодиётнинг пойдевори ҳисобланади?
4.Ўзбекистоннинг ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг улуши қандай?
5.Ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ҳиссаси қандай?

## 12-МАВЗУ. ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШНИ ТАЪМИНЛАШДА ҚУЛАЙ ИНВЕСТИЦИОН МУҲИТНИНГ ЯРАТИЛИШИ

1.Инвестицияларнинг иқтисодий мазмуни ва турлари.
2.Инвестицион муҳит ва унинг мамлакат иқтисодиётига таъсири.
3.Қулай инвестицион муҳитнинг мезон ва кўрсаткичлари.
4.Ўзбекистоннинг инвестицион сиёсати ва уни такомиллаштириш йўллари.

**Асосий таянч тушунчалар:** Таркибий сиёсат, инвестиция фаолияти, инвестицион сиёсат, инвестиция муҳити, инвестицион жозибадорлик, диверсификация, кафолатлар, имтиёзлар, ижтимоий омиллар, молиявий инвестициялар, асосий риск, инвестицияга қадар риск, операцион ёки инвестициядан кейинги рисклар, сиёсий омиллар, иқтисодий омиллар, реал инвестициялар

### 12.1. Инвестицияларнинг иқтисодий мазмуни ва турлари

Инвестициялар деганда барча турдаги миллий ва интелектуал бойликлар тушунилиб, улар тадбиркорлик фаолияти объектларига йўналтирилиб даромад келтириши ёки бирор-бир ижобий самарага эришиши зарур. Инвестициялар капитал қўйилмалар шаклида хам амалга оширилади, ҳамда ўзидаги янги қурилишларига, кенгайтиришга, реконструкцияга ва фаолият кўрсатаётган корхоналарни техник қайта жихозлашга, ускуналар, инвентарлар, лойиҳавий маҳсулотлар сотиб олишга сарф-харажатларни мужассамлаштиради.

Инвестициялар турли шаклларда амалга оширилади ва уларни таҳлил қилиш, режалаштириш учун алоҳида хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда гуруҳлаштирилади.

Биринчидан, қўйилиш объектига қараб инвестициялар реал ва молиявий шаклларга ажратилади.

**Реал инвестициялар** (капитал қўйилмалар) – пул маблағларини корхонанинг моддий ва номоддий активларига сарфланишидан иборат.

**Молиявий инвестициялар** капитални, тўлов ва молиявий мажбуриятларнинг барча турларини ўзида мужассамлаштирувчи, молиявий активларга жойлаштирилишини англатади.

### 12.2.Инвестицион муҳит ва унинг мамлакат иқтисодиётига таъсири

**Инвестиция муҳити** объект категорияси бўлиб, ҳар бир алоҳида олинган вақт доирасида инвесторлар учун ҳақиқатда мавжуд бўлган шарт-шароитлар мажмуасини акс эттиради**.** Лекин ҳозирги шароитда инвестиция муҳити фақат давлат органлари таъсири остида шаклланмоқда. Албатта, бу ишларни амалга оширишда жаҳон тажрибасидан, жумладан хорижий инвестиция билан ташкил этилиб, юксак иқтисодий кўрсаткичларга эришган компания ва фирмалар тажрибасидан кенгроқ фойдаланиш керак. Бу жараённи амалга оширишда миллий хусусиятларни ҳам ҳисобга олиш лозим.

Давлат ҳокимиятининг таъсирчанлиги инвестиция муҳитини аниқловчи омиллардан биридир. Шундан келиб чиқиб, ҳар бир капитал жалб қилувчи мамлакат маълум бир инвестиция тизимига эгалигини таъкидлаш мумкин. Бу тизим ҳуқуқий меъёрлар ва муассасалардан иборат хорижий инвестицияларни қабул қилиш тизими

ва инвестиция муҳитини ўз ичига олади. Хорижий капиталн қабул қилиш тизими инвестиция муҳитининг компоненти бўлиб хизмат қилади ва унга нисбатан мустақил равишда ташкил этилади. Чунки у инвестиция муҳитини ўзгартиришга қодирдир. Хорижий инвестицияларни қабул қилиш тизими қабул қилувчи томонни хорижий капитални миллий иқтисодиётга қулай равишда кириб келишини намоён этса, инвестиция муҳити кириб келган капитални мамлакат ичида оптимал равишда ўсиб бориш вазиятига баҳо беради.

Хорижий инвестицияларни жалб этиш орқали саноатни янги замонавий технологиялар билан, қишлоқ хўжалигида қайта ишловчи саноат мажмуини ва бошқа соҳаларда туб ўзгаришлар ясаш мумкин. Шундай ижобий ишларни амалга ошириш учун хорижий инвесторларга қулай бўлган инвестиция муҳитини яратиб бериш керак.

**Инвестиция муҳити-** жуда кенг маънода ишлатиладиган тушунча бўлиб, инвестор томонидан ҳисобга олинадиган барча муаммолар ва масалаларни ўз ичига қамраб олади**.** Инвестор томонидан маълум бир давлатга инвестиция қилишнинг қулай ва ноқулай томонлари баҳоланади, шу билан бир қаторда, ўз капиталини киритмоқчи бўлган мамлакат мафкўраси, сиёсати, иқтисодиёти ва маданиятига катта аҳамият берилади. Инвестиция муҳити ҳар томонлама чуқур таҳлил қилиниши асосида инвестиция риски аниқланади. Инвестиция муҳити ва риск даражалари бир-бирларига тескари нисбатдадир. Инвестиция муҳити қанчалик қулай бўлса, инвесторнинг тадбиркорлик риски шунчалик паст даражада бўлади ва бу инвесторларнинг кириб келишини кўпайтиради. Аксинча, инвестиция муҳити ноқулай бўлса, риск даражаси юқори бўлади. Бу эса инвестиция қабул қилувчининг сарф-харажатларининг ўсишига олиб келади. Шундай қилиб, инвестиция муҳитининг ҳолати фақат инвестор учун эмас, балки инвестиция қабул қилувчи учун ҳам муҳимдир.

Ўзбекистонда мустақилликка эришгандан сўнг хорижий инвестицияларни миллий иқтисодиётга жалб қилиш тизимини яратишга киришилди. Бу борада бир қатор қонунлар ва Президент фармонлари чиқарилди. "Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида", "Чет эл инвестициялари ва хорижий инвесторлар фаолиятининг кафолатларини такомиллаштириш тўғрисида"ги қонун ва фармонлари шулар жумласидандир. Бу қонун ва фармонлар маълум маънода хорижий инвестицияларни жалб этишнинг ҳуқуқий асосини ташкил этади.

Инвестиция муҳитига бир қатор омиллар таъсир кўрсатади.

**Сиёсий омиллар:**

- хорижий инвестиция борасида давлат сиёсати;
- халқаро келишувларга риоя қилиш;
- давлатнинг иқтисодиётга аралашуви даражаси;
- иқтисодий сиёсатнинг ҳаётийлиги;
- мамлакатнинг халқаро шартномалар тизимида қатнашуви;
- давлат аппаратининг иш фаолияти;
- сиёсий ҳукуматнинг инвестицияларга мойиллиги.

**Иқтисодий омиллар:**

- иқтисодиётнинг умумий ҳолати (юксалиш, пасайиш);
- валюта кўрсининг барқарорлиги;
- инфляция жараёнининг динамикаси;
- солиқ имтиёзлари;
- божхона тартиби;
- иш кучидан фойдаланиш тартиби;

- иш кучи қиймати;
- аниқ маҳсулотларга талаб ва таклиф;
- кредит қиймати ва бошқалар.

**Ижтимоий омиллар:**

- жамоатчиликнинг хусусий мулк ва хорижий инвестицияларга муносабати;
- жамиятнинг мафкуравий бирдамлик даражаси;
- мамлакат иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг асосий масалалари бўйича келишувнинг мавжудлиги;
- ишчи гуруҳининг ташкилотчилиги.

Бирон мамлакатнинг инвестицион муҳитини таҳлил қилинганда, амалдор нуқтаи назари эмас, балки ўз маблағини даромад келтирувчи лойиҳага жойлаштирмоқчи бўлган хорижий инвесторларнинг фикрлари аҳамиятлидир. Уларнинг фикрича инвестиция муҳити бир қатор зарурий омилларга боғлиқ бўлиб, уларнинг мавжудлиги инвестиция муҳитининг энг қўлай бўлишини таъминлайди.

Биринчиси, **сиёсий барқарорлик** бўлиб, унинг мавжуд бўлиши инвесторнинг келгуси ишларини режалаштириш ва ишонч билан олдинга интилишига имкон беради. У кучли қонуний тизимнинг мавжудлиги, ташқи ва ички ҳарбий низолар, ҳамда инқилобий ўзгаришларнинг бўлмаслигида намоён бўлади.

Иккинчиси, **иқтисодий самарадорлик**. Ҳар бир инвестор иқтисодий ўсиш жуда юқори бўлган, ҳукумат иқтисодиётни ривожлантириш борасида барқарор сиёсат олиб бораётган мамлакат иқтисодиётига маблағ сарфлашни ҳоҳлайди.

Яна бир муҳим омил мамлакатдаги ҳукумат раҳбарлари, меҳнат жамоалари, муҳолиф партия вакиллари ва ҳалқнинг хорижий инвесторларга нисбатан бўлган **дўстона муносабатларидир**. Ундан ташқари оддий халқнинг хорижликларга, уларнинг мамлакатдаги иқтисодий-ижтимоий фаолиятига бўлган муносабати ҳам катта аҳамият касб этади. Ушбу омил ҳам инвесторларнинг мамлакатдаги фаолиятларига катта таъсир ўтказади.

**Ҳукуматнинг сиёсати** яна бир муҳим омил ҳисобланиб, инвесторларнинг фаолиятига турли хил таъсир ўтказиши мумкин. Албатта, ҳукумат олиб бораётган иқтисодий сиёсат бевосита ёки билвосита бизнес, савдо ва инвестициялаш жараёнига ўз таъсирини ўтказади. Бунда уч жиҳатга алоҳида эътибор берилиши зарур: **хорижий инвесторларнинг лойиҳаларда қатнашиш даражаси, Хорижликларнинг меҳнати, инфраструктура.**

## 12.3. Хорижий инвестицияларни тартибга солишнинг жаҳон тажрибаси

Ривожланган мамлакатлар халқаро капитал ҳаракатини асосан капитал экспорти-импортини миллий ва халқаро даражада рағбатлантириш орқали амалга оширадилар. Шуниси характерлики, капитални четга чиқариш уни жалб қилишга нисбатан кам даражада тартибга солиниб турилади.

Давлат тартибга солишнинг қуйидаги усулларидан фойдаланади:

1) молиявий: жадаллаштирилган амортизация; солиқ имтиёзлари; субсидиялар, қарзлар бериш; кредитларни суғурталаш ва кафолатлаш;

2) номолиявий: ер участкалари ажратиш; зарурий инфраструктура билан таъминлаш; техник ёрдам кўрсатиш.

Халқаро инвестицияларни тартига солиш бўйича муҳим амалий ҳужжатлардан бири – Осиё-Тинч океани ҳамкорлиги ташкилоти доирасида ишлаб чиқилган хорижий инвестицияларнинг «кўнгилли кодекси»дир. Келажакда Умумжаҳон савдо ташкилоти

(УСТ) томонидан фойдаланилиши мумкин бўлган ушбу «кодекс» да қуйидаги инвестицион тамойиллар қайд этилган:

- транспарентлик;
- донор-мамлакатларга нодискриминацион ёндашув;
- хорижий инвесторлар учун миллий режим;
- инвестицион рағбатларни соғлиқни сақлаш, ҳавфсизлик ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишни таъминлаш билан мос тушиши;
- савдони ва капитал қўйилмалар ўсишини чегараловчи инвестицияларга бўлган чекловларни минималлаштириш;
- инвестицияларни экспроприация қилинишидан воз кечиш (бунда ижтимоий мақсадлар учун ва миллий қонунчилик доирасида, нодискриминация асосида, халқаро ҳуқуқ қоидаларига амал қилган ҳолда ва етарли ва самарали компенсация тўланиши шарти билан экспроприация амалга оширилиши мумкин);
- рўйхатдан ўтказилиш ва конвертациялашувнинг таъминланиши;
- капитални олиб чиқишдаги тўсиқларни йўқотиш;
- икки маротаба солиққа тортишни бекор қилиш;
- реципиент мамлакатнинг миллий қонунчилигига, маъмурий тартиб ва қоидаларига хорижий инвесторнинг амал қилиши;
- инвестицион лойиҳани амалга ошириш билан боғлиқ хорижий мутахассисларни мамлакатдан чиқишига ва вақтинча ташриф буюришига рухсат бериш;
- маслаҳатлар ва музокара ёки арбитраж ёрдамида келишмовчиликларни бартараф этиш.

Хорижий инвестицияни ўз иқтисодиётига жалб этаётган ҳар бир давлат хорижлик шерикларига ҳуқуқий ва ташкилий кафолатлар яратиб беради

## 12.4. Ўзбекистонда хорижий инвестицияларнинг давлат томонидан бошқарилиши

Хорижий инвестицияларни жалб этиш тадбирларини амалга оширишда ҳукумат қуйидаги тамойилларга асосланди:

- ташқи иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштириш соҳасида аниқ мақсадни кўзлаб сиёсат юритиш;
- республика иқтисодиётига бевосита капитал маблағни кенг жалб этишни таъминлайдиган ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа шарт-шароитларни тобора такомиллаштириш;
- республикага жаҳон даражасидаги технологияни етказиб бераётган ва иқтисодиётни замонавий таркибини вужудга келтиришга кўмаклашаётган хорижий инвесторларга нисбатан очиқ эшиклар сиёсатини юргизиш;
- маблағларни республика мустақиллигини таъминлайдиган, импорт ўрнини қопловчи ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган энг муҳим устувор йўналишда жамлаш.

Ўзбекистонда хорижий инвестициялар қатнашган корхоналар ичида қўшма корхоналар етакчи ўринда туради. Тўлиқ хорижий инвестициялар билан ташкил этилган корхоналар кам. Кўпчилик давлатларда хорижий инвестициялар қатнашган корхоналарни рўйхатдан ўтказиш ҳар хил. Баъзи давлатларда бу вазифани Молия вазирлиги бажарса, бошқаларида Адлия вазирлиги бажаради. Ўзбекистонда бу вазифани Адлия вазирлиги амалга оширади. Ўзбекистондаги хорижий инвестиция

қатнашган корхоналар республика ҳудудида ўзининг филиаллари ёки вакил корхоналарини ташкил этишлари мумкин. Бундан ташқари улар бошқа давлатларда ҳам ўз филиалларини очишлари мумкин.

Хорижий инвесторлар инвестиция ҳажмини, турларини, йўлларини белгилайдилар ва уларни ҳохлаган корхонага мустақил равишда киритишлари мумкин. Инвестор ўзи киритган инвестиция объектлари ва натижаларига эгалик қилиш, фойдаланиш, тасарруф этиш ҳуқуқига эга. Шу билан бирга реинвестиция ва савдо операцияларини Ўзбекистон ҳудудида миллий қонунчилик асосида, ундан ташқарида эса халқаро қонунлар асосида амалга ошириш ҳуқуқларига эга. Инвестор эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқларини қонун бўйича бошқа ҳуқуқий ва жисмоний шахсга бериши мумкин. Томонларнинг ўзаро ҳуқуқларини бир-бирига ўтказиш вақтидаги алоқаларни фақат улар ўртасида тузилган ҳужжат-шартномалар ҳал қила олади. Хорижий инвесторлар ва корхоналар қонунчиликда кўрсатилган ҳолатларда ер участкаларини сотиб олишлари мумкин.

Ҳозирги кунда иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар инвестиция фаолиятига янгича ёндашишни тақозо этмоқда. Бундай ёндашув қуйидаги қоидалардан келиб чиқмоқда:

- инвестиция талабини фаоллаштириш, инвестиция ресурсларини иқтисодий тараққиётнинг устун соҳаларига тўплаш;
- инвестицион жараёнларга корхоналар, ташкилотлар, аҳоли жамғармаларини тўлароқ жалб этиш ва ундан республиканинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этишда фойдаланиш;
- чет эл капиталининг кириб келиши учун қулай иқтисодий муҳит ҳозирлаш.

Хулоса қилиб айтганда, инвестициялар - иқтисодиётда таркибий қайта ўзгаришларни амалга оширишнинг ва иқтисодий ўсишнинг моддий асосидир.

**Такрорлаш учун саволлар ва топшириқлар**

1. Инвестиция фаолияти нимани англатади?
2. Инвестиция фаолиятини давлат томонидан бошқариш чоралари нималардан иборат?
3. Инвестиция фондлари инвестиция фаолиятига қандай таъсир кўрсатади?
6. Хорижий инвестициялар қандай бошқарилади?
7. Хорижий инвестицияларни бошқаришни чет эл тажрибасини хусусиятлари нималардан иборат?
8. Хорижий инвестициялар учун Ўзбекистон Республикасида қандай имкониятлар яратилган?

# 13-МАВЗУ. ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШГА ЭРИШИШДА АГРАР ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ

1.Аграр муносабатлар ва уларнинг бозор тизимидаги хусусиятлари.
2.Мамлакат иқтисодиётида аграр соҳанинг тутган ўрни.
3.Аграр секторни истиқболда ривожлантириш йўналишлари

**Асосий таянч тушунчалар:** Қишлоқ хўжалиги, қайта ишлаш саноати, сақлаш корхоналари, кимё саноати, моддий рағбатлантириш, касбий малака, ҳосилдорлик, маҳсулдорлик, натурал кўрсаткичлар.

## 13.1. Аграр муносабатлар ва уларнинг бозор тизимидаги хусусиятлари

Агросаноат мажмуасининг таркибий қисми бўлган – қишлоқ хўжалиги ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш билан шуғулланувчи озиқ-овқат саноати Ўзбекистон иқтисодиётининг муҳим тармоқлари ҳисобланади. Бу тармоқлар мамлакат аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига, қайта ишлаш саноати тармоқларининг эса хомашёга бўлган талабини қондиради. Озиқ-овқат маҳсулотларининг 90 фоизга яқини аграр тармоқда тайёрланади. Қишлоқ хўжалиги республикамизнинг истеъмол бозорига озиқ-овқат маҳсулотлари ва қайта ишлаш саноатига хомашё етказиб бериш билан бирга, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, кимё саноати каби бир қатор тармоқлар маҳсулотлари учун кафолатли бозор ҳисобланади.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган давлатнинг аграр сиёсати биринчи навбатда мамлакатда мустаҳкам озиқ – овқат базасини, ер ва сувдан оқилона фойдаланиш шарт–шароитларини яратиш, мулкчиликда давлат монополиясини кескин чеклаш ва хусусий мулк эгалиги ҳамда мулкчиликнинг бошқа шаклларига кенг йўл очиш, турли мулкчилик шаклидаги қишлоқ хўжалиги корхоналарига тенг ривожланишига эришиш ва уларни ҳар томонлама қўллаб – қувватлаш масалаларига қаратилган.

Мустақиллик йилларида мухтарам Президентимизнинг ташаббуси ва бевосита раҳномолигида қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш бўйича жуда кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Ишлаб чиқаришга фан-техника ютуқларини, янги техникаларни ва илғор технологияларни жорий этиш ишлари йилдан-йилга жадаллашиб бормоқда. Чекланган ер ва сув ресурсларидан, капиталдан ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги юксалмоқда.

Ўзбекистон Республикаси аграр сиёсатининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

– Мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, аҳолини, саноатни қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлаш;
– Қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини ошириш;
– Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортини ошириш эвазига чет эл валюталари тушумини кўпайтириш;
– Қишлоқ хўжалигига тушаётган тушумларни бошқа тармоқлар ўртасида тақсимлашни мўътадиллаштириш;
– Қишлоқ хўжалигида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш;
– Қишлоқ хўжалигида рақобат муҳитини кучайтириш;
– Қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш ва такомиллаштириш;

– Қишлоқ хўжалигида бозор муносабатларини шакллантириш ва ривожлантириш;

– Қишлоқ хўжалигида тадбиркорлар синфини шакллантириш ва ривожлантириш;

– Қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлиги ошириш ва тармоқнинг иқтисодий самарадорлигини кўтариш.

– Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш жуда мураккаб шароитларда амалга оширилмоқда. Бу шароитларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

– молиявий маблағларнинг талаб даражасидан кам бўлиши, етишмаслиги;

– қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базасининг эскириб қолганлиги;

– қишлоқда меҳнат мотивациясининг, манфаатдорлигининг нисбатан пастлиги;

– қишлоқ хўжалиги ва саноат маҳсулотларига шаклланаётган нархлар паритетининг қишлоқ хўжалиги учун қулай ҳолда ривожланмаганлиги;

– қишлоқ хўжалигида бозор инфратузилмасининг етарли даражада яхши ривожланмаганлиги;

– қишлоқ аҳолисининг харид қилиш қобилиятининг нисбатан пастлиги;

– қишлоқ хўжалигига нисбатан арзон ва сифатли машина ва техникаларни олиб келиш имкониятларининг чекланганлиги;

– қишлоқ хўжалиги учун кимёвий воситалар, маъданли ўғитлар, ёқилғи мойлаш материалларини етказиб бериш (айримларини ишлаб чиқаришнинг) камайиши;

– мустақилликнинг дастлабки йилларида инфляция даражасининг нисбатан юқори бўлиши;

– ер ва сув ресурсларининг сифатининг пасайиши.

Шу каби қийинчиликларга қарамасдан мамлакат Президенти ва ҳукумати томонидан иқтисодий ислоҳотлар пухта ўйланган ҳолда олиб борилди ва у ўзининг ижобий самарасини бера бошлади.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб – қувватлаш борасида қуйидаги ишлар амалга оширилмоқда:

– қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятининг меъёрий – ҳуқуқий негизини такомиллаштириш;

– қонунда кўрсатилган ҳуқуқлари бузилишига йўл қўймаслик;

– уларнинг ички фаолиятига аралашувнинг ҳар қандай кўринишига йўл қўймаслик;

– қишлоқ хўжалигида мақбул баҳо сиёсатини юритиш, доимий равишда қишлоқ хўжалиги ва саноат товарлар орасидаги баҳолар паритетини сақлаб бориш;

– даромадлар пасайиб кетишига йўл қўймаслик;

– илғор технология ва техникалар билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш;

– фуқаролар тадбиркорлик фаолияти билан эркин шуғулланишлари ва ундан манфаатдорлигининг кафолатлари ва шароитларини таъминлаш, уларнинг ишбилармонлик фаоллигини ошириш ҳамда қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини муҳофаза қилиш;

– молия – кредит тизимини такомиллаштириш ҳамда корхоналарнинг кредит манбалари ва сармояларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш;

– ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатувчи инфратузилмаларни кенгайтириш ва ривожлантириш;

– улгуржи ва майда улгуржи савдони ривожлантириш, корхоналарнинг хомашё, ахборотлар ва технологиялардан эркин ва ўрта бизнес корхоналари томонидан ишлаб

чиқарилаётган маҳсулотларни ички ва ташқи бозорларда сотиш тизимини такомиллаштириш;

– қишлоқ хўжалиги ҳисоби ва таҳлили тизимини такомиллаштириш, улар учун давлат статистика, бухгалтерия ва солиқ ҳисоботининг соддалаштирилган тартибини жорий этиш;

– кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини ривожлантириш;

– пул – кредит тизимининг барқарор фаолиятини таъминлаш учун суғурта тизими аҳамиятини ошириш;

– Ерга мулкчилик, ер ва сувдан самарали фойдаланиш механизмини шакллантириш.

Республикамизда фермер хўжаликларини ҳуқуқий жихатдан ҳимоя қилиш билан бир қаторда уларни иқтисодий дастаклар орқали ҳар томонлама рағбатлантириш чоралари ҳам амалга оширилмоқда. Давлатнинг иқтисодий рағбатлантириш чоралари қуйдаги механизмлардан ташкил топади :

- молия – кредит тизими орқали қўллаб- қувватлаш;
- табақаланган ва имтиёзли солиқ тизимидан фойдаланиш;
- баҳолар паритетини сақлаш;
- ташқи иқтисодий фаолиятни рағбатлантириш ва бошқалар.

Давлатнинг фермер хўжаликлари фаолиятини иқтисодий дастаклар орқали қўллаб – қувватлаш чоралари фермер хўжаликларининг ривожланишига қулай шарт – шароитлар яратиш мақсадида давлат томонидан бериладиган иқтисодий рағбатлантириш чораларидан ташкил топади. Бундай чора-тадбирлар сирасига солиқлар тўлашда енгилликлар бериш, имтиёзли шартлар ва фоизларда кредитлар бериш, давлат буюртмаси бўйича харид қилинадиган маҳсулотларга кафилланган баҳолар белгилаш, экспорт-инпорт операцияларида қулай тарифлар ва тўловлар ўрнатиш каби иқтисодий дастаклар киради.

## 13.2. Мамлакат иқтисодиётида аграр соҳанинг тутган ўрни

Аграр соҳа давлат томонидан доимий равишда тартибга солиб туришга муҳтож тармоқ ҳисобланади. Бунга қатор сабаблар таъсир кўрсатади. Аваламбор қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши табиий шароитлар билан боғлиқ. Ишлаб чиқаришнинг натижаси ҳамиша ҳам хўжаликнинг фаолиятиги боғлиқ эмас. Бир меъёрда қилинган меҳнатнинг натижалари қишлоқ хўжалигида табиий таъсирлар натижасида турлича бўлади. Унинг маҳсулотларини узоқ вақт сақлаш имикониятлари чекланган. Натижада, қишлоқ хўжалиги ўз маҳсулотларини тезликда сотишга мажбур бўладилар. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан жуда кўплаб тадбиркорлар шуғулланганликлари учун уларга нарх эркин, талаб ва таклиф асосида шаклланади. Бу нархлар кўпинча қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари учун фойдали бўлмайди. Шу сабабларга кўра қишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солиб туриш ва қўллаб-қувватлаш зарурати мавжуд. Бозор иқтисодиёти муносабатлари яхши ривожланган илғор хорижий давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, қишлоқ хўжалиги тармоғи давлат томонидан тегишли қонун-қоидалар асосида тартибга солиб турилиши ва қўллаб-қувватланиши лозим.

Эркин бозор тарафдорлари аграр соҳага хос бўлган бир қатор хусусиятларга (қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бозорида соф рақобат имкониятларининг мавжудлиги, аграр ишлаб чиқаришга хос бўлган табиий – биотехнологик омиллар

деҳқонлардан мустақил қарорлар қабул қилишни талаб этиши ва бошқ.) таяниб, бу тармоқда эркин бозор муносабатлари амал қилиши учун қулай шарт – шароитлар мавжуд, деган ғояни илгари сурадилар. Уларнинг фикрича, бозорнинг ўз – ўзини тартибга сола олиш хусусияти, аграр иқтисодиётга давлат аралашувини талаб этмайди ва бунга зарурият ҳам йўқ. Мустақил хўжалик юритиш ва тадбиркорлик эркинлиги эса бозор шароитида фермерларнинг юксак суръатлар билан ривожланишига олиб келиши керак.

Қишлоқ хўжалиги мураккаб биотехник технологик ҳамда ижтимоий – иқтисодий тизим сифатида тавсифланади. Унда ташкилий, иқтисодий ва ижтимоий характердаги омиллар билан биргаликда ер, сув, ўсимлик ва чорва моллари организм, ёруғлик, иссиқлик, ҳаво, табиий иқлим ва жўғрофий жойлашув каби табиий омиллар ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ишлаб чиқариш жараёнида турли тавсифдаги ушбу омиллар уйғунлашиб кетади. Ишлаб чиқариш – хўжалик фаолиятига таъсир кўрсатувчи омилларнинг серқирралиги ва мураккаб тизимдан иборатлиги қишлоқ хўжалиги корхоналарининг самарали фаолият кўрсатиш имкониятларини чеклайди. Хусусан, ишлаб чиқариш табиий омилларнинг бир қисмини (об-ҳаво, табиий-иқлим шароити ва ҳ.к.) бошқариш деҳқонларнинг имкониятлар доирасидан ташқари бўлиб, уларни олдиндан режалаштириб ёки олдини олиб бўлмайди. Аммо, бу омилларнинг қулай ёки ноқулай шароитларда келиши хўжаликнинг якуний молиявий натижаларига кучли таъсир кўрсатади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг табиий иқлим шароитига (жонли организмлар, жуғрофий муҳит, об-ҳаво ва бошқ.) боғлиқлиги деҳқонлар фаолияти рағбатлантириш ва суғурталаш каби бир қатор ҳимоя воситаларни яратишни талаб қилади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида давлатнинг қишлоқ хўжалигини қўллаб – қувватлашдаги энг муҳим вазифаларидан бири – тадбиркорлик ташаббуси ва танлов эркинлигига, мустақил хўжалик юритиш ҳуқуқи ва ўз хусусий мулкига эга бўлган бозор хўжалигининг субъекти тадбиркорларни шакллантириш ҳамда уларнинг соғлом рақобат ва тенг хўжалик юритиш шароитларида фаолият кўрсатишини таъминловчи ҳуқуқий – меъёрий асосларини яратишдир. Давлат тадбиркорларнинг бутун ижобий ва меҳнат қобилиятларини юзага чиқариши ҳамда улар хўжаликни бошқариш жараёнларини тўсиқсиз амалга оширишлари учун зарур бўлган барча шарт – шароитларни, яъни тадбиркорлик ва танлов эркинлигини қонунан мустаҳкамлаб қўйиши керак. Шу билан бирга давлат тегишли қонуний ҳужжатлар орқали бозор шароитида хўжалик юритиш қоидаларини белгилайди.

Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солиш маъмурий усулларнинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

- улар давлат ҳокимиятининг қудрати ва салоҳиятига таянади;
- уларни амалга ошириш билан боғлиқ қўшимча моддий рағбатлантирувчи чоралар яратишни шарт қилиб қўймайди;
- тақиқлаш, рухсат бериш ва мажбурлаш тадбирларини (квотлаш, лицензия бериш, меъёрий нормаларни белгилаш ва ҳ. к.) ўз ичига олади.

Иқтисодий усуллар ёрдамида давлат бозор жараёнларининг ривожланишини давлатнинг иқтисодий сиёсатига мос йўналишга солиш учун таъсир этиш чораларини қўллайди. Иқтисодий жараёнларни давлат тамонидан тартибга солишнинг маъмурий усуллари бозор хўжалигининг ўз –ўзини бошқариш механизмига қаршилик қилса, иқтисодий усуллар улардан фаол фойдаланишни рағбатлантиради.

### 13.3. Аграр секторни истиқболда ривожлантириш йўналишлари

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини янада тараққий эттиришда асосий эътибор аграр соҳада ислоҳотларни чуқурлаштириш, ишлаб чиқариш ва бошқариш жараёнларида бозор тамойилларини тўла қарор топтириш асосида қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини кескин оширишга қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган аграр тармоқни ривожлантиришнинг истиқболли дастури қуйидаги энг муҳим йўналишларни ўз ичига олади:

1. Аграр соҳада иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, мулкий муносабатлар ва хўжалик юритиш шаклларини такомиллаштириш борасида барча субъектлар ўртасидаги ўзаро иқтисодий муносабатларни бозор тамойиллари асосида амалга ошириш, шартномавий мажбуриятларнинг бажарилишида томонлар масъулиятини ошириш.
2. Қишлоқ хўжалигида ердан фойдаланиш механизмини такомиллаштириш ва самарали фойдаланишни рағбатлантириш йўналиши бўйича тупроқ унумдорлигини ошириш ва ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида барча ҳудудларда қишлоқ хўжалиги ерлари унумдорлигини ошириш, унумдорлиги паст ер майдонлари салмоғини камайтириш.
3. Сув хўжалиги тизимини такомиллаштириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш мақсадида сув хўжалиги тизимида моддий ва маънавий эскирган ирригация-мелиорация тизимини янгилаш, унинг самарадорлигини ошириш, янги суғориш технологиялари ва сувдан фойдаланиш механизмларини жорий этиш, ер майдонлари мелиоратив ҳолатини яхшилаш, дренаж тармоқларини қуриш ва таъмирлаш тадбирларини амалга ошириш.
4. Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини вилоятлар ва туманларнинг табиий-иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда жойлаштириш, маҳсулотлар сифати ва экинлар ҳосилдорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратиш.

Қишлоқ хўжалиги экинларининг юқори ҳосилли, тезпишар, касаллик ва зараркунандаларга чидамли, янги ва истиқболли, маҳсулот сифати бозор талабларига жавоб берувчи навларни жойлаштириш.

5. Чорвачилик тармоғини комплекс ривожлантириш, асосан чорва молларининг наслини яхшилаш ҳисобидан унинг маҳсулдорлигини ошириш. Бунинг учун:

– чорвачилик тармоғининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш;
– наслчиликни тубдан яхшилаш;
– тармоқда сервис, жумладан, зооветеринария хизматлари кўрсатиш сифати ва ассортиментини ошириш;
– паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик ва пиллачилик соҳаларини ривожлантириш;
– чорва молларида учрайдиган юқумли касалликларга қарши кураш тизимини янада такомиллаштириш;
– озуқа экинларини жойлаштиришнинг мақбул даражасига эришиш, бунда лалми ерлардан чорва озуқаси етиштириш учун фойдаланишни кенгайтириш.

6. Ўрмон хўжалигини комплекс ривожлантириш борасида табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва атроф муҳит муҳофазаси нуқтаи назаридан:

– қўриқланадиган ҳудудлар давлат кадастрини жорий этиш;

– ўрмон хўжалигида мевали, манзарали дарахт кўчатларини етиштиришни янада ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш;

– ҳудудларнинг экологик ҳолати бўйича географик-ахборот тизимини ишлаб чиқиш.

7. Қишлоқ хўжалиги хомашёсини қайта ишлаш тармоғини ривожлантириш, аграр соҳанинг экспорт салоҳиятини ошириш.

Қишлоқ хўжалиги, хусусан, чорва ва мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлашга ихтисослашган кичик хусусий корхоналарни замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозлаш, хомашёни қайта ишлаш қувватларини ишга тушириш, мавжуд корхоналарни модернизация қилиш, хўл мева-сабзавот ва тайёр маҳсулот экспорт қиладиган субъектлар учун имтиёзлар тизимини ишлаб чиқиш.

8. Қишлоқ жойларда сервис хизматлари кўрсатиш тизимини такомиллаштириш аграр тармоқда сервис хизматлари кўрсатиш соҳасини ривожлантириш, бозорга тез мослашувчи субъектлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш.

9. Қишлоқ хўжалигида молия-кредит, солиқ ва суғурта тизимини такомиллаштириш:

– давлат эҳтиёжлари учун пахта хомашёси ва ғалла етиштиришда асосан имтиёзли кредитлаш орқали молиялаштириб бориш тизимини такомиллаштириш;

– пахта ва ғалладан ташқари қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларни кредитлаш механизмини такомиллаштириш;

– қишлоқ хўжалиги учун техника, эҳтиёт қисмлар, наслли чорва моллари, уруғлик ва кўчатлар, замонавий технология ва ускуналар, дори-дармон, кимёвий препаратларни импорт қилишда солиқ ва божхона имтиёзлари тизимини яна кенгайтириш;

– қишлоқ жойларга кичик саноатни жалб қилишда солиқ имтиёзлари ва молиявий қўллаб-қувватлаш тадбирларини амалга ошириш;

– маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни иқтисодий қўллаб-қувватлаш мақсадида протекционизм сиёсатини доимий равишда амалга ошириш;

– унумдорлиги паст бўлган, шунингдек, насослар билан суғориладиган майдонларда давлат эҳтиёжлари учун пахта ва ғалла етиштирувчи фермер хўжаликларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмини такомиллаштириб бориш.

10. Аграр соҳада илм-фанни ривожлантириш ва илм-фан ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш. Бу соҳада:

– атроф-муҳитга экологик зарар келтирмайдиган техника ва технология ҳамда хомашё ресурсларини қайта ишлашда янги услублар ишлаб чиқиш ва мавжудларини такомиллаштириш;

– пахтачилик ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларининг истиқболли навлари бирламчи уруғчилигини ташкил қилиш тизимини такомиллаштириш;

– қишлоқ хўжалигининг амалий муаммоларини ҳал этишда инновацион лойиҳалардан кенг фойдаланиш ва бунда инновацион лойиҳаларни молиялаштиришнинг банк орқали кредитлаш тизимини жорий этиш;

– қишлоқ хўжалигида ген инженерияси борасида тўпланган жаҳон тажрибасидан кенг фойдаланган ҳолда, миллий тизимни яратиш;

– экологик тоза қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари яратиш устида кенг қамровли ишлар олиб бориш;

– хориждан келтирилган наслли уруғлар асосида юқори маҳсулдор маҳаллий чорва моллари, паррандалар, пилла қурти зотларини яратиш.

11. Қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш ва аҳоли даромадларини ошириш.

**Такрорлаш учун саволлар ва топшириқлар**

1. Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солиб туриш ва қўллаб-қувватлашнинг моҳияти.
2. Қишлоқ хўжалигини давлат тамонидан тартибга солиб туриш ва қўллаб-қувватлашнинг зарурати нимада?
3. Давлатнинг иқтисодий функциялари.
4. Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солишнинг иқтисодий дастаг ва инструментлари.
5. Қишлоқ хўжалигини давлат тамонидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш соҳасидаги вазифалари нималардан иборат?
6. Ўзбекистонда аграр сиёсатни такомиллаштириш йўллари нималарга асосланади?

# 14-МАВЗУ. ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШДА ИҚТИСОДИЙ МУВОЗАНАТ ВА МУТАНОСИБЛИКНИНГ ЗАРУРЛИГИ

1.Иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар ва унинг иқтисодий мувозанатга таъсири.
2.Иқтисодий мутаносибликлар ва уларнинг турлари.
3.Ўзбекистонда ишлаб чиқаришнинг таркибий тузилишини қайта қуриш жараёнида макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш муаммолари.

**Асосий таянч тушунчалар:** Иқтисодий мувозанат, хусусий мувозанат, умумий мувозанат, иқтисодий мутаносиблик, тармоқлараро мутаносиблик, тармоқ ичидаги мутаносиблик, ҳудудий мутаносиблик, давлатлараро мутаносиблик

## 14.1. Иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар ва унинг иқтисодий мувозанатга таъсири

Иқтисодиёт барқарор ривожланиши учун унинг турли томонлари ўртасида маълум мувозанат бўлишини тақозо қилади.

Иқтисодий мувозанат деб иқтисодий жараёнлар, ҳодисаларнинг икки ёки бир неча томонининг бир–бирига тенг келган ҳолатига айтилади. Шунинг учун ҳам бутун иқтисодиётнинг мувозанати тўғрисида гап борганда энг аввало ялпи талаб ва ялпи таклиф ўртасидаги тенглик эътиборга олинади.

Макроиқтисодиётда иқтисодий мувозанатнинг шаклланиш жараёни, уни таъминлаш анча мураккаб ва зиддиятли. Чунки у ўз ичига хусусий ва умумий тавсифдаги бир қатор мувозанатлар тизимини олади.

Хусусий мувозанат — бу иккита ўзаро боғлиқ бўлган иқтисодий кўрсаткичлар ёки иқтисодиёт томонларининг миқдоран тенг келиши. Хусусий мувозанат ишлаб чиқариш ва истеъмол, аҳолининг сотиб олиш лаёқати ва товар таклифи масалалари, бюджет даромадлари ва харажатлари, алоҳида товарларга талаб ва таклиф ўртасидаги мувозанат кўринишида намоён бўлади. Бу мувозанатлар ичида Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримов таъкидлаб ўтганларидек: «...ички бозорда талаб билан таклиф ўртасида мутаносибликка эришиш, яъни чиқарилган пул миқдори билан унга сотиб олинадиган моллар салмоғи ўртасида тўғри нисбатни таъминлаш ғоят катта роль ўйнайди».[1]

Умумий мувозанат жамият барча эҳтиёжлари ва миллий ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзаро тенг келишини билдиради. Умумий иқтисодий мувозанат бозор шароитида, аввало, ялпи талаб ва ялпи таклифнинг тенг келишида кўринади. Бу нафақат истеъмол неъматларига, балки ишлаб чиқариш воситаларига, ишчи кучига ҳамда барча иқтисодий фаолият натижаларига умумий талаб ва таклифнинг мувофиқ келишидир.

Умумий иқтисодий мувозанат бир қатор шарт-шароитларни тақозо этади. Биринчидан, бу ижтимоий мақсадлар ва иқтисодий имкониятларнинг мос келишидир.

Иккинчидан, иқтисодий мувозанат мамлакатдаги барча иқтисодий ресурслардан самарали фойдаланадиган хўжалик механизмини тақозо қилади.

Учинчидан, мувозанатли ишлаб чиқаришнинг умумий таркибий тузилиши истеъмолнинг таркибий тузилишига мос келиши лозимлигини билдиради.

Тўртинчидан, иқтисодиётда мувозанатнинг умумий шарт-шароитлари бўлиб бозор мувозанати, яъни барча асосий бозорлар (товарлар, ресурслар, ишчи кучи ва ҳоказолар)да талаб ва таклиф мувозанатга эришиши хизмат қилади.

[1]Каримов И.А. «Ўзбекистон буюк келажак сари».Т.: «Ўзбекистон», 1999. 384-бет.

Иқтисодий мувозанат эркин рақобат бозорида барча харидорлар тенглиги, иқтисодий вазият барқарорлиги каби қатор шарт-шароитларни ҳам тақозо қилади.

Реал ҳаётда иқтисодиёт доимий ҳаракатда ва тўхтовсиз ривожланиш ҳолатида бўлади. Иқтисодий цикл фазаларида, бозор конъюнктураси, бозор субъектлари даромадлари ва талаби таркибида ўзгаришлар рўй бериб туради.

Буларнинг ҳаммаси мувозанат ҳолатини турғун иқтисодиётдаги шартли умумий мувозанат сифатида қараб чиқишни тақозо қилади.

Шундай қилиб, макродаражада умумий иқтисодий мувозанат – бу мамлакат бутун иқтисодиётнинг мутаносиблигидир. Бу барча соҳалар, тармоқлар, хўжаликларнинг меъёрида ривожланишини таъминлайдиган иқтисодий фаолиятнинг барча қатнашчилари ҳамда барча бозордаги ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тақозо қиладиган мувозанатлар тизимини ўз ичига олади.

### 14.2. Иқтисодий мутаносибликлар ва уларнинг турлари

Иқтисодий мутаносибликларни бу каби турли кўринишдаги туркумлашлар бошқа манбаларда ҳам кўплаб учрайди. Шунга кўра, уларнинг барчасини умумлаштириб мутаносибликнинг қуйидаги гуруҳлари таркибига киритиш мумкин.

**1. Умумиқтисодий тавсифдаги мутаносибликлар.** Бунга миллий даромаддаги таркибий қисмлар: истеъмол фонди ва жамғариш фонди ўртасидаги; иқтисодиётдаги товар ва хизматлар массаси билан пул массаси ўртасидаги; аҳолининг даромадлари билан харажатлар ўртасидаги мутаносибликларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

**2. Тармоқлараро мутаносибликлар.** Миллий иқтисодиётнинг мувозанатини таъминлашда тармоқлараро мутаносибликлар алоҳида ўрин тутади. Мамлакат халқ хўжалиги жуда кўп тармоқ ва соҳалардан иборат бўлиб, уларнинг ривожланиши бир-бири**ни** тақозо қилади. Бир тармоқда яратилган маҳсулот бошқа тармоқда истеъмол қилинади ёки пировард маҳсулотга айлантирилиб, ўз истеъмолчисини топади. Масалан, қишлоқ хўжалик маҳсулотларнинг кўпчилик қисми (пахта, ғалла, пилла, сут ва ҳ.к.) саноатнинг тегишли тармоқларида қайта ишланиб, пировард маҳсулотга айлантирилади ва истеъмолчилик товарлари бозорига чиқарилади. Ўз навбатида саноатнинг ишлаб чиқариш воситалари яратадиган соҳаларнинг маҳсулотлари халқ хўжалигининг бошқа тармоқлари (қишлоқ хўжалиги, қурилиш ва ҳ.к.)да унумли истеъмол қилинади. Бу уларнинг бир-бирига боғлиқликда ривожланишини тақозо қилади. Тармоқлараро мутаносибликларга саноат билан қишлоқ хўжалиги ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқлари ўртасидаги мутаносибликлар мисол бўлади.

**3. Тармоқ ичидаги мутаносибликлар.** Тармоқлараро мутаносиблик ва миллий ишлаб чиқариш даражасидаги мувозанатлик тармоқлар ичидаги мутаносиблик орқали таъминланади. Тармоқлар ичидаги мутаносиблик алоҳида олинган тармоқ таркибидаги соҳа ва ишлаб чиқаришлар ўртасидаги боғлиқликни ифодалайди. Масалан, саноатнинг ишлаб чиқариш воситалари ва истеъмол буюмлари ишлаб чиқарадиган соҳалари, қишлоқ хўжалигининг деҳқончилик ва чорвачилик соҳалари ўртасидаги мутаносибликлар ва ҳ.к. Шу билан бирга таъкидлаб ўтилган соҳаларнинг ичидаги таркибий бўлинмалар ўртасида ҳам боғлиқлик бўлиши зарур. Масалан, саноатнинг қазиб олиш ва қайта ишлаш тармоқлари, чорвачиликнинг сут ва гўшт ишлаб чиқариш соҳалари ўртасида ва бошқалар

**4. Ҳудудий (территориал) мутаносибликлар.** Иқтисодий ривожланиш мамлакат айрим ҳудудлари ўртасидаги боғлиқликни ҳам тақозо қилади. Юзаки қараганда ҳудудлар ўртасидаги мутаносибликларнинг мамлакат иқтисодий

ривожидаги роли тўлиқ намоён бўлмайди. Лекин алоҳида ҳудудий бўлинмалар (вилоят, туман, шаҳар ва бошқа ҳудудий бирликлар)нинг бир-бирига иқтисодий ва ташкилий жиҳатдан боғлиқлиги, ихтисослашиш, ишлаб чиқариш кооперацияси ва коммуникация нуқтаи-назаридан қаралса, бу боғлиқликнинг аҳамияти яққол кўринади.

**5. Давлатлараро мутаносибликлар.** Бу мутаносибликни икки ҳолат тақозо қилади. Биринчидан, дунёнинг кўпчилик мамлакатлари халқаро меҳнат тақсимоти орқали бир-бири билан боғланган, иккинчидан, шу боғлиқлик орқали миллий ишлаб чиқаришнинг бир қисми чет элликлар томонидан харид қилинади ёки миллий ишлаб чиқарувчилар ўз истеъмолининг бир қисмини четдан келтирилган маҳсулотлар ҳисобига қондиради.

Қараб чиқилган мутаносибликларга эришиш орқали миллий ишлаб чиқаришнинг мувозанатли ривожини таъминлаб боришдан қуйидагилар кўзда тутилади:

- мамлакатда мавжуд бўлган иқтисодий ресурслардан самарали фойдаланган ҳолда жамиятнинг эҳтиёжларини тўларок қондириб бориш;
- тўла бандлиликка эришиш, яъни меҳнат қилишга лаёқатли бўлган ва ишлашни хоҳлаганларни тўлиқ ва самарали иш билан таъминлаш;
- нарх-навонинг нисбий барқарорлигига эришиш ва уни инфляция таъсиридан холи қилиш;
- иқтисодиётнинг бир маромда ўсиб боришини етарли даражада инвестиция билан таъминлаш ва муомаладаги пул массасига боғлаб бориш.

Бу мақсадлар фақатгина уларга интилиш бўлиб, бунга эришиш муқаррар эканлигини билдирмайди. Чунки мутлоқ мувозанатга эришиш мумкин эмас, у бузилиб ва қайтадан тикланиб туриши орқали иқтисодий ўсиш нотекис боради.

Иқтисодиёт ўта мураккаб, серқирра ва турли жиҳатларни қамраб олувчи ўзига хос тизимдир. Иқтисодиётнинг самарали амал қилиши ва ривожланиши мана шу тизим таркибий қисмларининг ўзаро уйғунлик ва мувофиқликдаги ҳаракатига боғлиқ. Бундан кўринадики, иқтисодий мутаносиблик иқтисодиётнинг турли томонлари ва соҳалари ўртасида амал қилиб, уларнинг мақсадга мувофиқ ҳаракатини тартибга солади.

## 14.3. Ўзбекистонда ишлаб чиқаришнинг таркибий тузилишини қайта қуриш жараёнида макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш муаммолари

Ўзбекистон мустақилликка эришишдан олдин республикада ишлаб чиқарилган пахта толаси асосан Россиянинг марказий шаҳарларида қайта ишланиб ва пахтамиздан олинадиган газмол ва тикувчилик маҳсулотларини четдан олиб келишга мажбур эдик.

Ўзбекистон ресурсларга бой мамлакат бўла туриб, иқтисодий тараққиётда кўпгина Шарқ мамлакатларидан орқада қолиб кетди. 1990 йили аҳоли жон бошига ишлаб чиқариш бўйича дунёда 75-80 ўринни эгаллади, ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати, унинг таркибий структураси, таркибининг янгиланиши, яъни диверсификацияси жиҳатидан дунё талабларидан анча орқада қолди.

Ўзбекистоннинг ишлаб чиқариши кўп жиҳатдан аграр хомашё характерига эга эди ва саноати яхши ривожланмади. 1960-1990 йиллар ичида саноатнинг миллий даромадни яратишдаги ҳиссаси ўзгармади.

Вужудга келган номутаносибликлардан яна бири йирик, ўрта ва майда корхоналар ўртасидаги нисбатдир. Собиқ иттифоқ вазирлик ва маҳкамалари томонидан барпо қилинган корхона ва бирлашмалар асосан улкан ҳажмли бўлиб, йирик ишлаб чиқаришга мўлжалланган эди. Бу, албатта, республикада саноат ишлаб чиқаришнинг анъанавий турларини ривожлантириш, меҳнат жамоаларининг ҳаракатчанлик қобилиятини ошириш, бозор конъюнк-турасига тезкор мослашув каби талабларга жавоб бермасди.

Ўзбекистон иқтисодиётида 1970-1980 йиллар мобайнида бутун саноат маҳсулоти миқдорида ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқаришнинг ҳиссаси бир оз камайиб, истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсганлигига қарамасдан, таркиб топган бу нисбатни мақсадга мувофиқ деб ҳам бўлмайди. Истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш бундан ҳам юксакроқ ривожланиши керак. Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шундан далолат беради.

Ўзбекистонда саноат ишлаб чиқаришида вужудга келган номутаносибликлардан яна бири - қазиб олувчи ва қайта ишловчи тармоқлар ривожланиши ўртасидадир. Минерал хомашёларнинг катта қисми қайта ишланмаган ёки ярим тайёр маҳсулот ҳолида республикадан чиқиб кетарди. Кўпгина тоғ-руда комбинатлари хомашёни қайта ишлашнинг паст даражаси билан ажралиб турарди. Бунинг сабаби шуки, иттифоқ аҳамиятидаги улкан корхоналар қазиб олувчи саноатни республика ичкарисида минерал хомашёни чуқур қайта ишлашга, вертикал интеграция жараёнини, диверсификацияни ривожлантиришга эмас, балки хомашё чиқаришга бўйсундирган.

80-йилларнинг охирига келиб, Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида ҳам мураккаб вазият ва номутаносибликлар вужудга келди.

Деҳқончиликда, чорвачиликда суръат пасая бошлади. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш даражаси борган сари унинг техник жиҳозлаш суръатларидан ҳам, аҳолининг табиий ўсиш суръатларидан ҳам орқада қола бошлади. 1980-1990 йилларда ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулоти ишлаб чиқариш суръати республикада аҳоли табиий ўсиши суръатидан икки марта, асосий ишлаб чиқариш фондлари билан таъминлашдан уч мартадан зиёд паст бўлди.

Табиийки, бундай шароитда асосий муаммо мўл-кўлчилик, ички озиқ-овқат бозорини шакллантириш, ортиқчасини ташқи бозорга олиб чиқиш эмас, аҳолини минимал зарурий истеъмол маҳсулотлари билан таъминлаш бўлиб қолади.

1980-1991 йиллар ичида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқа-риш ҳаммаси бўлиб 8,9 фоизга ўсди. Бу мамлакат аҳолиси ўсишидан ҳам, қишлоқ хўжалигини асосий фондлар билан таъминлаш ва капитал сармоялар сарфидан ҳам паст кўрсаткичдир. 1980-1991 йиллар мобайнида пахта хомашёси ва толаси, ғалла ишлаб чиқариш пасайди. Буни қуйидаги 14.2.1-жадвалдан кўриш мумкин.

**14.2.1-жадвал**

**Ўзбекистонда 1980-1991 йилларда қишлоқ хўжалик экинларининг ялпи йиғим-терими, (барча турдаги хўжаликларда, минг тонна)**[1]

| Йиллар | пахта | | ғалла | картошка | сабзавот |
|---|---|---|---|---|---|
| | хомашё | тола | | | |
| 1980 | 5579,0 | 1623,5 | 2435,4 | 239,0 | 2459,1 |
| 1985 | 5381,8 | 1727,7 | 1471,3 | 240,7 | 2385,6 |
| 1990 | 5057,7 | 1592,6 | 1898,7 | 336,4 | 2842,5 |
| 1991 | 4645,8 | 1443,2 | 1908,2 | 351,2 | 3348,0 |

[1]Тўхлиев Н. “Ўзбекистон иқтисодиёти”. Т., «Ўқитувчи», 1994. 50-бет.

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 1980-1991 йил-ларда ўсиш, % | 83,3 | 88,9 | 78,3 | 146,2 | 136,0 |

Пахтачиликда бу ҳодиса асосан икки сабабга кўра рўй берди. Биринчидан, пахта майдонлари бошқа экинлар, жамоа ва давлат хўжалик-лари ишчиларининг шахсий томорқа хўжалиги ҳисобига қисқартирилди.

Иккинчидан, ҳосилдорликнинг пасайиши ҳам унинг ялпи йиғим-терими миқдорига салбий таъсир кўрсатди. Ғаллачиликда ҳам пасайиш ҳосилдорлик ҳисобига бўлди. Картошка ва сабзавот ишлаб чиқариш анча ўсди. Бу ўсиш экин майдонларини кенгайтириш (экстенсив йўл) ҳисобига таъминланди.

**14.2.2-жадвал**

**Ўзбекистондаги барча хўжалик турлари бўйича 1 гектар ердаги экинлар ҳосилдорлиги, (центнер ҳисобида)[1]**

| Йиллар | пахта | | ғалла | картошка | сабзавот |
|---|---|---|---|---|---|
| | хомашё | тола | | | |
| 1980 | 29,7 | 8,6 | 20,7 | 100 | 221 |
| 1985 | 27,0 | 8,7 | 15,1 | 90 | 199 |
| 1990 | 27,6 | 8,7 | 18,8 | 80 | 192 |
| 1991 | 27,0 | 8,4 | 17,3 | 87 | 188 |
| 1980-1991 йил-ларда ўсиш, % | 90,0 | 97,7 | 83,6 | 87,0 | 85,1 |

14.2.2-жадвалдан кўриниб турибдики, асосий қишлоқ хўжалик экинлари бўйича ҳосилдорлик пасайди. 1980-1990 йиллар мобайнида барча хўжалик тоифаларида чорвачилик маҳсулотларини етиштириш сезиларли ўсганини таъкидлаш ўринлидир.

Умуман олганда, қишлоқ хўжалиги аянчли ҳолатга тушиб қолган эди. Бунинг сабаблари анчагина. Энг аввало, шуни таъкидлаш лозимки, бу ерда қарор топган ишлаб чиқариш таркиби озиқ-овқат маҳсулотларини мўл-кўл қилишга эмас, балки саноат марказларини арзон хомашё билан таъминлашга, марказий маҳкамалар иродасини бажаришга қаратилган эди. Шунинг учун ҳам, деҳқончилик экинлари орасида асосий ўринни техника экинлари жумладан, пахта эгаллаб келди.

Жаҳондаги тараққий этган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, саноатсиз қишлоқ хўжалигини ривожлантириб бўлмайди. Қишлоқ хўжалигининг қолоқлиги саноатнинг ночорлиги билан, унинг тараққиёт даражаси билан белгиланади. Саноат ночор бўлса, қишлоқ хўжалиги ҳам ночор бўлади.

Ўзбекистон Республикасида 1991 йилгача ижтимоий меҳнат тақсимо-тига кўра, пахта толаси ишлаб чиқаришга нисбатан юқори даражада ихти-сослашган эди. Масалан, ушбу даврларда пахта майдонлари республиканинг умумий экин майдонларининг 75 фоиздан кўпроқ қисмини ташкил этар эди. Президентимиз И.Каримов сўзларига кўра, «жаҳонни бирорта мамлакатида, ерни яроқсиз ҳолатга олиб келадиган унинг унумдорлиги, кимёвий тарки-бини бузадиган бундай юқори даражадаги пахта монополияси бўлмаган»[9].

Юқорида баён этилган иқтисодиётдаги салбий ҳолатлар аҳоли турмуш даражасига ҳам ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмади.

Ўзбекистоннинг ЯИМни аҳоли жон бошига ишлаб чиқариш кўрсат-кичи бўйича собиқ республикалардан бундай орқада қолишининг асосий сабабларидан бири -

[1]Тўхлиев Н. "Ўзбекистон иқтисодиёти". Т., «Ўқитувчи», 1994. 50-бет.
[9]Каримов И.А. «Янгича фикрлаш ва ишлаш - давр талаби». Т., «Ўзбекистон», 1997. 16-бет.

собиқ иттифоқдаги субъектив тарздаги нотўғри ҳудудий меҳнат тақсимотидир. Ўзбекистон иттифоқнинг асосий пахта базаси, ипакчилик, қоракўлчилик ва бошқа маҳсулотларнинг асосий ишлаб чиқарувчиси бўлиб, уларни хомашё тарзида четга чиқарган. Бу тармоқларда эса, қўл меҳнатининг улуши юқори бўлиб, меҳнат унумдорлиги эса паст даражада бўлган эди.

Давлат мустақиллигининг қўлга киритилиши билан Ўзбекистон учун иқтисодий ва ижтимоий тараққиётнинг кенг истиқболлари очилди ва ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш йўли танлаб олинди. Республикада барқарор иқтисодий ўсиш ва аҳоли фаровонлигини таъминлаш учун иқтисодиётимизнинг таркибий тузилишида туб ўзгаришлар қилиш муҳим вазифалардан бири сифатида белгилаб олинди.

Иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни амалга оширишда асосан икки муҳим муаммони ҳал этишга эътибор қаратилиши лозим. Биринчидан, мустақил давлатчиликни шакллантирган ҳолда бозор иқтисодиёти инфратузилмасини вужудга келтириш; иккинчидан жамият аъзоларининг яшаши ва меҳнат қилишлари учун ҳар томонлама қулай шароитлар яратишдан иборат.

## Такрорлаш учун савол ва топшириқлар

1. Иқтисодий мувозанатлик, хусусий ва умумий мувозанатликларга тавсиф беринг. Уларга мисоллар келтиринг.
2. Миллий иқтисодиётнинг мувозанатлик даражасига эришишда хусусий мутаносибликларнинг роли қандай? Мутаносибликнинг қандай турларини биласиз? Уларга қисқача таъриф беринг.
3. Макроиқтисодий барқарорлик нима? Унга эришиш йўллари қандай?
4. Республикада иқтисодиёт таркибий тузилишини қайта қуришларни қайси йўлларда амалга ошириш кўзда тутилган?

# 15-МАВЗУ. ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШНИНГ ЦИКЛЛИЛИК ХАРАКТЕРИ

1.Цикллилик — иқтисодий тараққиётнинг умумий шакли эканлиги.
2.Иқтисодий циклнинг монетаристик, иқтисодий беқарорлик (Ж.Хикс) назариялари.
3.Ўзбекистонда инқирозли жараёнларнинг намоён бўлиш хусусиятлари ва уни бартараф этиш йўллари.

**Асосий таянч тушунчалар:** Иқтисодий цикл, иқтисодий инқироз, турғунлик (депрессия), жонланиш, юксалиш, таркибий инқирозлар, аграр инқирозлар, экстернал назария, интернал назария, соф монетар назария, номонетар назария, етарлича истеъмол қилмаслик назарияси, жамғариш назарияси, психологик назария

## 15.1. Цикллилик - иқтисодий тараққиётнинг умумий шакли эканлиги

Ҳар қандай мамлакат, шу жумладан индустриал ривожланган мамлакатлар ҳам иқтисодий ўсиш, иқтисодий ресурсларнинг тўла бандлиги ва нархларнинг барқарор даражасига эришишга ҳаракат қиладилар. Аммо узоқ муддатли иқтисодий ўсиш бир текис ва узлуксиз бормайди, у иқтисодий беқарорлик даврлари билан узилиб туради. Иқтисодий ўсиш кетидан доимо таназзул келиб туради. Вақти-вақти билан объектив қонунларнинг ўзгартириб бўлмайдиган таъсири остида такрор ишлаб чиқариш ҳаракатида узилишлар пайдо бўлади ва бу узилиш иқтисодиёт номутаносибликларининг кескин шаклда намоён бўлиши ҳисобланади. Бу ҳолат иқтисодий адабиётларда **иқтисодиётнинг циклли ривожланиши** деб аталади.

**Иқтисодий цикл деганда, одатда иқтисодиёт ривожланишининг бир ҳолатидан бошланиб, бирин кетин бир неча фазаларни босиб ўтиб, ўзининг дастлабки ҳолатига қайтиб келгунга қадар ўтган давр тушунилади.** Иқтисодиётнинг ривожланишидаги ҳаракати бир цикл билан тўхтаб қолмайди, балки у тўхтовсиз тўлқинсимон ҳаракат сифатида давом этади. Цикли ҳаракат иқтисодий ўзгаришнинг муҳим омили, макроиқтисодий мувозанат унсурларидан бири бўлиб, миллий хўжалик турли таркибий қисмларининг амал қилишидаги нотекисликни, унинг ривожланишидаги инқилобий ва тадрижий босқичларнинг, иқтисодий тараққиётнинг алмашувини акс эттиради.

Иқтисодий цикл махсус фазалар орқали амалга ошади. Ҳар бир фаза иқтисодий ривожланишдаги муайян паллани ифодалаб, ўзига хос хусусиятларга эга бўлади. Одатда иқтисодий циклнинг **инқироз, турғунлик, жонланиш, юксалиш** фазалари ажратиб кўрсатилади. Ана шу фазаларнинг ҳар бири ривожланиши жарёнида навбатдаги фазага ўтиш учун шароит юзага келади.

Иқтисодий циклнинг дастлабки фазаси **инқироздан** бошланиб, у ишлаб чиқаришнинг пасайишида ифодаланади. Инқироз фазасининг асосий белгилари ва ўзига хос хусусиятларини мазкур бобнинг 3-бандида батафсил баён этилади.

Инқироздан кейин **турғунлик фазаси** бошланиб, у нисбатан узоқроқ давом этади. Бу фазада ишлаб чиқариш даражасининг барқарорлиги таъминлансада, у инқироз бошланишидан олдинги даражага нисбатан анча паст бўлади. Нархларнинг пасайиши тўхтаб, ссуда фоизлари пасаяди, товар заҳиралари барқарорлашади. Бироқ ишсизликнинг юқори даражаси сақланиб қолади. Турғунлик фазаси давомида иқтисодий фаоллик жонланиши учун шароитлар вужудга келиши ниҳоясига етади.

**Жонланиш фазасида** ишсизлик даражаси бир оз қисқариб, ишлаб чиқариш даражаси секин-аста ўсиб боради. Нархлар ҳам аста кўтарилиб, ссуда фоизи ўса бошлайди. Иқтисодиётнинг бандлик даражасининг ортиши ва фойда ҳажмининг тезлик билан ўсиши жонланиш фазасининг юксалиш босқичига ўсиб ўтишига имконият яратади. Янги цикл юксалишнинг бошланғич нуқтаси ҳисобланади.

**Юксалиш фазасида** ишчи кучига бўлган талабнинг кенгайиши ишсизликнинг бирмунча камайишига ҳамда иш ҳақининг ўсишига олиб келадики, бунинг оқибатида истеъмол товарларига тўловга қодир талаб кенгаяди. Пировард талабнинг ошиши, ўз навбатида, истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи тармоқларга, бозорни кенгайтиришга жадал туртки беради. Рақобат ва фойда кетидан қувиш оқибатида номутаносибликларнинг тўпланиб боришидан иборат занжирли реакция тезлашади. Бу билан янги инқироз муқаррар бўлиб қолади.

Ҳозирги замон иқтисодий адабиётларида АҚШ Иқтисодий тадқиқотлар миллий бюроси (NBER) томонидан ишлаб чиқилган атамалардан кенг фойдаланилади.[10] Унга кўра цикл ўз ичига қуйидаги тўртта фазани, яъни **юқори нуқта** (чўққи, бум), **қисқариш** (рецессия, тушкунлик), **қуйи нуқта** (турғунлик), **жонланиш** (кенгайиш)ни олади.




**15.1.1-чизма. Иқтисодий циклнинг иккинчи кўриниши.**

Қуйидаги 15.1.1-чизмада АҚШ ва бошқа айрим мамлакатлар иқтисодчилари томонидан тан олинган иқтисодий цикл кўрсатилган. Циклнинг энг юқори нуқтасида иқтисодиётда тўлиқ бандлилик кузатилади ва ишлаб чиқариш тўлиқ ёки деярли тўлиқ қувват билан ишлайди. Циклнинг бу фазасида нарх даражаси ўсиш тамойилига эга бўлади, иқтисодий фаолликнинг ўсиши тўхтайди.

Бу иккала кўринишдаги цикл бир-биридан шаклан фарқлансада, мазмун жиҳатидан ўхшаш бўлиб, инқироз ва ўсишларнинг муқаррар равишда маълум даврларда такрорланиб туриши тан олинади.

[10]Қаралсин: Экономическая теория: Учебник. - Изд., испр. и доп. / Под общ. ред. акад. В.И.Видяпина, А.И.Добрынина, Г.П.Журавлевой, Л.С.Тарасевича. – М.: ИНФРА-М, 2005, 465-485-б.

## 15.2. Иқтисодий циклнинг монетаристик, иқтисодий беқарорлик назариялари

Иқтисодий циклларнинг келиб чиқиш сабаблари ва уларга таъсир кўрсатувчи омилларнинг чуқур ва изчил равишда тадқиқ этилиши турли кўринишдаги иқтисодий цикл назарияларининг вужудга келишига олиб келди.

Кўпчилик ҳозирги замон иқтисодчилари иқтисодий циклларнинг объектив тавсифини тан олиб, бу ҳодисани унга таъсир кўрсатувчи ички ва ташқи омилларни таҳлил қилиш орқали ўрганишни тавсия қилади. Иқтисодий циклларни ташқи омилларнинг мавжудлиги билан тушунтирувчи назарияни **экстернал назария** деб аташ қабул қилинган.

Ташқи омилларга иқтисодий тизимдан ташқарида ётувчи ва иқтисодий ҳодисаларнинг даврий такрорланишини келтириб чиқарадиган омиллар киритилади. Бу ташқи омиллар ичидан қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

– урушлар, инқилобий ўзгаришлар ва бошқа сиёсий ларзалар;

– олтин, уран, нефть ва бошқа қимматли ресурслар йирик конларининг очилиши;

– янги ҳудудларнинг очилиши ва бу билан боғлиқ равишда аҳоли миграцияси, ер шари аҳолиси сонининг ўзгариб туриши;

– ижтимой ишлаб чиқариш таркибини тубдан ўзгартиришга қодир бўлган технология, тадқиқотлар ва инновациялардаги қудратли ўзгаришлар.

**Интернал назария** иқтисодий циклларни иқтисодий тизимнинг ўзига хос ички омиллар туғдиради деб ҳисоблайди.

Асосий капиталнинг жисмоний хизмат муддати кўпчилик иқтисодчилар томонидан иқтисодий циклни келтириб чиқарувчи муҳим омиллардан бири сифатида қаралади.

Агар бир ёки бир неча тармоқда машина-ускуналарга талабнинг кескин ортишини келтириб чиқарадиган иқтисодий ўсиш бошланса, табиийки, бу ҳол машина ва ускуналар тўлиқ эскирадиган ҳар 10-15 йилдан кейин такрорланади.

Бошқа ички омиллардан қўйидагилар ажратиб кўрсатилади:

– шахсий истеъмолнинг ўзгариши (қисқариши ёки кенгайиши);

– инвестициялар, яъни ишлаб чиқаришни кенгайтириш, уни янгилаш ва янги иш жойларини вужудга келтиришга йўналтириладиган маблағлар ҳажми;

– ишлаб чиқариш, талаб ва таклифлар ҳажмига таъсир кўрсатишга қаратилган давлат иқтисодий сиёсатининг ўзгариши.

Иқтисодий циклларнинг келиб чиқишини фақат экстернал ёки интернал назария орқали тушунтириш кўпам тўғри эмас. Иқтисодий цикл ва умуман иқтисодий тизимдаги миқдорий ва сифат ўзгаришлар ташқи ва ички омиллар оқибатида келиб чиқиши мумкин эмас.

Шунингдек, иқтисодиётнинг циклли ривожланиши сабабларини изоҳлашда бир қатор қуйидаги назариялар ҳам илгари сурилади:

**Соф монетар назария.** Бу назария тарафдорларининг фикрича бозор иқтисодиётида марказий ўринни пул ва кредит эгаллайди. Иқтисодиётнинг циклли ўзгариши энг аввало пул массасининг оқимини ўзгартиришга боғлиқ.

Иқтисодий фаолликнинг ўсиши, иқтисодиётнинг равнақ топиши унинг турғунлик Билан алмашиниб туришига ягона сабаб пул оқимининг ўзгаришидир. Товарларга талабнинг ортиши натижасида савдо, чакана нарх ўсиб, ишлаб чиқаришнинг кенгайишига олиб келади.

Пул оқими (истеъмол харажатлари суммаси) пул миқдорининг ўзгариши натижасида ўзгаради. Пул миқдорининг камайиши иқтисодий фаолият фаоллигини пасайтиради.

Пул ва кредит тизими беқарор тавсифга эга эканлиги сабабли пул оқимини барқарорлаштириш мураккаб ҳисобланади. Ҳозирги пайтда кредит пуллари тўлов ва муомала воситаси сифатида асосий ролни ўйнайди. Айнан банк тизими кредит пулларни яратади, шунга кўра, пул оқимининг ўзгаришида банкларнинг ҳисоб ставкалари катта аҳамият касб этади. Бу назариянинг айрим намояндалари пулни ҳаракатга келтирувчи куч сифатида қараб, мувозанатнинг бузилишига асосий сабаб деб кўрсатадилар.

Иккинчи гуруҳи эса пул тизими мутаносибликни бузмайди, фақат мутаносибликни бузилишига олиб келувчи бошқа омиллар учун шароит яратади, деган фикрни илгари сурадилар. Мувофиқ равишда монетар ва номонетар йўналиш вужудга келди. Монетар назариянинг эътиборли томонлари сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

1) юксалиш фазаси даврида кредитни кенгайтириш туфайли келиб чиққан ишлаб чиқариш тузилмаси номутаносибликларини таҳлил қилинади;

2) мазкур номутаносибликларнинг салбий оқибати сифатида келиб чиқувчи инқирозлар таҳлил қилинади.

Шундай қилиб, бу назария жамғаришнинг даврий равишда ошиб кетиши ва мутаносибликнинг бузилишининг асосий сабаби сифатида пулни кўрсатадилар. **Номонетар назария** тарафдорлари эса технологик ўзгаришлар, янгиликлар, ихтироларнинг аҳамиятини алоҳида таъкидлаб, пул жамғаришнинг кўпайиб кетишидаги ролини кўрсатишади. Монетар ва номонетар йўналиш ўртасидаги фарқ унча катта эмас, бири иккинчисини тўлдиради.

Ҳар иккала назария ҳам охир-оқибат иқтисодий фаолликнинг кучайишига истеъмол эмас, балки инвестиция сабаб бўлади, деган фикрни илаги суради.

Иқтисодий циклларни истеъмол товарларига талабни ўзгаришига боғлаб, акселерация принципига эътибор қаратилади. Бу принцип моҳиятига кўра техник сабаблар туфайли истеъмол товарларига бўлган талабнинг озгинагина ўзгариши ишлаб чиқариш учун зарур товарларга талабни кескин ўзгаришига олиб келади.

**Етарлича истеъмол қилмаслик назарияси.** Бу назариянинг моҳияти кўпроқ жамғариб, самарали даражада истеъмол қилмаслик жамиятни циклли ривожланишининг сабаби қилиб кўрсатилади.

1. Маблағни жамғариш, бошқача айтганда хазинага айлантириш турғунликка олиб келиши мумкин, чунки бу маблағ инвестициялаш учун фойдаланилмайди.

2. Пулни жамғариш истеъмол товарларига талабнинг қисқаришига олиб келади, чунки у истеъмолга сарфланмайди.

3. Натижада инвестицияга нисбатан пул шаклидаги жамғариш ҳажми ўсиб бориб, истеъмол товарларига талаб камайиб боради, таклиф эса ортади, нарх пасаяди, истеъмол товарлари бозоридаги қийинчиликлар инқирозга олиб келади.

**Жамғариш назарияси.** Бу назарияга кўра иқтисодий цикл ишлаб чиқариш воситалари ёки капиталлашган инвестицион товарлар ишлаб чиқариш билан боғлиқ. Кундалик истеъмол товарлари ишлаб чиқариш билан узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар ва ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқариш цикллари ўрастида катта фарқ бор.

Кундалик истеъмол моллари доимий равишда истеъмол қилинади. Уларнинг истеъмол миқдори ўзгарган тақдирда ҳам унча катта ўзгаришлар содир бўлмайди.

Узоқ муддат фойдаланиладиган товарларни домий равишда харид қилинмайди. Балки улар истеъмолчи даромади кўпайган пайтдагина сотиб олинади.

Истеъмол ўсган сари капитал товарларга талаб ҳам ортади. Бунда ишлаб чиқариш таркибида номутаносибликлар юз беради, яъни истеъмол товарлари, узоқ муддат фойдаланиладиган ва капитал товарлар ўртасида нисбатлар бузилади.

Инқирознинг сабаби пул етишмаслиги, банк резервларининг камлиги туфайли эмас, балки ана шу нисбатларнинг бузилишидир. Лекин кўпчилик иқтисодчилар етарли даражада истеъмол қилмаслик инқирознинг сабаби эмас, балки унинг оқибатидир, деб таъкидлайдилар. Яъни истеъмолчилар даромадларини кўпроқ жамғаришга ажратганларидан эмас, балки тўлов қобилиятини етарли эмаслигидан, яъни харид қилиш учун пулни йўқлигидан келиб чиқади.

**Психологик назария.** Иқтисодиётнинг циклли ривожланишини тушунтиришда иқтисодий назариялар билан бир қаторда психологик назариялар ҳам кенг ўрин олиб бормоқда. Психологик назария тарафдорларига Ж.М.Кейнс, У.Митчелл, Ф.Хайек ва бошқаларни киртиш мумкин. Уларнинг фикрича, инсондаги оптимизм ва пессимизм фаолият активлигига объектив иқтисодий омиллар: фоиз нормаси, пул оқими, фойда ва бошкалар таъсир кўрсатиб, бунинг натижасида ишлаб чиқаришнинг қисқариши ёки кенгайиши рўй беради.

## 15.3. Ўзбекистонда инқирозли жараёнларнинг намоён бўлиш хусусиятлари ва уни бартараф этиш йўллари

Инсоният тараққиётининг ҳозирги босқичи глобаллашув жараёнларининг жадал ривожланиши орқали тавсифланади. Глобаллашувни иқтисодий жиҳатдан қарайдиган бўлсак, у жаҳон хўжалигининг бутун маконини қамраб олувчи иқтисодий муносабатлар тизимининг ташкил топиши ва ривожланишини англатади.

Глобаллашув жараёнларининг кенгайиши жаҳон мамлакатлари ўртасидаги иқтисодий муносабатларнинг янада такомиллашувига олиб келади. Жумладан, глобаллашув натижасида трансмиллий корпорациялар, уларнинг турли кўринишдаги халқаро бирлашмалари фаолиятининг таркиб топиши ва кенгайиши, халқаро ишлаб чиқариш кооперацияси ва меҳнат тақсимотининг нисбатан юқори даражага ўтиши, халқаро иқтисодий ташкилотлар фаолиятининг янада кучайиши рўй беради.

Умуман олганда, глобаллашув жараёнлари жаҳон хўжалигининг яхлит иқтисодий тизим сифатида ривожланишида сифат босқичи ҳисобланиб, янги имкониятларни очиб беради.

Бироқ, глобаллашув жараёнини мутлақлаштириш ва унга бир томонлама қараш тўғри бўлмайди. Чунки, мазкур жараён ўзининг ижобий жиҳатлари билан бир қаторда зиддиятли томонларига ҳам эга. Жаҳоннинг бир мамлакатида рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий ларзаларнинг муқаррар равишда бошқа мамлакатларга ҳам ўз таъсирини ўтказиши шулардан бири ҳисобланиб, бугунги кунда рўй бераётган молиявий инқироз ҳам айнан шу маънода глобаллашув жараёнларининг оқибати ҳисобланади.

### Такрорлаш учун савол ва топшириқлар

1. Макроиқтисодий барқарорлик нима?
2. Иқтисодий инқирозлар моҳияти нимада ифодаланади?

3. Иқтисодий циклнинг таърифини беринг ва унинг ҳар бир фазасининг ўзига хос белгиларини кўрсатинг.

4. Циклли тебранишлар вужудга келишининг сабабларини кўрсатинг.

5. Аграр инқирозларнинг хусусиятларини баён қилинг.

6. Иқтисодий цикл асосий турларига тавсиф беринг ва муҳим белгиларини кўрсатинг.

7. Иқтисодий циклнинг оқибатларини баҳоланг.

## 16- МАВЗУ. ДЕМОГРАФИК ҲОЛАТНИНГ МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИГА ТАЪСИРИ

1.Аҳоли ўсиши ва иқтисодий таққиёт ўртасидаги боғлиқлик тўғрисидаги турли хил назариялар.
2.Аҳоли ўсишининг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари.
3.Аҳоли миграцияси ва унинг асосий турлари.

**Асосий таянч тушунчалар:** Демография, аҳоли, миграция. Иммигарация, эммиграция, аҳолининг табиий ўсиши.

### 16.1. Аҳоли ўсиши ва иқтисодий таққиёт ўртасидаги боғлиқлик тўғрисидаги турли хил назариялар

Демографик омилнинг ўзгариб бориши глобал муаммо бўлиб, у кўп жиҳатдан жамиятнинг ҳолати ва ривожланишини белгилайди. Жамиятда амалга оширилаётган ҳар қандай ишлаб чиқариш жараёни ижтимоий ишлаб чиқариш ҳисобланади. Чунки, унда иштирок этаётган барча ишлаб чиқариш омиллари – меҳнат предметлари, меҳнат қуроллари, ишчи кучи ҳамда ишлаб чиқаришнинг бошқа шароитлари ўз тавсифига кўра ижтимоий аҳамият касб этади. Масалан, бир томондан, ишлаб чиқариш жараёнида қўлланилаётган станок – бу ўтган даврлар давомида йиғилиб келаётган кўплаб инсонлар буюмлашган меҳнати ҳамда уни яратишда бевосита иштирок этган кўплаб кишилар жонли меҳнатининг натижасидир. Бошқа томондан эса, ушбу станок воситасида яратилаётган маҳсулот ҳам аниқ бир кишининг эмас, балки бир-бирлари билан ишлаб чиқариш алоқалари орқали боғланган кишилар гуруҳи меҳнатининг натижасидир. Шунингдек, мазкур маҳсулотнинг бозор шароитида ҳали номаълум бўлган истеъмолчи учун ишлаб чиқарилишининг ўзи ҳам мазкур жараённинг ижтимоий тавсифини намоён этади. Демак, юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда таъкидлаш мумкинки, меҳнат тақсимоти ва кооперацияси, ихтисослашув, фан-техника тараққиётининг кучайиши каби жиҳатлар ишлаб чиқаришнинг ижтимоий тавсифини кучайтиради. Ижтимоий ишлаб чиқариш шароитида унинг омилларига ҳам худди шундай нуқтаи назардан ёндашиш зарурати пайдо бўлади.

Ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнида ялпи ишчи кучи муҳим ва етакчи омиллардан ҳисобланади. **Ялпи ишчи кучи – бу жамият ёки алоҳида олинган мамлакат миқёсида қиймат ва истеъмол қийматларини яратишда иштирок этувчи бир-бири билан чамбарчас боғлиқ ҳолда фаолият қилувчи ишчи кучларининг умумлаштирилган мажмуи.** Ялпи ишчи кучининг такрор ҳосил қилиниши жараёнларини ўрганиш муҳим бўлиб, бунда энг аввало ишчи кучининг ўзига тўхталиш мақсадга мувофиқдир.

**Ишчи кучи– бу инсоннинг меҳнатга бўлган ақлий ва жисмоний қобилиятларининг йиғиндиси бўлиб, жамиятнинг асосий ишлаб чиқарувчи кучи ҳисобланади.** Такрор ишлаб чиқариш жараёнида фақатгина ишлаб чиқаришнинг моддий-ашёвий омилларигина эмас, балки шахсий омили, яъни ишчи кучи ҳам такрор ишлаб чиқарилади.

**Ишчи кучини такрор ҳосил қилиш ёки уни такрор ишлаб чиқариш деганда энг аввало ишчининг меҳнат қобилиятини қайта тиклаши, яъни унинг овқатланиши, кийиниши, дам олиши ва маданий ҳордиқ чиқариши тушунилади.** Бу эса ишчи учун оила, уй-жой ва бошқа шарт-шароитлар яратилиши билан

боғлиқдир. Бундан ташқари ишчи ва хизматчиларнинг ҳозирги авлоди маълум вақт ўтиши билан қарийди. Уларнинг ўринларини босадиган ўринбосарлар ҳам тайёрланиши лозим бўлади. Бунинг учун эса ишчининг оиласи, фарзандлари бўлиши лозим, уларнинг ўсиб-улғайиши, ўқиши, замон талабига жавоб берадиган ишчи кучи сифатида камол топиши учун ҳам шарт-шароит бўлиши зарур.

Ишчи кучини такрор ҳосил қилиш жараёнини тадқиқ этиш унинг миқдорий ва сифат жиҳатларини ажратишни тақозо этади. **Ишчи кучининг миқдори мамлакат аҳолисининг меҳнатга лаёқатли бўлган қисми орқали ифодаланиб, у ишчи кучи ресурслари деб ҳам аталади.** Инсоннинг ишчи кучи ресурслари таркибига киритилишининг асосий мезони унинг ёши ва меҳнатга бўлган қобилияти ҳисобланади. Одатда ишчи кучи ресурслари таркибига 16 ёшдан 60 ёшгача бўлган эркаклар, 16 ёшдан 55 ёшгача бўлган аёллар киритилади. Лекин ижтимоий ишлаб чиқариш ва бошқа соҳаларда банд бўлган пенсионерлар ҳам ишлаши мумкин.

**Ишчи кучининг сифати унинг таркибининг замон талаблари жиҳатидан ижтимоий ишлаб чиқариш эҳтиёжларига мувофиқлиги даражасини намоён этади.** Ишчи кучининг сифати унинг маълумот, касбий тайёргарлик, малака, иш тажрибаси даражалари каби кўрсаткичлар орқали ифодаланади. Фан-техника тараққиётининг жадаллашиб бориши билан ишчи кучининг сифатига бўлган талаб ҳам ортиб боради.

Ҳозирги даврда ишчи кучи ресурсларининг фаол ва потенциал қисми фарқланади. **Ижтимоий ишлаб чиқаришда банд бўлган ва ишлашга тайёр бўлиб, иш излаб турган шахслар ишчи кучи ресурсларининг фаол қисми ҳисобланса, ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиётганлар ва вақтинчалик уй хўжалигида, бошқа ҳар хил ишларда банд бўлганлар потенциал қисми ҳисобланади.**

Ишчи кучини такрор ҳосил қилиш инсоннинг жисмоний кучлари ва ақлий қобилиятларини узлуксиз қайта тиклаб ва таъминлаб туриш, уларнинг меҳнат малакасини муттасил янгилаб ва ошириб бориш, умумий билим ва касбий даражаси ўсишини таъминлаш демакдир. Ишчи кучини такрор яратиш ходимларни ишлаб чиқаришга жалб этишни, тармоқлар, корхоналар, минтақалар ўртасида ишчи кучи ресурсларини тақсимлаш ва қайта тақсимлашни, уларнинг ходимларга бўлган эҳтиёжлари қондирилишини ва айни пайтда мавжуд ишчи кучининг иш билан тўла ва самарали банд бўлишини таъминлайдиган ижтимоий-иқтисодий механизмини яратишни ҳам ўз ичига олади.

## 16.2. Аҳоли ўсишининг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари

**Нуфус қонуни – аҳолининг ўсиб бориши қонунидир.** Нуфус қонуни аҳолининг табиий ҳаракати, яъни ўлим даражасининг пасайиши, ҳаёт кечириш давомийлигининг узайиши, туғилишнинг оптимал даражага етиши, жамият ва алоҳида оилалар манфаатлари ўзаро уйғунлигининг таъминланиши орқали намоён бўлади.

Ишчи кучини такрор ҳосил қилиш нисбатан мустақил иқтисодий ва ижтимоий муаммо бўлиб, бу муаммонинг айрим томонлари аҳолининг табиий ҳаракатлари шаклида намоён бўлади. Шу сабабли ишчи кучини такрор ҳосил қилишнинг асоси аҳолининг табиий ўсиши ёки ҳаракати ҳисобланади.

**Аҳолининг табиий ўсиши – бу аҳолининг эмиграция (фуқароларнинг ўз мамлакатларидан бошқа мамлакатларга кўчиб ўтиши) ва иммиграция (хорижий**

**фуқароларнинг доимий яшаш учун мамлакатга кўчиб келиши)дан ташқари ҳаракатини ифодалайди.** У қуйидаги умумий коэффициентлар орқали аниқланади:

- туғилиш коэффициенти (йил давомида тирик туғилган чақалоқларнинг мавжуд аҳоли ўртача йиллик сонига нисбати);
- ўлиш коэффициенти (йил давомида ўлганларнинг мавжуд аҳоли ўртача йиллик сонига нисбати);
- табиий ўсиш коэффициенти (туғилиш ва ўлиш умумий коэффициентлари ўртасидаги фарқ). Одатда бу коэффициентлар мамлакатдаги ўртача ҳар 1000 та аҳоли сонига тўғри келувчи миқдор сифатида баҳоланади.

### 16.3. Аҳоли миграцияси ва унинг асосий турлари

Мамлакатдаги ёки айрим ҳудудлардаги ишчи кучи ресурслари миқдорига аҳолининг табиий ўсишидан ташқари ишчи кучи миграцияси ҳам таъсир қилади. **Ишчи кучи миграцияси мураккаб жараён бўлиб, турли омиллар таъсири остида (масалан, иш ҳақи даражасидаги ўзгаришлар, ишсизлик ва ҳ.к.) ишчи кучининг бир ҳудуддан бошқа бир ҳудудга кўчиб ўтишини билдиради.**Миграция икки даражада, яъни халқаро даражада ва мамлакат ичида рўй бериши мумкин. Давлатлар ўртасида рўй берган миграция **ташқи миграция** дейилади. Бир мамлакат ичида рўй берган миграция **ички миграция** деб аталиб, у қуйидаги шаклларда бўлиши мумкин:

1) **тугал миграция** – аҳолининг доимий яшаш жойини ўзгартириши билан боғлиқ миграция;

2) **тебранувчи миграция** – ишчи кучининг бир ҳудуддан бошқа ҳудудга мунтазам даврий равишда қатнаб ишлаши билан боғлиқ миграция;

3) **мавсумий миграция** – мавсумий иш фаолияти билан боғлиқ миграция;

4) **тасодифий миграция** – ишчи кучининг баъзи ҳолларда бошқа ҳудудларга бориб келиши билан боғлиқ миграция.

Ишчи кучи миграцияси шунчаки рўй бермай, унинг негизида маълум ижтимоий-иқтисодий сабаблар ётади. Ишчи кучи миграциясининг иқтисодий вазифаси сифатида мамлакат бўйлаб меҳнат ресурслари самарали тақсимланишини таъминлаш, ишчи кучига бўлган талаб ва таклиф нисбатини мувофиқлаштириш ҳисобланади. Бу вазифанинг амалга ошиши натижасида ишчи кучидан фойдаланиш самарадорлиги ошади.

Ишчи кучи миграциясининг ижтимоий вазифаси аҳоли турмуш даражасини ошириш, инсон омилининг ижтимоий ҳаётдаги роли ва мавқеини янада юксалтиришдан иборат.

Ишчи кучини такрор ҳосил қилиш унинг тўла ва самарали иш билан банд бўлиш муаммосини ҳам ўз ичига олади. Иш билан тўла банд бўлишни мутлақ маънода тушунмаслик керак. Биринчидан, ишсизликнинг маълум даражаси иқтисодиёт учун меъёрдаги ҳол ҳисобланади. Иккинчидан, иш билан тўла банд бўлиш меҳнатга лаёқатли барча кишилар албатта умумлашган (давлат ва жамоа корхоналарида) ишлаб чиқаришга жалб этилиши зарурлигини англатмайди. Уларнинг бир қисми ўзини оилада хизмат кўрсатишга, болалар тарбиясига, шунингдек, хусусий корхоналар ва шахсий ёрдамчи хўжаликда меҳнат қилишга, якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланишга бағишлаши мумкин. Учинчидан, иш билан тўла банд бўлиш унинг самарадорлиги билан, меҳнат ресурсларидан ғоят оқилона фойдаланиш билан қўшиб олиб борилиши керак.

**Такрорлаш учун саволлар ва топшириқлар**

1.Аҳоли ўсиши ва иқтисодий тараққиёт ўртасида қандай боғлиқлик бор?
2.Аҳоли ўсиши қандай ижтимоий-иқтисодий муаммоларни юзага келтиради?
3.Мальтус назариясининг моҳияти нимадан иборат?

# 17-МАВЗУ. ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ УМУМБАШАРИЙ ҚОНУНИЯТЛАРИ

1.Жаҳон мамлакатларининг иқтисодий тараққиёти ва ўзаро иқтисодий боғлиқлигининг ўсиши.
2.Халқаро иқтисодий интеграция жараёнлари тўғрисидаги турлича назариялар ва уларнинг асосий йўналишлари.
3.Жаҳон хўжалиги инфратузилмаси.
4.Халқаро иқтисодий муносабатлар ва уларнинг асосий йўналишлари.

**Асосий таянч тушунчалар:** халқаро меҳнат тақсимоти, капитал миграцияси, АСЕАН, халқаро иқтисодий интеграция, тариф ва бошқа чеклашлар, НАФТА, эркин савдо зонаси, МЕРКОСУР.

## 17.1. Жаҳон мамлакатларининг иқтисодий тараққиёти ва ўзаро иқтисодий боғлиқлигининг ўсиши

Ҳозирги даврда жаҳон иқтисодий ривожланишининг энг муҳим ўзига хос хусусиятларидан бири – турли мамлакатлар ва хўжалик минтақалари ўртасидаги ўзаро боғлиқликнинг ўсиб бориши ҳисобланади.

Дунё бир-биридан мақсадлари, амал қилиш механизми билан фарқланувчи турли хил ижтимоий-иқтисодий тузумлар, халқаро гуруҳларга бўлинган. Жаҳон ҳамжамияти мамлакатларини туркумлаш ҳар хил мезонлар асосида амалга оширилади.

Турли мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиш кўрсаткичларининг турли-туманлиги улар тараққиёт даражасини қандайдир битта нуқтаи-назардан баҳолаш имконини бермайди. Шунга кўра, мазкур мақсадда бир неча асосий кўрсаткич ва мезонлардан фойдаланилади:

- мутлоқ ва нисбий ЯИМ;
- миллий даромад ва унинг аҳоли жон бошига тўғри келувчи миқдори;
- миллий иқтисодиётнинг тармоқ тузилмаси;
- мамлакат экспорти ва импорти таркибий тузилмаси;
- аҳолининг турмуш даражаси, сифати ва бошқалар.

Мамлакатнинг жаҳон хўжалигидаги ўрнини аниқлашда бир неча ёндошувлар мавжуд. Улардан энг оддийлари – мамлакатларни аҳоли жон бошига тўғри келувчи даромад даражаси бўйича гуруҳларга ажратиш ҳисобланади. Бундай ёндошув БМТ, Халқаро валюта фонди (ХВФ), Жаҳон тикланиш ва тараққиёт банки (ЖТТБ) томонидан қўлланилади. Масалан, ЖТТБ даромад даражасига кўра мамлакатларнинг учта гуруҳини фарқлайди. 1995 йили аҳоли жон бошига тўғри келувчи миллий даромадларнинг қуйидаги чегаравий миқдорлари белгиланган эди:

- даромадларнинг паст даражаси – 765 долларгача (49та мамлакат);
- даромадларнинг ўртача даражаси – 766 доллардан 9385 долларгача (58та мамлакат);
- даромадларнинг юқори даражаси – 9386 доллар ва ундан юқори (26та мамлакат).

Жаҳон ҳамжамияти мамлакатларини туркумлашга умумий асосда ёндашиб хўжалик тизимларининг хусусиятларига мос равишда давлатларнинг учта гуруҳини ажратиб кўрсатиш мумкин: ривожланган, бозор иқтисодиётига асосланган ҳолда ривожланаётган ва бозор иқтисодиёти мавжуд бўлмаган мамлакатлар.

Ривожланганлик даражаси бўйича ҳам ўз навбатида учта гуруҳ фарқланади: паст, ўртача ва юқори ривожланган мамлакатлар. Шимоли-шарқий Осиё ва Лотин Америкасидаги янги индустриал мамлакатлар (ЯИМ), юқори даромадли нефть экспорт қилувчи мамлакатлар (Саудия Арабистони, Қувайт ва бошқалар), энг кам ривожланган мамлакатлар (ЭКРМ), шу жумладан энг камбағал мамлакатлар (Чад, Бангладеш, Эфиопия), ҳар хил минтақавий иттифоқлар ва байналминал гуруҳларга ажратилади.

Интенсив давлатлараро иқтисодий алоқаларнинг ҳозирги даражаси қуйидагиларни кўрсатади:

- жаҳон хўжалигида халқаро меҳнат тақсимоти даражасининг чуқурлигини;
- анъанавий халқаро тайёр маҳсулотлар савдоси миқёсларининг кенгайиши ва характерининг ўзгарганлигини (у кўп жиҳатдан миллий ишлаб чиқариш жараёнларига тўғридан-тўғри хизмат қила бошлайди);
- капитал миграциясининг интенсивлашганлигини;
- илмий-техник билимлар алмашувининг тезлашганлиги ва шунингдек хизматлар соҳасининг ривожланганлигини;
- ишчи кучи миграциясининг сезиларли даражада ўсганлигини (халқаро ишчи кучи миграцияси халқаро хўжаликнинг байналминаллашувининг муҳим қисми бўлиб қолмоқда);
- давлатлар ва минтақалар ўртасидаги иқтисодий интеграциялашув жараёнларининг тезлашиши ва кенгайишини.

Жаҳон иқтисодиёти ва ХИМда глобализация феноменини икки томонлама, яъни макроиқтисодий ва микроиқтисодий даражада кўриб чиқиш мумкин. Макроиқтисодий даражада глобализация – бу, давлатлар ва алоҳида минтақаларнинг чегараларидан ташқарида иқтисодий фаолият кўрсатишга бўлган умумий интилишлари тушинилади. Бундай интилишларнинг кўринишлари - либерализация, савдо ва инвестицион тўсиқларнинг олиб ташланиши, эркин тадбиркорлик зоналари ташкил этиш ва ҳ.к.лар ҳисобланади. Микроиқтисодий даражадаги глобализация эса корхона фаолиятининг ички бозор чегараларидан ташқарида кенгайиши тушинилади. Тадбиркорлик фаолиятининг миллатлараро ёки кўпмиллий йўналганлигидан фарқли равишда глобализация жаҳон бозори ёки “жаҳон учлиги” (Шимолий Америка, ғарбий Европа, Япония) бозорларини ўзлаштиришда ягона ёндашишни тушунилади.

## 17.2. Халқаро иқтисодий интеграция жараёнлари тўғрисидаги турлича назариялар ва уларнинг асосий йўналишлари

XX асрнинг иккинчи ярмида хўжалик ҳаётининг байналминаллашуви замонавий жаҳон хўжалиги ривожланишининг етакчи анъанасига айланди. Жаҳон хўжалигини глобал байналминаллашувининг асосий тенденцияларидан бири шундаки, маълум бир давлат ёки бир неча давлатлар гуруҳининг таъсир зонаси вужудга келишидир. Бу давлатлар ёки давлатлар гуруҳи жаҳон хўжалиги алоқалари таъсирида ўзига хос минтақалар ҳосил қилиб бошқа давлатларни ўз атрофида бирлаштирувчи интеграцион марказларга айланиб боради.

Жаҳон иқтисодиётида иқтисодий интеграция ўз навбатида, бу жараён иштирокчилари бўлмиш давлатлар ўртасида ишлаб чиқариш ва капиталнинг байналминаллашувига имкон яратади. Иқтисодий интеграцияга бошловчи жараёнларни схемали тарзда қуйидаги ўзаро боғлиқ занжир шаклида тасвирлаш мумкин: ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши - халқаро меҳнат тақсимоти -

ишлаб чиқариш ва капиталнинг байналминаллашуви - иқтисодий интеграция. Жаҳон иқтисодиётида иқтисодий интеграцияга иккита омил катта таъсир кўрсатади: илмий-техник инқилоб ва трансмиллий корпорацияларни фаолияти.

Ғарбий Европада иқтисодий интеграция энг юқори даражада ривожланган. Ғарбий Европанинг иқтисодий интеграцияси объектив иқтисодий жараёнлар билан бир қаторда В. Гюго, И. Кант каби Европанинг сиёсий, жамоат арбоблари ва файласуфлари томонидан олға сурилган ягона қарашлар концепцияси билан ҳам кенг суғорилгандир.

Жаҳон иқтисодиётида Ғарбий Европа интеграциясининг ҳозирги кунгача бўлган ривожланиши ниҳоятда қарама-қаршиликлардан иборатдир. Шу билан бирга Европа Иқтисодий Ҳамжамиятини ташкил топишида унинг олдига қўйилган мақсад ва вазифалар ҳозирги кунга қадар муваффақиятли амалга оширилиб келинмоқда.

Ғарбий Европа интеграцияси ривожланишини тўрт босқичга бўлиб ўрганиш мумкин.

**Биринчи босқич** (50-йилларнинг охири - 70-йилларнинг ўрталари). Бу давр ЕИҲ давлатлари ҳаётида "олтин аср" ҳисобланади. Унда божхона иттифоқи белгиланган муддатидан олдин ташкил этилди, ягона аграр бозори яратилди. ЕИҲга учта янги давлат - Буюк Британия, Дания ва Ирландия аъзо бўлиб кирди. ЕИҲ ёки "Умумий бозор"ни ташкил қилишнинг мақсадлари қуйидагилардан иборат эди:

- иштирокчи давлатлар ўртасидаги ўзаро савдода аста-секин барча тўсиқларни олиб ташлаш;
- учинчи давлатлар билан савдода бир хил бож тарифларини ўрнатиш;
- "инсонлар, ишчи кучи, капитал ва хизматлар" нинг эркин ҳаракатланишига қўйилган тўсиқларни олиб ташлаш;
- транспорт ва қишлоқ хўжалиги соҳасида умумий сиёсат ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- валюта иттифоқи тузиш;
- солиқ тизимини унификация қилиш;
- қонунчиликни яқинлаштириш;
- иқтисодий сиёсатни мувофиқлаштириш тамойилларини ишлаб чиқиш.

Божхона иттифоқи доирасида қуйидагилар амалга оширилди:

- иштирокчи давлатлар ўртасидаги ўзаро савдода тўсиқлар олиб ташланди;
- учинчи давлатларга нисбатан бир хил божхона тарифлари ўрнатилди;
- капитал, кредитлар, пул кўчирмаларининг эркин ҳаракатланишига шароит яратилди;
- ишчи кучи миграцияси эркинлиги ва турар жой танлаш эркинлиги таъминланди.

Умумий бозорнинг шаклланиши ЕИҲ давлатларининг миллий монополияларини трансмиллий корпорацияларга айланиш жараёнини тезлаштирди, ҳамкор давлатлар иқтисодиётига киришга имкон яратди. ЕИҲни ривожланиши Ҳамжамиятга аъзо-давлатларнинг ёпиқ миллий хўжаликдан ташқи бозорга юзланган очиқ типдаги иқтисодиётга интенсив равишда ўтишини англатади.

**Иккинчи босқич** (70 ва 80-йилларнинг ўрталари). Бу давр ЕИ тарихига асосан турғунлик даври сифатда кирди. Бу даврда ЕИга аъзо-давлатлар Европа валюта ҳамкорлиги дастури, ташқи сиёсий консультациялар механизмини қабул қилишга муваффақ бўлсаларда, вужудга келган салбий жиҳатлар ғарбий Европа иқтисодий интеграциясининг жиддий инкирозига олиб келди. Бу инқироз "евросклероз" номини олди. 70 ва 80- йилларнинг бошида ЕИ давлатлари ўртасида ривожланиш даражаси

бўйича фарқ ўсиб борди. 1981 йилда ЕИга Грециянинг кириши билан бу фарқ янада кучайди, чунки ушбу давлат иқтисодиёти ҳамжамиятнинг бошқа иштирокчи давлатлари иқтисодиётига нисбатан жуда паст даражада ривожланган эди.

**Учинчи босқич** (80-йилларнинг охири ва 90-йилларнинг боши). Бу давр Ҳамжамият таркибининг янада кенгайиши билан характерланади. 1986 йилда Испания ва Португалиянинг ЕИҲга қўшилиши аъзо-давлатлар ўртасидаги фарқнинг янада кенгайишига олиб келди. 90-йиллар бошида ЕИга аъзо-давлатлар ягона бозор асосларини яратишни амалда тугатишиб, валюта, иқтисодий ва сиёсий иттифоқларни шакллантиришга бевосита яқинлашдилар.

**Тўртинчи босқич** (90-йилларнинг ўртаси ва XXI аср боши). Бу Ягона Европа Актига мувофиқ 1993 йилнинг 1 январидан бошлаб Ҳамжамият чегаралари доирасида ишлаб чиқариш воситаларининг эркин ҳаракати йўлга қўйилди. Ҳамжамият доирасида ягона иқтисодий ҳудуд вужудга келди. Бу ЕИ доирасидаги иқтисодий интеграциянинг сифат жиҳатдан янги босқичга кирганини англатади.

XX–XXI асрлар бўсағасида Ғарбий Европа иқтисодий интеграциясининг муваффақиятли ривожланиши жаҳоннинг бошқа ривожланаётган минтақаларини ҳам эътиборини ўзига жалб қилди. Осиё, Африка ва Лотин Америкасида ўттиздан ортиқ эркин савдо зоналари, божхона ёки иқтисодий иттифоқлар юзага келди. Аммо жаҳон иқтисодиётида энг сезиларли, ривожланаётган интеграцион жараён Шимолий Америка эркин савдо зонаси - НАФТАни ташкил топиши ва фаолият кўрсатиши муҳим аҳамият касб этмоқда. АҚШ билан Канада ўртасидаги мавжуд бўлган иқтисодий интеграция ва уларнинг Ғарбий Европадаги давлатлар билан олиб бораётган ҳамкорлиги АҚШни қониқтирмай қўйди. Натижада 1994 йилнинг 1 январида кучга кирган Шимолий Америка эркин савдо зонаси (НАФТА) ҳақидаги шартнома имзоланди. НАФТАга АҚШ ва Канададан ташқари Мексика ҳам қўшилди. Шундай қилиб ушбу блок ҳудуди 370 млн.дан ортиқ аҳолига, кучли иқтисодий салоҳиятга эга бўлган ҳудудни қамраб олди. НАФТА давлатлари томонидан ишлаб чиқарилган товар ва хизматлар тахминан 7 трлн. АҚШ долларини ташкил қилиб, ушбу давлатлар улушига жаҳон савдо умумий ҳажмининг18-20%и яқини тўғри келмоқда.

НАФТА давлатлари томонидан имзоланган шартноманинг асосий ҳолатлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

- АҚШ, Канада ва Мексика давлатлари ўзаро савдо қиладиган товарларга нисбатан божларни бекор қилиш
- Шимолий Америка бозорларни Мексика орқали АҚШга кириб келаётган товарлар учун божларни тўламасликка ҳаракат қилувчи Осиё ва Европа компаниялари экспансиясидан ҳимоя қилиш
- Мексикада банк ва суғурта компанияларнинг ишида Америка ва Канада компаниялари капитал қўйилмалари ва рақобатларига бўлган тақиқларни олиб ташланди.
- Атроф-муҳитни ҳимоялаш билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш учун уч томонлама гуруҳлар ташкил қилиш ва бошқалар.

Жаҳон иқтисодиётида Шарқий Осиёда иқтисодий интеграцион жараёнларнинг ривожланиши истиқболларини кўп жиҳатдан Осиё - Тинч океани иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (ОТИҲ)нинг тузилиши билан боғлашади. Ушбу ташкилотга Осиё, шунингдек Шимолий ва Жанубий Американинг 18 давлати аъзо бўлиб кирган эди.

Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг режаларига мувофиқ ушбу минтақада 2020 йилларга бориб жаҳонда энг йирик божхона ва ички тўсиқларсиз эркин савдо зонасини ташкил қилиш назарда тутилган. Осиё-Тинч океани минтақасидаги иқтисодий интеграция жараёнларини баҳолаган кўплаб мутахассислар унинг ривожланиши стихияли эканлиги ва ўзига хослигини таъкидлайдилар. Бунинг устига интеграцион муносабатлар ҳозирча ушбу минтақаларда унчалик ривожланган эмас. Масалан, АСЕАН тизимидаги савдо зонасини иқтисодий интеграциянинг биринчи босқичи, яъни, тариф ва тарифли тўсиқларсиз эркин савдо зоналарига киритиш мумкин. ОТИҲга нисбатан эса ҳозирча эркин савдо зонаси деб эмас, "эркин иқтисодий асоциация" деб айтиш мумкин. Айни бир пайтда, иқтисодий сиёсатни ўзаро мувофиқлаштириш натижасида минтақанинг ички савдоси ва капитал бозорларининг тез ривожланиши Осиё-Тинч океани минтақасининг интеграцияси эркин савдо зонасига ўтишига имкон беради.

Жаҳон иқтисодиётида интеграцияга, яъни, ўзаро ҳамкорликни чуқурлаштиришга бўлган интилиш Форс кўрфазидаги Араб давлатлари орасида ҳам кузатилмоқда. 1981 йилдан буён Саудия Арабистони, Қувайт, Қатар, Бахрайн, Бирлашган Араб Амирликлари ва Уммон каби давлатлар ўз ичига олган "нефть олтилиги" Ҳамкорлик Кенгаши давлатлари фаолият кўрсатиб келмоқда. 1992 йилда Марказий Осиё давлатлари иқтисодий ҳамкорлик ташкилотини (ИҲТ-ЭКО) ташкил қилиниши ҳақида фикрлар билдирилди. Уни ташкил қилиш таклифи билан Эрон, Покистон ва Туркия давлатлари чиқишган эди. Таъсисчиларнинг фикрича, ИҲТ-ЭКО ўзида МДҲ мамлакатлариҳам бирлаштирган бўлажак Марказий Осиё умумий бозорининг тимсоли бўлмоғи лозим эди. Шундай қилиб, ривожланаётган давлатлар ҳамкорлиги, уларнинг интеграцияга бўлган интилишлари ҳақида фикр билдирганда шуни назарда тўтиш керакки, реал интеграцион жараёнлар ушбу давлатларда ҳали жуда кучсиз бўлиб, характери ва ҳаракатлантирувчи омиллари билан, ривожланиш суръатлари билан бир-биридан кескин фарқ қилиб туради. Ривожланаётган давлатларнинг иқтисодий ҳамкорлиги, улар эълон қилган интеграцион жараёнларга кўрилаётган тайёргарлик босқичидир, холос. Жаҳон иқтисодиётида эълон қилинган интеграцион гуруҳларнинг кўпчилиги ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг етук эмаслигини, миллий хўжаликларнинг оддий ва структуравий дифференциясизлигини, бозор ва молиявий инфраструктураларининг ривожланмаганлиги бу тузилмаларни ё ҳаракатсиз қолдирмоқда ёки бутунлай муваффақиятсизликка учратмоқда.

## 17.3. Жаҳон хўжалиги инфратузилмаси

Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатларнинг моҳияти, маъносини кўрсатувчи асосий кўрсаткичлардан бири халқаро меҳнат тақсимотидир. Дунёнинг барча мамлакатлари у ёки бу жиҳатдан халқаро меҳнат тақсимотига (ХМТ) қўшилган. Унинг чуқурлашуви илмий-техника инқилобининг (ИТИ)нинг таъсири остида бўлган ишлаб чиқариш кучларининг ривожланишидан келиб чиқади.

Халқаро меҳнат тақсимотида иштирок этиш давлатларга қўшимча иқтисодий самара бериб, ўз эхтиёжларини энг кам ҳаражатлар билан тўлиқроқ қондириш имконини беради.

Халқаро меҳнат тақсимоти моҳияти ишлаб чиқариш жараёнининг меҳнат фаолиятини турли шаклларининг ихтисослашуви ва уларнинг кооперациялашувида, ўзаро ҳамкорлигида намоён бўлади. Меҳнат тақсимотини фақат ажратиш жараёни

сифатида эмас, балки, жаҳон миқёсида меҳнатни бирлаштириш йўли сифатида ҳам кўриш мумкин.

Халқаро меҳнат тақсимоти давлатлар ўртасида меҳнатнинг ижтимоий-худудий тақсимотининг даражаси ҳисобланади. У алоҳида бир давлатлар ишлаб чиқаришларининг ихтисослашувига асосланади.

Халқаро меҳнат тақсимоти назарияси сиёсий иқтисод классиклари А.Смит ва Д.Рикардо ишларида асослаб берилди ва ривожлантирилди. Адам Смит "Халқлар бойлигининг табиати ва сабаблари" китобида (1776 й.) халқаро меҳнат тақсимотини таҳлил қилиб, савдо ва тадбиркорлик эркинлиги зарурлигини исботлайди. Унинг фикрича, савдо эркинлигини чеклашлар алоҳида минтақалар ва бутун бир давлатлар ўртасида рўй бераётган меҳнат тақсимотини чуқурлашишига ҳалақит беради. Тўсиқларнинг йўқотилиши ва халқаро алмашинув майдонининг кенгайиши миллий иқтисодиётни ихтисослашувига ва уларнинг ўзаро боғлиқлигини оширишга, умужаҳон хўжалигининг юзага келишига олиб келиши керак. А.Смит кейинчалик жаҳон иқтисодиётида жуда машҳур бўлиб кетган эркин савдо шиорини олға сурган эди (laisser-faire). А.Смит ғояларини кейинчалик инглиз иқтисодчилари Давид Рикардо, Р. Торренс ва Жон Стюарт Милл ва бошқалар ўз ишларида ривожлантиришди.

Классикларнинг халқаро меҳнат тақсимоти тўғрисидаги илмий назариясининг асосий ютуқларидан бири бўлиб, ишлаб чиқаришнинг нисбий ҳаражатлари назариясидир. Бу назария халқаро савдо ҳақидаги иқтисодий таълимотнинг "классик" асоси ҳисобланади.

Ишлаб чиқаришнинг нисбий ҳаражатлари назариясининг асосида мамлакатлар орасида ишлаб чиқариш шароитларида фарқ мавжудлиги ҳақидаги ғоя ётади. Бунга кўра ҳар қандай мамлакатда ҳам ва шунингдек ҳар қандай табиий ва иқлимий шароитларда ҳам ҳар қандай товар ишлаб чиқаришни ташкил этиш мумкин деб ҳисобланади.

Нисбий ҳаражатлар назарияси бирон-бир товар ишлаб чиқаришда бир давлатнинг бошқа бир давлатдан абсолют устунлиги мавжудлигида эмас, балки бундай устунлик мавжуд бўлмаган ҳолатда ҳам ихтисослашув фойдали эканлиги исботланади. Агар халқаро даражадаги ҳаражатларга нисбатан кам ҳаражат билан товар ишлаб чиқаришнинг иложи бўлмаса, ҳаражатларнинг ўртача даражадан кўплиги қайсидир бир товарда энг кам бўлади. Бошқа товарларга нисбатан фойдалироқ бўлган шу товар ишлаб чиқаришга ихтисослашиш керак (бунда ихтисослашиш самара беради). Бунда тескари ҳолат ҳам назарда тутилган. Мамлакат бир неча товарлар бўйича устунликка эга бўлса, бу устунлик максимал бўлган товар ишлаб чиқаришга ихтисослашиш керак. Иқтисодий классикларининг ушбу ғоялари Э. Хекшер, П. Самуэльсон, Б. Олин, В. Леонтьев ва бошқа замонавий иқтисодчилар томонидан янада ривожлантирилди.

Жаҳон хўжалигини ривожлантириш учун биринчи навбатда ишлаб чиқаришда меҳнат унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқаришда самарадорликни кўтариш, шунингдек ишлаб чиқаришда ҳаражатларни камайтиришга интилиш зарур. Халқаро меҳнат тақсимотини ривожланиши жараёнида асосий нарса, бу шу жараённинг ҳар бир иштирокчиси ўзининг ХМТдаги иштирокидан иқтисодий фойда қидириши ва топишидир.

Ҳар қандай давлатнинг халқаро алмашув жараёнида халқаро меҳнат тақсимотининг устунликларини амалга ошириши – биринчидан, экспорт қилинаётган товар ва хизматларнинг ташқи ва ички бозор нархларидаги фарқни олиш;

иккинчидан, арзонроқ бўлган импортдан фойдаланиб, миллий ишлаб чиқаришдан воз кечган ҳолда ички ҳаражатларни камайтириш имконини беради.

Жаҳон хўжалигини тизим сифатида кўриб чиққанда ХМТни бу тизимни ташкил қилган бирлаштирувчи асос деб кўриш мумкин.

Жаҳон иқтисодиётида саноати ривожланган давлатларнинг ишлаб чиқариши кўп ҳолатларда ташқи истеъмолчиларга, ички талаб эса импортга йўналган бўлади деб тахмин қилинса, ривожланаётган давлатларда эса ички бозорнинг нисбатан тез, лекин экстенсив кенгайиши тахмин қилинмоқда.

Хуллас, XX-XXI асрлар бўсағасида жаҳонда мисли кўрилмаган иқтисодий, сиёсий, ижтимоий жараёнлар рўй берган бўлиб, улар албатта халқаро меҳнат тақсимотини ривожланишига ўзининг сезиларли таъсирини кўрсатган эди.

Халқаро меҳнат тақсимотининг ривожланиши асосий йўналишини биз халқаро ихтисослашув ва ишлаб чиқариш кооперациясининг кенгайишида кўришимиз мумкин. Халқаро кооперация (ХК) ва халқаро ихтисослашув (ХИ) халқаро меҳнат тақсимотининг шакллари бўлиб, унинг моҳиятини намоён қилади.

Турли давлатларнинг корхоналарини маълум бир товарга ихтисослашуви замонавий ИТИ билан боғлиқдир. Ишлаб чиқаришнинг технологик тизимини мураккаблашиб бориши билан тайёр маҳсулотда ишлатиладиган деталлар сони кўпайди. Масалан: енгил автомобил саноатида 20 минггатача, прокат дастгоҳларида 100 мингтача, электровозларда эса 250 мингтача деталларнинг қисмлари ишлатилиши мумкин.

Жаҳон иқтисодиётида халқаро ишлаб чиқаришни ихтисослашуви (ХИИ) иккита йўналиш бўйича– ишлабчиқариш ва ҳудудий йўналишлар бўйича ривожланиб бормоқда. Ўз навбатида ишлаб чиқариш йўналиши:

а) соҳалараро;

б) давлатлар гуруҳи;

в) алоҳида корхоналарнинг ихтисослашувига бўлиниши мумкин. Бундан ташқари ҳудудий халқаро ишлаб чиқариш ихтисослашуви эса:

а) алоҳида давлатлар;

б) давлатлар гуруҳи;

в) ҳудудларнинг жаҳон бозори учун маълум товарларни ишлаб чиқаришга ихтисослашувига бўлинади.

Халқаро ишлаб чиқариш ихтисослашувининг асосий турларига:

- предметли (маҳсулот ишлаб чиқариш);
- деталли (маҳсулотни ташкил қилувчиларни ишлаб чиқариш);
- технологик ёки босқичли (яъни, алоҳида технологик жараёнларни, масалан йиғиш, бўяш ва бошқаларни амалга ошириш) ихтисослашиш киради.

Халқаро меҳнат тақсимотининг бошқа бир шакли - халқаро ишлаб чиқариш кооперациясидир. Унинг объектив асоси бўлиб, ишлаб чиқариш кучларини ривожланишининг ўсиб бораётган даражаси, ҳамда мамлакат ичида ёки ташқарисида рўй беришидан қатъий назар мустақил корхоналар ўртасидаги барқарор ишлаб чиқариш жараёнларини бориши ҳисобланади. Халқаро ишлаб чиқариш кооперацияси ўзининг ривожланган шаклларида ҳамкорликнинг турли соҳаларини қамраб олади. Жумладан, биринчидан, ишлаб чиқаришда технологик ҳамкорлик. Ушбу ҳамкорликларга қуйидагилар киради:

а) лицензиялар бериш ва мулкчилик ҳуқуқларидан фойдаланиш;

б) лойиҳа конструкторлик ҳужжатларини, технологик жараёнларни, маҳсулотнинг техник даражаси ва сифатини, қурилиш ва монтаж ишлари замонавий, кооперациялашган корхоналарни ишлаб чиқиш ва мослаштириш;

в) ишлаб чиқаришни бошқариш, стандартлаштириш, унификациялаш, сертификациялашни такомиллаштириш, ишлаб чиқариш дастурларини тақсимлаш ва ҳ.к.лар.

Жаҳон иқтисодиётида кооперация алоқаларини ўрнатишда фойдаланиладиган қуйидаги уч асосий усулга алоҳида эътибор берилади:

- Ҳамкорликдаги дастурларни амалга ошириш.
- Шартнома асосида ихтисослашиш.
- Қўшма корхоналар ташкил қилиш.

Ҳамкорликдаги дастурларни амалга ошириш ўз навбатида икки асосий шаклда. (пудратли ишлаб чиқариш кооперацияси ва ҳамкорликдаги ишлаб чиқариш) амалга оширилади. Шартнома асосида ихтисослашиш эса ишлаб чиқариш дастурларини ишлаб чиқариш кооперацияси иштирокчилари орасида тақсимланишини назарда тутади. Қўшма корхоналар бу интеграциялашган кооперациядир.

## 17.4. Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий алоқаларининг ривожланиши

Мустақил Республиканинг ташқи иқтисодий алоқалар соҳасидаги янги сиёсати жаҳондаги жуда кўп мамлакатлар билан ҳар томонлама алоқаларни кенгайтиришда уз ифодасини топмоқда. Чет эл давлатлари билан ўзаро муносабатларда республика миллий манфаатларини амалга оширишнинг асосий механизмларидан бири бўлиб, савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича икки томонлама ҳукуматлараро комиссиялар фаолияти ҳисобланади. Ҳозирда бундай комиссиялар 30 дан ортиқ мамлакатларда асосий шерикларимиз билан ташкил этилган.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон 140 дан ортиқ мамлакатлар билан савдо-иқтисодий алоқаларни ўрнатган. Уларнинг орасида Жанубий Корея, Германия, АҚШ, Буюк Британия, Швейцария, Туркия, Франция, Япония, Эрон, Голландия, МДҲ мамалакатларидан – Россия, Украина, Қозоғистон, Туркманистон билан савдо алоқалари кенг йўлга қўйилди.

Ўзбекистон Европа Иттифоқининг (ЕИ) Марказий Осиёдаги энг йирик савдо-иқтисодий шериги ҳисобланади. 1994 йилнинг октябрида Ўзбекистон билан ЕИ ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилди ва Брюсселда, ЕИ ҳузурида Ўзбекистон Республикаси дипломатик ваколатхонаси ишлай бошлади. 1995 йилда ЕИ билан Ўзбекистон Республикаси ўртасида Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисида битим тузилди. Бу битим ЕИга аъзо мамлакатлар ва Ўзбекистон ўртасида иқтисодий, савдо, илмий-техникавий, маданий-маърифий алоқалар учун кенг имкониятлар очиб бермоқда.

### Такрорлаш учун саволлар ва топшириқлар

1.Ҳозирги даврда жаҳон иқтисодий ривожининг ўзига хос хусусияти нимадан иборат?
2.Жаҳон ҳамжамияти мамлакатларини туркумлаш қандай мезонларга асосланади?
3.Иқтисодий ҳаётнинг байналминаллашуви жараёнининг моҳияти нимадан иборат?
4.Глобаллашув жараёни нима ва унинг қандай йўналишлари мавжуд?
5.Халқаро меҳнат тақсимоти қандай тамойилларга асосланади?

6.Жаҳон инфратузилмаси таркибий қисмларининг тавсифини беринг.
7.Ҳозирда халқаро иқтисодий муносабатларни тартибга солувчи қандай халқаро тузилмаларни биласиз?

# 18-МАВЗУ. МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТИДА ХАЛҚАРО САВДОНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ

1.Жаҳон бозори ва халқаро савдо.
2.Ташқи савдо мультипликатори.
3.Ўзбекистон ташқи иқтисодий алоқалар ривожининг устувор йўналишлари.

**Асосий таянч тушунчалар:** Жаҳон бозори, халқаро савдо, мультипликатор, экспорт, импорт, протекционизм, эркин савдо.

## 18.1. Жаҳон бозори ва халқаро савдо

Ҳозирги жаҳон ривожининг хусусиятли белгиси ташқи иқтисодий алоқаларнинг, аввало, ташқи савдонинг тез ўсиши ҳисобланади. Ташқи савдо халқаро ҳамкорликнинг ишлаб чиқариш, илмий-техника ва бошқа шакллари (кадрларни тайёрлаш, туризм ва ҳ.к.) билан бир қатордаги халқаро иқтисодий муносабатларнинг муҳим шакли ҳисобланади. Барча мамлакатлар ташқи савдоси мажмуи халқаро савдони ташкил этади.

**Халқаро савдо – бу турли давлат миллий хўжаликлари ўртасидаги товар ва хизматларнинг айирбошлаш жараёнидир.** Халқаро савдо қадимдан мавжуд бўлсада, фақат XIX асрга келиб, яъни деярли барча ривожланган мамлакатлар халқаро савдо алоқаларида иштирок эта бошлаши билан жаҳон бозори шаклига кирди.

Халқаро савдо ташқи савдо айланмаси, экспорт ва импорт, савдо баланси каби кўрсаткичлар билан тавсифланади.

**Экспорт – бу товарларни чет эллик мижозларга сотиш бўлиб, бунда мазкур мамлакатларда ишлаб чиқарилган товар мамлакатдан ташқарига чиқарилади.** Экспортнинг иқтисодий самарадорлиги шу билан аниқланадики, мазкур мамлакат ишлаб чиқаришнинг миллий харажатлари жаҳон харажатларидан паст бўлган маҳсулотларни четга чиқаради. Бунда экспортда олинадиган ютуқ ҳажми мазкур товар миллий ва жаҳон нархларининг нисбатига, мазкур товарнинг халқаро айланмасида иштирок этувчи мамлакатларнинг меҳнат унумдорлигига боғлиқ.

Халқаро савдода **товарларнинг экспорт таркиби** фан-техника революцияси ва халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви таъсири остида ўзгаради. Ҳозирги даврда халқаро савдонинг экспорт таркибида қайта ишловчи саноат маҳсулотлари етакчи ўринга эга бўлиб, унинг ҳиссасига жаҳон товар айирбошлашининг 3/4 қисми тўғри келади. Озиқ-овқат, хомашё ва ёқилғи улуши фақат 1/4 қисмини ташкил қилади.

**Хизматлар экспорти** товарлар экспортидан фарқ қилади. Чет эллик истеъмолчиларга хизмат кўрсатиш, чет эл валюталарини олиш билан боғлиқ бўлиб, у миллий чегарада амалга оширилади (масалан, чет эл компанияси вакилларига почта, телеграф хизмати кўрсатиш, чет эл фуқароларига сайёҳлик хизмати кўрсатиш ва ҳ.к.).

**Капитал экспорт қилиш** ҳам ўзига хос хусусиятларга эга бўлади. Капитал экспорти кредит бериш ёки чет эл корхоналари акцияларига мақсадли қўйилмалар каби шаклларда амалга оширилиб, капитал чиқарилган вақтда экспорт қилувчи мамлакатдан маблағлар оқимини тақозо қилади ва шу орқали тасарруфида бўлган ресурслар ҳажмини қисқартиради. Бошқа томондан, капитал экспорти чет давлатларнинг мазкур мамлакатдан бўлган қарзларини кўпайтиради. У жаҳон бозорига товарларнинг кейинги экспорти учун қулай шароит яратади ва чет эл валютасида фоиз ёки дивиденд шаклида барқарор даромад олиш омили ҳисобланади.

Кўплаб мамлакатлар, чекланган ресурс базасига ва тор ички бозорга эга бўлиб, ўзларининг ички истеъмоли учун зарур бўлган барча товарларни етарли самарадорлик билан ишлаб чиқариш ҳолатида бўлмайди. Бундай мамлакатлар учун импорт керакли товарларни олишнинг асосий йўли ҳисобланади.

**Импорт экспортдан фарқ қилиб чет эллик мижозлардан товарлар (хизматлар) сотиб олиб, уларни мамлакатга келтиришни билдиради.** Бунда мамлакат ичида ишлаб чиқариш харажатлари ташқаридан сотиб олинган чоғдаги харажатларидан юқори бўлган маҳсулотлар импорт қилинади. Ташқи савдо самарадорлигини ҳисоблашда мазкур мамлакат томонидан импорт қилиш ҳисобига муайян товарларга бўлган ўз эҳтиёжининг тезлик билан қондирилиши ҳамда бундай товарларни мамлакат ичида ишлаб чиқарилган чоғда сарфланиши лозим бўлган ресурсларнинг тежалиши натижасида олинувчи иқтисодий наф эътиборга олинади**.**

**Халқаро савдо бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга:**

1. Иқтисодий ресурсларнинг ҳаракатчанлиги мамлакатлар ўртасида мамлакат ичидагига қараганда анча паст бўлади. Масалан, ишчилар мамлакат ичида вилоятдан вилоятга, ҳудуддан ҳудудга эркин ўтиши мумкин. Мамлакатлар ўртасидаги тил ва маданий тўсиқлардан ташқари яна иммиграцион қонунлар ишчи кучининг мамлакатлар ўртасидаги миграциясига қаттиқ чеклашлар қўяди. Солиқ қонунчилигидаги, давлат томонидан тартибга солишнинг бошқа тадбирларидаги фарқлар ва бошқа қатор муассасавий тўсиқлар реал капиталнинг миллий чегара орқали миграциясини чеклайди.

2. Ҳар бир мамлакат ҳар хил валютадан фойдаланади. Бу мамлакатлар ўртасида халқаро савдони амалга оширишда муайян қийинчиликлар туғдиради.

3. Халқаро савдо сиёсий аралашув ва назоратга маҳкум бўлиб, бу ички савдога нисбатан қўлланиладиган тадбирлардан тавсифи ва даражаси бўйича сезиларли фарқланади.

Халқаро савдонинг таркибий тузилиши ишлаб чиқариш асосий омилларининг турли мамлакатлар ўртасида жойлашуви ҳамда жаҳон ишлаб чиқариши тузилмасига боғлиқ. Агар бундан бир аср муқаддам халқаро савдода устун равишда хомашё, материаллар, озиқ-овқат ва енгил саноат маҳсулотлари айирбошланган бўлса, бугунги кунга келиб саноат товарлари, айниқса машина ва асбоб-ускуналарнинг салмоғи сезиларли даражада ўсди. Интеллектуал товарлар ва хизматларнинг улуши ҳам кескин равишда ошиб, умумий савдо айланмасининг 10 фоизига қадар етди. Шунингдек, халқаро савдони ташкил этиш шакллари ҳам такомиллашиб бормоқда. Анъанавий кўринишдаги товар биржалари, аукционлар, савдо-саноат ярмаркалари, савдо кўргазмалари билан бир қаторда икки томонлама битимларнинг қуйидаги шакллари ҳам кенг қўлланмоқда:

1) бартер – товарларни тўғридан-тўғри, пул иштирокисиз бир-бирига айирбошлаш. Бартерда пул иштирок этмасада, товарларнинг қийматини бир-бирига таққослаш учун пулнинг қиймат ўлчови вазифаси орқали баҳолаб олинади;

2) экспорт қилувчилар томонидан етказиб берилган товарлар қийматининг бир қисмига импорт товарларни харид қилиш;

3) техниканинг янги моделларини сотишда эскирган моделларни сотиб олиш;

4) импорт қилинган асбоб-ускуналар қисм ва деталларини импортга сотувчи мамлакат томонидан бутлаб бериш;

5) компенсацион битимлар. Мазкур битимлар шартига кўра, технологик асбоб-ускуналар етказиб берувчи томонларнинг бири тақдим этган кредит (молиявий, товар

кўринишидаги) бўйича тўловлар ана шу асбоб-ускуналарда тайёрланган тайёр маҳсулотларни етказиб бериш орқали амалга оширилади;

6) бир мамлакатда ундирилган хомашёни бошқа бир мамлакат ишлаб чиқариш қувватлари ёрдамида қайта ишлашда ушбу қайта ишлаш ва ташиб бериш хизматларини қўшимча хомашё етказиб бериш орқали тўлаш;

7) клиринг операциялари, яъни ўзаро талаб ва мажбуриятларни ҳисобга олиш орқали накд пулсиз ҳисоблашув.

Икки томонлама савдо тамойилида амалга оширилувчи халқаро операциялар барча ҳажмида бартер битимлари 4 фоиз, икки томонлама харид – 55 фоиз, компенсацион битимлар – 9 фоиз, клиринг операциялари 8 фоизни ташкил этади.
Халқаро савдода иштирок этиш ҳар бир мамлакат учун миллий ишлаб чиқарувчиларни ташқи рақобатдан ҳимоя қилиш вазифасини долзарб қилиб қўяди. Бу вазифа мамлакатларнинг савдо сиёсати орқали амалга ошади. Жаҳон амалиётида бу сиёсатнинг **протекционизм (ташқи таъсирдан ҳимоялаш)** ва **фритредерлик (савдога тўлиқ эркинлик бериш)** каби шакллари кенг тарқалган.

## 18.2. Ташқи савдо мультипликатори

Экспорт ва импортнинг ҳаракатида ҳам мультипликация самараси мавжуд бўлиб, бу омилни ҳисобга олиш ўта муҳим аҳамият касб этади. Бу борада таниқли иқтисодчи олимлардан Ж.Кейнс, Р.Кан, Ф.Махлуп, П.Самуэльсон ва бошқалар ташқи савдо мультипликатори тўғрисидаги назарий асосларни яратишда катта ҳисса қўшдилар.

**Экспорт мультипликатори** ҳам инвестициялар мультипликатори сингари истеъмол соҳасидаги ички жараёнлар билан боғлиқ бўлиб, истеъмол ёки жамғармага сўнгги қўшилган мойиллик кўрсаткичлари орқали аниқланади:

$$M_x = \frac{1}{MRS} = \frac{1}{1 - MRC},$$

бу ерда:

$M_x$ – экспорт мультипликатори коэффициенти;

MRS – жамғармага сўнгги қўшилган мойиллик;

MRC – истеъмолга сўнгги қўшилган мойиллик.

**Экспорт ҳажми ошишининг ялпи миллий ишлаб чиқариш ҳажмига таъсирини** қуйидаги формула орқали аниқлаш мумкин:

$$ЯИМ = M_p \Delta X,$$

бу ерда:

$M_p$– мультипликатор;

$\Delta X$– экспорт ҳажмининг ўсиши.

Бироқ, халқаро савдо фақат экспортдан иборат бўлмай, балки ўз ичига импортни ҳам олади. Агар экспортдан олинган даромаднинг бир қисми импортга сарфланса, у ҳолда мамлакатнинг ички харид қобилияти пасаяди. Импорт жамғарма сингари бой берилган имконият сифатида амал қилади, шунинг учун у математик ифодаларда манфий ишора билан қўлланилади. Импортни жамғариш функциясига ўхшаган ҳолда таҳлил қилиш мумкин. Бунинг учун импортга сўнгги қўшилган мойиллик тушунчасини киритиб оламиз. Бу мойиллик импорт ҳажми ўзгаришининг даромад

ўзгаришига нисбати орқали ифодаланиши мумкин. Натижада **импорт мультипликатори** формуласи қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$M_p = \frac{1}{(MRS + MRM)\Delta X},$$

бу ерда:

MRM– импортга сўнгги қўшилган мойиллик.

**Импортни ҳисобга олган ҳолда экспорт ҳажми ўзгаришининг ялпи миллий ишлаб чиқариш ҳажмига таъсирини** қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$\Delta ЯИМ = \frac{1}{(MRS + MRM)\Delta X}.$$

Ташқи савдо мультипликатори чексиз ҳаракатда бўлмайди. Импорт товарларни истеъмол қилишга сўнгги қўшилган мойилликнинг қиймати бирдан кам бўлганлиги сабабли навбатдаги қўшимча ўсишлар миқдори мунтазам қисқариб, мультипликация жараёни секин-аста сўниб боради.

## 18.3. Ўзбекистон ташқи иқтисодий алоқалар ривожининг устувор йўналишлари

Миллий хўжаликларнинг халқаро иқтисодий муносабатлар тизимида иштирок этиши, уларнинг шакллари ва самарадорлик даражаси каби муаммоларнинг узоқ давр мобайнида турли олимлар томонидан тадқиқ этилиши бу борадаги турлича назарияларнинг шаклланишига олиб келди. Бу назариялар орасида энг аввало мамлакатларнинг халқаро меҳнат тақсимоти ва ихтисослашувда иштирок этиши зарурлигини назарий жиҳатдан асослаб берувчи мутлақ ва қиёсий (нисбий) устунлик назариялари муҳим аҳамият касб этади.

**Мутлоқ устунлик назарияси.** Иқтисодий ривожланишнинг миллий андозасидан жаҳон андозасига ўтиш, халқаро иқтисодий интеграциянинг ривожланиши, иқтисодиётнинг глобаллашуви мамлакатларнинг халқаро иқтисодий муносабатларда фаол иштирок этиши миллий манфаатларга қай даражада жавоб беради, деган саволни қўяди. Бу саволга жавоб топишга иқтисодиёт фани илгаридан қизиқиб келган. Жумладан, А.Смит халқаро меҳнат тақсимоти масаласини таҳлил қилиб, қандай товарларни экспорт қилиш ва қайсиларини импорт қилиш қулайлиги тўғрисидаги ўз қарашларини баён қилиш асосида «мутлақ устунлик» назариясини илгари сурган. Мазкур назарияга кўра, А.Смит ҳар бир мамлакатнинг қандайдир маҳсулот турини ишлаб чиқаришга ихтисослашувида бозорнинг аҳамиятли роль ўйнашини кўрсатиб берган. Шу билан бирга, у мамлакатлар қуйидаги икки кўринишдаги устунликка: 1) табиий, яъни иқлим шароитининг қулайлиги, баъзи бир табиий ресурсларнинг мавжудлиги ва шу каби ҳолатлар билан шартланган устунлик; 2) эришилган, яъни мамлакатдаги ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиш даражаси, ишлаб чиқариш технологияси билан шартланган устунликка эгалигини таъкидлаган. Бу устунликлардан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқарилган маҳсулот ўз сифати жиҳатидан юқори ва таннархи жиҳатидан паст даражада бўлади. Шунга кўра, маҳсулотларнинг барча турлари ҳар бир мамлакат томонидан ишлаб чиқарилиши шарт эмас, балки уларнинг баъзиларини устунликка эга бўлган мамлакатдан сотиб олиш самарали ҳисобланади. Уни сотиб олиш меҳнат сарфлари эса мазкур мамлакатнинг ўзи учун устун ҳисобланган соҳадаги меҳнат орқали қопланади. А.Смит назарияси бўйича ҳар бир мамлакат ўзида бошқаларга қараганда арзонга

тушган, яъни кам меҳнат сарфланган товарни экспорт қилиб, уларга нисбатан кўп сарф талаб қиладиган товарларни импорт қилиш фойдалидир.

**Қиёсий устунлик назарияси.** Д.Рикардо ўзаро фойдали савдо ва халқаро ихтисослашувнинг анча умумий тамойилларини шакллантириб, А.Смитнинг қарашларини такомиллаштирган ҳолда «қиёсий устунлик» назариясини ишлаб чиқди. У мазкур назария ёрдамида, ҳатто барча маҳсулотларни ишлаб чиқаришда айрим мамлакатнинг мутлақ устунлиги мавжудлигида ҳам ўзаро фойдали савдонинг нафақат мумкинлигини, балки зарурлигини исботлаб берди. Бу мамлакат нисбатан паст самарали маҳсулотни ишлаб чиқаришдан воз кечиб, нисбатан юқори самарали маҳсулотни ишлаб чиқаришга ўтиш орқали ишлаб чиқариш ҳажмини ошириши мумкин. Мазкур назарияга кўра, мамлакатлар нисбатан паст харажатли маҳсулотни ишлаб чиқаришга ихтисослашув орқали қўшимча устунликка эга бўлиши ва маҳсулот умумий ҳажмини оширишлари мумкин. Бунда ҳар бир мамлакатнинг қандайдир товар ишлаб чиқариш бўйича мутлақ устунликка эга бўлиши, яъни унинг ишлаб чиқариш харажатлари хорижда яратилаётган шундай товарларнинг харажатларидан паст бўлиши шарт эмас. Д.Рикардонинг фикрича, мамлакат ўзида қиёсий устунликка эга бўлган товарларни ишлаб чиқариши ва четга сотиши етарли ҳисобланади.

Қиёсий устунлик назарияси қуйидаги бир қатор шартли фаразларга асосланади: 1) унда иккита мамлакат ва иккита товар ўзаро таққосланади; 2) ишлаб чиқариш харажатлари иш ҳақи кўринишида олинади; 3) мамлакатлар ўртасидаги иш ҳақи даражасидаги фарқлар эътиборга олинмайди; 4) транспорт харажатлари эътиборга олинмайди; 5) эркин савдо мавжуд деб фараз қилинади.

### Такрорлаш учун савол ва топшириқлар

1. Ички ва ташқи савдонинг ўхшашликлари нимадан иборат? Уларнинг фарқичи?
2. Халқаро савдо қандай кўрсаткичлар билан тавсифланади?
3. Нима учун халқаро савдода сунъий тўсиқлар мавжуд бўлади? Уларнинг тавсифини беринг.
4. Протекционистик сиёсатнинг ижобий ва салбий томонлари қандай? Уларни таққосланг.
5. Халқаро савдода иқтисодий интеграциянинг аҳамияти қандайлиги ва унда Ўзбекистоннинг иштирок этиши имкониятларини аниқланг.

# ГЛОССАРИЙ

# ГЛОССАРИЙ

| Атаманинг ўзбек тилида номланиши | Атаманинг инглиз тилида номланиши | Атаманинг рус тилида номланиши | Атаманинг маъноси |
|---|---|---|---|
| Аҳоли пул даромадлари | Money imcome of populations | Денежные доходы населения | иш ҳақи, тадбиркорлик фаолиятидан олинадиган даромад, нафақа, пенсия, стипендия шаклидаги барча пул тушумларини, мулкдан фоиз, дивиденд, рента шаклда олинадиган даромадларни, қимматли қоғозлар, кўчмас мулк, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, ҳунармандчилик буюмларини сотишдан ва ҳар хил хизматлар кўрсатишидан келиб тушадиган даромадлар |
| Ажиотаж талаб | rush demand | Ажиотажный спрос | бозордаги шов-шув ва ваҳима таъсирида сунъий пайдо бўладиган ва шиддат билан ортиб борадиган талаб |
| Ассортиментни ишлаб чиқиш ва режалаштириш | Planning and production of a range | Планирование и производство ассортимента | бозор талабларига мувофиқ ишлаб чиқаришнинг ассортимент тузилмасини ишлаб чиқиш. Маҳсулот рақобатдошлигини баҳолаш. Техник ва истеъмол параметрлари ўзаро алоқасини ўрганиш. Янгиликлар киритиш сиёсати. Нарх сиёсати. Товар қадоғи. Товар белгиси |
| Бандлик | employment | Занятость | меҳнатга лаёқатли аҳолининг ижтимоий фойдали меҳнат билан машғул бўлиши; фуқароларнинг шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ бўлган ва қонунга зид келмайдиган, меҳнат даромади берадиган фаолияти |
| Бозор конъюнктураси | Market conditions | Конъюнктура рынка | муайян даврдаги бозор ҳолати, бозорда мувозанатнинг мавжудлиги ёки бузилганлиги билан характерланади |
| Бозорни мажмуавий ўрганиш | Compleks marketing research | Комплексное изучение рынка | корхонанинг ишлаб чиқариш, савдо, товар, сотиш, реклама, нарх ва бошқа соҳаларидаги тадқиқот, таҳлил ва прогноз (истиқболни белгилаш). Рақобатдошлар фаолиятини ўрганиш |
| Бозор сегменти | Market segment | Сегмент рынка | таклиф этилаётган битта маҳсулот тури ва маркетинг комплексига бир хилда муносабатда бўлувчи истеъмолчилар гуруҳи мажмуи |
| Бозорни сегментлаш | Market segmentation | Сегментация рынка | истеъмолчиларни, уларнинг эҳтиёжларини, имкониятлари ёки хулқ-атворларига асосан гуруҳларга ажратиш жараёни |
| Бозор муҳофазаси | market protection | Защита рынка | миллий бозорнинг ёки айрим товарлар бозорининг, давлатнинг экспорт-импортни тартибга солувчи тадбирлари воситасида ҳимоя қилиниши |
| Дифференциация-ланган маркетинг | differentiated marketing | Дифференци-рованный маркетинг | бир қатор ўхшаш маҳсулотлар билан, бозорнинг тегишли ихтисослаштирилган сегментига чиқиш. Бозор сегментларининг ҳар бирига алоҳида ишлаб чиқилган таклифлар билан чиқиш. Ҳаракатларни бир |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | | | сегментга қаратиш ўрнига бутун бозорга бирданига, бир таклиф билан мурожаат қилиш |
| Диверсификация | Diversification | Диверсифика-ция | (лотинчадан diversus - ҳар хил ва fasere - қилмоқ, бажармоқ) – ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш, маҳсулот ва хизматларни сотиш бозорларини кенгайтириш мақсадида тармоқ ва корхоналар фаолият соҳаларини кенгайтириш, маҳсулот ва хизматлар ассортиментларини кўпайтириш |
| Ишлаб чиқаришни такомиллаш-тириш концепцияси | The concept of improving production | Концепция совершенство-вания производства | истеъмолчилар кенг тарқалган ва нархи қулай товарларга яхши муносабатда бўлишини, шунинг учун раҳбарият ўз харакатларини ишлаб чиқаришни такомиллаштиришга ва тақсимот тизими самарадорлигини кўтаришга йўналтирилиши кераклиги ҳақида тасдиқ |
| Иқтисодиётни эркинлаштириш | Liberalization of economy | Либерализа-ция экономики | нима ва қанча ишлаб чиқаришни, қаерга, қандай баҳода сотишни тадбиркорнинг ўзи белгилаши учун имкон бериш |
| Иқтисодиётнинг реал сектори | Real sector of economy | Реальный сектор экономики | иқтисодиётнинг бевосита моддий неъматлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ соҳаси бўлиб, у ўз ичига саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, транспорт, алоқа ва бошқа хизмат кўрсатиш тармоқларини олади |
| Инвестициялар | investment | инвестиции | асосий ва айланма капитални қайта тиклаш ва кўпайтиришга, ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтиришга қилинган сарфларнинг пул шаклидаги кўриниши |
| Инфратузилма | infrastructure | Инфраструкту-ра | ҳар қандай яхлит иқтисодий тизим ва тузилмаларнинг мавжуд бўлиши шарт ҳисобланган таркибий қисми |
| Инфляция | Inflation | инфляция | пул муомаласи қонунларининг бузилиши натижасида миллий валютанинг қадрсизланиши, нархларнинг ўсиши |
| Иқтисодий ўсиш | Economic growth | Экономичес кий рост | реал ялпи ички маҳсулот умумий ҳажмининг ёки аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал ялпи ички маҳсулотнинг олдинги йилга нисбатан ўсиши |
| Импорт | import | Импорт | мамлакат ички бозорларида сотиш учун хорижий мамлакатлар товарларини, капиталини, технологиясини ва хизматларни олиб келиш. Импорт халқаро меҳнат тақсимоти натижасидир |
| Молия тизими | Financial system | Финансовая система | молиявий муносабатлар ва турли даражада уларга хизмат қилувчи молиявий муассасалар мажмуаси |
| Валюта бозори | Market of Currency | Вылютный рынок | хорижий валюталар ёки хорижий валютадаги тўлов ҳужжатлари бўйича операцияларни амалга ошириш билан боғлиқ иқтисодий муносабатларнинг алоҳида соҳаси |
| Протекционизм | protection | протекционизм | давлатнинг хориж рақобатидан ички бозорни ҳимоя қилиш сиёсати, мамалакатга |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | | | олиб келинаётган товарларга юқори божлар белгилайди, айрим товарларни олиб келиш чекланади ёки умуман таъқиқланади |
| Ялпи ички маҳсулот | Gross domestic product | Валовый внутренный продукт | мамлакатда бир йил давомида ишлаб чиқарилган жами пировард маҳсулот ва хизматларнинг бозор қиймати |

**Хажиев Б.Д., Абдуллаева М.К., Юсупов Р.А.**

Иқтисодий ривожланиш назариялари

фани бўйича ўқув-услубий мажмуа

Тошкент: Иқтисодиёт, 2017 йил.